




ЎАН ВА ТУРМУШ



Едгор ОБИД

Эринг бийлик излайди,
Элинг ёринг сизлайди,
Сенинг-менинг бағримни
Туз-далалар тузлайди...

Кўз қароғин туз босган
Шўр етимсан, Оролим

Доғлар ейдир бошингни,
Еллар ойдир бошингни,
Ютоқ-юҳо кўтарган —
Ғовлар ейдир бошингни.


Эрк-эсини йўқотган
Эр етимсан, Оролим.





ЎзССРФА ИНСТИТУТЛАРИДА

Инсониятнинг табиат инъомларидан хўжасизларча фойдаланиши оқибатида, шунингдек, шамол ва сувнинг таъсирида кўплаб ҳосилдор ерларнинг типроғи емирилиб, кишилар соғлиғига ва халқ хўжалигига катта зарар келтирмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун кўплаб олимлар илмий изланишлар олиб боришмоқда. Жумладан, сураткаш Сергей ДОВИДОВнинг ушбу суратлари ЎзФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги илмгоҳининг «Табиий жараёнлар аэродинамикаси» лабораториясида олинган бўлиб, бу саҳифада лаборатория олимларининг олиб бораётган илмий тадқиқотлари тасвирланган. Бу изланишлар ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид лаборатория ходимларининг олиб бораётган бошқа илмий изланишлари ҳақида ойнomanинг ушбу сонида эълон қилинаётган мақолада батафсил маълумот берилган.



Илм олмакка интилиш
ҳар бир муслим ва
муслима учун қарзу фарз
ҲАДИС



1933 йилдан чиқа
БОШЛАГАН
ИЮНЬ — 1991

Таъсисчи
Ўзбекистон
Фанлар
академияси

БОШ МУҲАРРИР:
Комилжон ЗУФАРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдували АБДУВАҲОБОВ
Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ
Жўра АБДУЛЛАЕВ
Турсун АЗЛАРОВ
Аҳмадали АСҚАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Бўри АҲМЕДОВ
Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ
Наби МАЖИДОВ
Ермуҳаммад МУБОРАКОВ
Муҳаббат ОБИДОВА
Уктам ПРАТОВ
Ҳайдар ПҮЛАТОВ
Уткир РАСУЛОВ
Асомиддин РАФИҚОВ
Елқин ТҮРАҚУЛОВ
Ҳусниддин УМАРЗОДА
(масъул котиб)
Комил ХОЛМУҲАММАД
(бош муҳаррир ўринбосари)
Мурод ШАРИФХУЖАЕВ
Мамажон ЭГАМБЕРДИЕВ
Наримон ҲОТАМОВ
БҮЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:
Рустам ОБИД
Оқилхон ОДИЛХОН
Саид МУРОД

Муҳаррирлар:
Маҳфуза АСАДУЛЛА қизи
Рустам Бойтўра

Ассалому алайкум, азиз муштарий!

Ойноманинг ушбу сониди

ТҮХЛИЕВ Н.	
Қашшоқлик иқтисодиёти	2
Мустақилликми ёхуд янгиланган кишан	4
ИСЛОМОВ Ш.	
Ҳашарот нидоси	7
САТТОРОВ Ж.	
Тупроқ билан тиллашиб	8
ФАЙЗИЕВ Р.	
Заминни асранг	8
МИРЗААЛИЕВ Т., НОРХУЖАЕВА Г.	
Табиатимиз номаи аъмоли	10
Усимликлар олами ажойиблари	12
БОБОЕВ Т.	
Мулоқот гормонлари	14
ХОЛМАТОВ Ҳ., ХАРЛАМОВ И.	
Кимга нима шифо	14
МАНСУР А.	
Ҳадис	16
ТҮРАҚУЛОВ Е., АҲМЕДОВ Б.	
«Фан ва турмуш»: кеча, бугун, эртага	18
РАҲМАТУЛЛАЕВ О.	
Бой берилаётган имконият	18
УСМОНОВ М.	
Муҳаббат ва оила	20
ҲУЖАЙОВ Т.	
Урта Осиёда мўғулий ирқ	22
МУҲАММАДЖОНОВ А.	
Қадимда обод Бухоро	24
КАРИМОВ Н.	
«Наркомпрос иши»	26
КУЗНЕЦОВ А.	
Жаҳаннам қаърида	30

каби мақолаларни ўқийсиз

Муаллифларнинг мулоҳазалари ойнома муҳарририяти ва таҳририятининг нуқтаи назарига ҳар вақт ҳам тўғри келавермаслиги мумкин.

МУҚОВАДА

Атроф-муҳит муҳофазаси, табиатни асраш дарди билан нафақат олимлар, шоиру адибларгина эмас, мўйқалам соҳибларининг қалбидан жой олмоқда. Ойноманинг 1- ва 4-саҳифаларида берилган расом Акром Баҳромов ва Михаил Громиконинг ижодидан намуналар ҳам шу жумладандир.

КЕЛГУСИ СОНДА

● Голография ажойиботлари ● Тўқимачилар учун якка мослама ● Буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг ижодкор темурзодалар ҳақида айтганлари ● Яна ноҳақ қатл этилган ўзбек зиёлилари ҳусусида ● Атоқли олим қадриятлар қадри борасида фикр юритади ● Хосиятли ва хосиятсиз жойлар бўлар экан.

ҚАШШОҚЛИК ИҚТИСОДИЁТИ

СУВЕРЕН РЕСПУБЛИКА ИТТИФОҚИ ТЎҒРИСИДА

Шундан ҳам аҳолининг ҳаётини яхшироқ қилиш ва мамлакатнинг иқтисодини ўрнатиб беришга ҳар бир фуқаронимизнинг ҳаққонанча ҳисса қўлиши керак.

Бундан ҳам аҳолининг ҳаётини яхшироқ қилиш ва мамлакатнинг иқтисодини ўрнатиб беришга ҳар бир фуқаронимизнинг ҳаққонанча ҳисса қўлиши керак.

Иқтисод фанлари доктори Нуриллом ТҲУЛИБЕВ
билан суҳбат

САВОЛ: Мамлакат, жумладан жумҳурият иқтисодиёти чуқур тангликни бошидан кечирмоқда. Бу вазиятдан чиқиш йўллари раҳбарлар, депутатлар, олимлар томонидан яхшими-ёмонми, кўрсатиб бериляпти, бозор муносабатларига ўтиш ҳам бошланди. Лекин иқтисодиётимизда, молиявий аҳволимизда тайинли силжиш сезилмаяпти. Сиз бу вазиятни қандай баҳолайсиз?

ЖАВОБ: Ҳақиқатан аҳвол жиддий, молиявий ҳалокат таҳдиди кучайиб бормоқда. Пулнинг ўта қадрсизланиш бўсағасида турибмиш. Демак ҳозир бозор муносабатларига ўтишдан бошқа йўл қолмади. Аҳвол бундан ҳам ёмонлашуви мумкин эди. Бу кўпчиликка ғалати бўлиб туюлса-да, шунини таъкидлаш керакки, аҳволимиз маъмурий йўл билан, қатъий назорат орқали жилволаб турилибди. Бу эса, ўз навбатида, тақчилликни келтириб чиқармоқда. Шундай сиёсат давом этaversа истемол бозори узиликесил хароб бўлади. Нима қилиш керак? Буни бозор иқтисодиёти деб атайликми ёки бошқа бежирим ном топамизми, лекин маданиятли ҳар бир иқтисодиёт энг аввало оддий қонуниятларни ҳисобга олиши зарур. Менимча, ана шундай қонуниятлар деганда, аввало аҳолини иш билан банд қилиш, ҳар бир шахсда мавжуд қобилиятларнинг очилишига кўмаклашиш, шахсий манфаатдорликни ошириш, тараққиётнинг бош йўналишини белгилаб олиш каби омиллар тушунилади.

САВОЛ: Ўзбекистонда ишсизлик муаммоси мавжуд, 1 миллионга яқин киши ижтимоий-фойдали меҳнатда қатнашмайди. Уларни қандай қилиб иш билан таъминлаш мумкин? Жумҳурият ҳукумати бу борада белгиланган тадбирлар етарлими? Уларни амалга оширишда қандай қийинчиликлар юзага келмоқда?

ЖАВОБ: Жумҳуриятимизда меҳнат ресурслари 10 миллиондан зиёдроқ кишини ташкил қилади. Шундан 600 мингги доимий иш билан таъминланмаган. Бу халқ хўжалигида банд бўлганларга нисбатан олганда қарийб 10 фоизни ташкил қилади. Дарвоқе улар кўп болали ёки эмизликли аёллар эмас, балки аҳолининг ишчан қисми, асосан ёшлардан иборат. Бошқача айтганда, ўртача оиладаги бир ишловчи уч кишидан ташқари, яна бир ишсизни ҳам боқишига тўғри келаяпти. Боз устига Ўзбекистонда аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ўсиши юқори даражада. Бу ўсиш мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан деярли уч марта устун. Жумҳурият халқ хўжалигининг қарор топган тузуги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммосини ҳал қилишга қодир эмас. Хавфли томони шундаки, Ўзбекистонда ишсизлар сафи мунтазам равишда тўлиб турибди. Меҳнат ресурслари ҳар йили чорак миллион, аҳоли сони эса 450—470 минг киши атрофида ўсаяпти. Кейинги йилларда иш жойларини яратиб суръатлари меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатидан орқада қолмоқда. Масалан, 1976—1988 йилларда меҳнатга қобилиятли ҳар минг

аҳолидан жами 680 нафари иш ва ўқув жойлари билан таъминланди (шундан шаҳарда — 850, қишлоқда — 470). Шундай қилиб, ҳар минг кишидан 320 нафари ижтимоий меҳнат доирасидан ташқарида қолиб кетди.

Ўзбекистонда ишсизликнинг илдири халқ хўжалигининг қарор топган ва ҳозир амал қилаётган тармоқ тузугида жойлашган. Бу тузукни энг аввал енгил ва озиқ-овқат саноати доирасида чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, майда корхоналар қуриш томон бурмай туриб иш билан таъминлаш муаммосини тўла ҳал қилиб бўлмайди.

САВОЛ: Меҳнат сиғими юқори бўлган янги тармоқларни, аҳолига хизмат кўрсатадиган ва бошқа соҳаларни тез суръатларда ривожлантирса бўлмайди?

ЖАВОБ: Афсуски, жумҳурият халқ хўжалиги тармоқ тузугини ўзгартириши осон эмас. Меъёрдаги иқтисодиётда халқ хўжалиги тузуги бозор ва фан-техника инқилобининг бевосита таъсири остида такомиллашади.

Аммо биз ижтимоий ва сиёсий кескинликлардан қўчиб, бозор муносабатларига ўтишнинг узок тинкани кўриб турганидан йўлини танлаганига ўхшаймиш. Бусиз ҳам ишсизликнинг кўпайиб кетаётганлигини рўқач қилиб, амалда фан-техника инқилобининг секинлашиб бораётганлиги ҳеч қимни ташвишга солмаяпти. Ваҳоланки, 1978—1988 йилларда саноат ишлаб чиқариш ишчи-ҳодимлари сони машинасозлик ва металл ишлаш тармоқларида 33 фоизга, енгил ва озиқ-овқат саноатида 40 фоизга ўсди. Шу вақтнинг ўзиде ҳам меҳнат сиғими билан ажралиб турадиган кичик саноатида бу кўрсаткич 1,6 мартага ошди.

Нойшлаб чиқариш Иттифоқда энг қолоқ соҳалардан биридир. Бундай тармоқларда банд бўлганлар таркибиде уй-жой ва коммунал хўжалиги, аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш, пассажир транспорти ва алоқада банд бўлганлар 6,8 фоиз, холос. Айтиш керакки, кейинги 20 йил ичиде бу кўрсаткич ўзгармай келаяпти. Шунинг учун ҳам савдо, моддий-техника таъминоти, тайёрлов тармоқларининг ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий таромад ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси 9 ва 18 фоизни ташкил этади холос. 1989 йилда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 125,6 сўмга тенг бўлди. Бу Иттифоқ бўйича Тожикистондан кейин турадиган энг паст кўрсаткичдир. Меҳнат сарфининг янгича шакллари — кооперативлар, яқка тартибдаги меҳнат жуда суст ривожланмоқда.

САВОЛ: Аҳоли ўсиш суръатлари юқори. Шунга қарамасдан аниқ дастурлар йўқ. Борлари ҳам айтарлиқ ишламаяпти. Сиз муаммони ҳал қилишнинг ҳукумат дастурида ўз аксини топмаган қандай йўллари бор деб ҳисоблайсиз?

ЖАВОБ: Жумҳуриятимизда бир вақтлар бошқа Урта Осиё жумҳуриятларида бўлганидек оилани режалаштириш, туғилишни бошқариш масаласи кўтарилган эди. Бу масаланинг бирон-бир расмий идорада махсус муҳокама қилинганини ёки бирон бир ҳужжат қабул қилинганини билолмайман. Аммо бу масала кўтарилишининг ўзидеёқ аҳолининг кўпчилик қисмида, айниқса диндорлар ва оилаларини аллақачон режа асосида бошқараётган айрим зиёлилар томонидан кучли зарбага учради. Ўзбек аёллари ҳам бунга бошқача жавоб беришди. 1987 йилда Ўзбекистонда туғилиш ўзининг энг юқори нуқтасига етди (714,4 мингга). Кейинги йилларда эса аста-секин пасайиш кузатилиб, 1989 йили 666,9 мингни ташкил қилди.

Бу мисоллар шундан далолат берадики, туғилишни маъмурий йўл билан бошқариб бўлмайди. Бу инсон дунёсининг энг нозик соҳаси. Демак, ягона тўғри йўл, фаол демографик сиёсатни амалга ошириш, аҳоли ўсиши билан параллел равишда халқ турмуши фаровонлиги устида жиддий қайғуриш, аҳолининг умий ва санитария маданиятини юксалтиришдан иборат. Миллат генофондини сақлаб қолиш ҳақида ғамхўрлик керак. Қашшоқлик, экологик инқироз, устига-устак жоҳиллик ўзбек генофондини бутунлай йўқотиш хавфини тўғдирмоқда.

САВОЛ: Балки урбанизация (шаҳарлаштириш) йўлидан борниш керақдир! Ана шунда демография суръатлари ўз-ўзидан пасая бошларди.

ЖАВОБ: Шаҳарлаштириш ва аҳолишунослик, албатта бири-бири билан ўзаро боглиқ жараёнлар. Аммо жумҳуриятимизнинг туб аҳолиси учун шаҳарлаштириш хос эмас. Агар мамлакатда қишлоқ аҳолиси 34,2 фоизни ташкил қилса, Ўзбекистонда 59,3 фоиздан иборат. 1959 йилдан буён мамлакатда қишлоқ аҳолиси 17,9 фоизга қисқарган бўлса, жумҳуриятимизда атиги 7,1 фоизга камайди. Тўғри, шаҳар аҳолиси бу вақт давомида сезиларли ўсди. Аммо бу ўсиш ташқаридан кўчиб келиш ҳисобига бўлди. Янги ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзлаштирилиши билан мамлакат саноат марказларидан ва қишлоқдан иш кучи таклиф қилинди. Ўзбеклар киндик қони тўқилган жойини, ерни улуғлайди. Шу боис Ўзбекистонда, бундан кейин ҳам қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасидеги нисбат кескин ўзгармаса керак. Демак, қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура-ни жадал ривожлантиришга тўғри келади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича майда саноат корхоналари-



ни ташкил қилиш, айниқса, пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш тармоғини кенгайтириш лозим. Бунинг маъноси шуки, ҳозирги кунда тўқимачилик саноати иш билан таъминлаш ва капитал айланиши бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Бизда эса ҳозирча етиштирилган ҳосилнинг атиги 10 фоизи шу эрининг ўзида чуқур қайта ишланади. Чуқур қайта ишлаш нафақат иш билан таъминлашдир. Мутахассислар, ҳар бир фоиз чуқур қайта ишланган пахта толаси 0,8 миллиард сўм ялпи ижтимоий маҳсулот ва 0,3—0,4 миллиард сўм миллий даромадни беришини ҳам ҳисоблаб чиқишган.

Ҳап шундаки, такрор ишлаб чиқариш бизда охирига етмаган, тугалланмаган ҳолда амалга оширилади. Меҳнат воситалари ва предметлари, сув, ҳаво, қуёш ва ишчи ресурслари ва улар асосида ишлаб чиқарилган хўжалик маҳсулотлари — ҳаммаси маҳаллий, аммо пировард натижалар — уларни чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш жумҳуриятнинг мулки ҳисобланмайди. Бу эса хўжалик нотовонлигидан бошқа нарса эмас.

Жумҳуриятдан ташқарига чиқариладиган маҳсулотларнинг 70 фоизи хом ашё, минерал бойликлар, ярим тайёр маҳсулотлардан иборат. Пахта толасидан ташқари, пилла, қоракўл, кимёвий тола ва ип, табиий газ, сабзавот ва мевалар четга чиқарилади. Мазкур маҳсулотларнинг ярмига яқини энгил саноат ҳиссасига тўғри келади. Машинасозлик саноатлари ҳаммаси бўлиб 12,6, озиқ-овқат саноат маҳсулотлари 9, оғир саноат 9, кимё саноати 8 фоиз маҳсулотни четга сотади. Жумҳуриятлараро товар айирбошлашда фақат уч жумҳурият (Молдавия, Эстония ва Тожикистон) билан фаол сальдога, яъни маҳсулот чиқаришнинг маҳсулот келтиришга нисбатан устунлигига эгамиз. Айрим йиллари четдан келтириш ва четга чиқариш ўртасидаги фарқ РСФСЖ билан 1,2 млрд сўмга, Украина билан 700 млн сўмга етган. Олиб келинадиган товарлар орасида қандолатчилик маҳсулотларидан тортиб болта ва паншахагача бор. Қизиғи шундаки, жумҳурият бир вақтнинг ўзида электрон лампа, тайёрлар ишлаб чиқаргани ҳолда ташқаридан миху сабзавот саватлари сотиб олади.

САВОЛ: Мана, иттифоқ шартномасига имзо чекилишига ҳам яқин қолди. Қолаверса, жумҳуриятлараро горизонтал аҳднонамалар кучга кирмоқда. Айниқса, бир минтақада жойлашган қўни-қўшиллар ўртасида борди-келди йўлга қўйилмоқда. Мазкур омиллар кучга кирса ажаб эмас. Балки, бозор иқтисодиёти ҳаммасини жой-жойига қўяр!

ЖАВОБ: Бугун таназзулдан чиқишнинг бозордан бошқа йўли йўқлигига деярли ҳаммининг ишончи комил. Лекин унга борадиган йўллар бўйича ҳамма ҳамжиҳат эмас. Бировлар бирданига, иккинчилари аста-секинлик билан бозор муносабатларига ўтиш тарафдори. Бировлар бозорга ўтишнинг умумий қонуниятларига ёпишиб олган бўлса, бошқалар миллий, маҳаллий хусусиятларни бўрттириб кўрсатади. Бир нарса аён. Вужудга келган вазиятни эски йўл орқали — олдин молиявий аҳволни барқарорлаштириш, аста-секин нархларни қўйиб юбориш билан барта-раф қилиб бўлмайди. Қатъий ва янгича йўл топиш керак. Туб иқтисодий ислоҳот бозор механизмига ўтишда бош йўналишни белгилаб бориши лозим. Бу йўналиш — қишлоқ хўжалигидир. Табиий шарт-шароити, демографик вазиятидан келиб чиққан ҳолда ана шу йўлни тутган Хитой ва Вьетнамда, хусусан мўл озиқ-овқат бозорини шакллантириш борасида катта ижобий сил-жишлар юз бермоқда.

САВОЛ: Қишлоқ хўжалиги соҳасида янгича меҳнат тақсимо-тининг имкониятлари қандай? Бизда америкача фермерликни кенг қўлоч оттириш мумкинми?

ЖАВОБ: Фермерлик ижтимоий хўжаликлар билан рақобатда истеъмол маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш қобилиятига эга бўлган ягона ижтимоий-иқтисодий структурадир. Агар у қўлланса, ўзбек деҳқони бутун мамлакатни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириб ташлайди. Бизда деҳқон хўжали-гининг бой тарихи ва аънавалари бор. Улар халқимизнинг қонида ҳамон сақланиб қолган. Америкада аҳолининг 2,5, Швецияда эса 3,8 фоизи қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб, озиқ-овқат муаммосини бутунлай ҳал қилиб, ортинги четга экспорт қилади деб гапиришни яхши кўрамыз. Дарҳақиқат шундай, шведияликлар гўшт билан 111, ёғ билан 120 фоиз таъ-минланган. Аммо ўзимизда атиги 6 фоиз экин майдонига эга бўлган шахсий ёрдамчи хўжаликларда 40 фоиздан зиёдроқ озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириб берилиши тўғрисида тузук-роқ ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Хусусий хўжаликлар 1988 йили жумҳуриятда барча картошканинг 30,8, сабзавотнинг 42,9, ҳўл меванинг 58,4, гўштининг 47,4, сутнинг 64,8, тухумнинг 30,0, жуннинг 64,8 фоизини етиштириб берди. Нима учун хусусий хўжаликда ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги бу қадар юқори? Унинг сабаблари бир қанча. Булар аввало, эркин меҳнат туфайли ўз қобилиятини юзага чиқариш ва ўз меҳнатининг роҳатини кўриш имкониятларидир. Ҳеч ким ўзи ишлаётган ерни ўзбекчалик яхши кўрмайди. Бизнинг деҳқонлар ўтмишда,

масалан, рус деҳқонидан фарқли ўлароқ, феодалга эмас, ерга бириктириб қўйилган эди. Ер-сув жомалари доимо жамият иқтисодий-сиёсий структурасини «ювиб» турарди. Марксча «осиё-вий ишлаб чиқариш усулининг» асосий моҳияти ҳам шундадир. Лекин, асоссиз равишда бу ишлаб чиқариш усулини кўпчилик қолақ ишлаб чиқариш усули сифатида тушунади. Бу нотўғри тасаввур.

Феодал Урта Осиёсида ерлар асосан уч тоифага бўлинган: амлок (давлат), мулк (хусусий) ва вақф (масжид-мадрасага тегишли) ерлар. Булардан қай бирида ишлашнинг деҳқон учун фарқи йўқ эди. Лекин у бир нарсани — ерни ишлаб ўзини ва оиласини боқиши, ер эгасига эса солиқ тўлаши кераклигини яхши биларди. Бу ерларда бугдой, арпа, пахта, гуруч, тарик, кунжут, беда, нўхат, узум, ўрик, шафтоли, анор, анжир, олма, беҳи, қовун тарвуз, нок ва сабзавот етиштириларди.

Ерга хусусий мулк халқимиз учун аънавий эмас, деган фикрга қўшилмайман. Бизда ерга турли вақтларда эгаликнинг 5—6 шакли мавжуд бўлган, шу жумладан хусусий мулк. Фақат инқилобдан кейин, барча ерлар давлатники деб эълон қилиниб, амалда у эгасиз бўлиб, аросатда қолди.

Тажрибамизда америка фермерлигининг татбиқ қилинишига келсак, шуни айтиш керакки, у жуда султ тарқалаёпти. Чунки унинг кенг тарқалиши учун иқтисодий ва ижтимоий шароитнинг ўзи йўқ. Жамоа ва давлат хўжаликлари ерни ўз қўлларидан маҳкам ушлаб турибди. Деҳқонларга ер майдонлари ажратиб берилаётгани яхши. Лекин бу олқинди ерларда фермер хўжалигини ташкил қилиб бўлмайди. Америкада ўртача фермер хўжали-гига 185 гектар ер майдони тўғри келади. Бизда ташкил қилина-диган фермерлик эса колхоз ва совхозларга рақобатчи сифатида юзага чиқиши керак. Фермерлик яхшими, жамоа ёки давлат хўжалиги яхшими деган баҳсни уларнинг самарадорлигига қараб ҳал қилиш лозим.

Фермерлик учун сервис (маиший хизмат), молия-насия муас-сасалари, ишлаб чиқариш воситаларининг тижорат бозори керак. Улар йўқ. Икки мингдан зиёд жамоа ва давлат хўжаликлари учун 279 та озиқ-овқат саноати корхонаси ва 18 та машина-тракторларни таъмирлаш корхоналари мавжуд. Қишлоқ хўжалик жиҳозлари, минерал ўғитларни ўзи сотиб олиб келадиган, ўзи экиб, ўзи етиштирадиган ва маҳсулотини ўзи олиб бориб сотади-ган фермерни америкаликлар тасаввур қилишолмайди. Бундай чала фермер фақат бизнинг жамиятда дунёга келиши мумкин. Қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган соҳалар ривожлантирил-маяпти. Чунки, бу соҳа вазифалари ҳам жамоа ва давлат хўжа-ликлари зиммасига юклатилган.

Ҳар йили мамлакатимиз чет эллардан 600 минг тонна цитрус мевалар сотиб олади. Сурхондарёлик деҳқон эса ўзи етиштирган лимон, апельсин, мандаринни қаерга топширишни билмай овора!

Лалликор ерларда дон етиштиришга ҳам эътибор бериш керак. Бу чорва хўжаликлари учун ҳам мадад бўлади. Асрлар оша Урта Осиё халқлари дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ўзлари тўла қондириб келишган. Аммо пахта экиладиган май-донларнинг ортиб бориши билан бу ерда ун мувозанатсизлиги вужудга келди. Агар 1927—28 йилларда минтақага ташқаридан ун ва дон олиб келиш 560 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 1932—33 йилларда 820 минг тоннага етди. Инқилобгача Ўзбекис-тонда суғориладиган ерларда экин майдонларининг ярмидан кўпроғига дон экинлари экилган бўлса, 1929 йилдан бу кўрсаткич 40 фоизгача қисқарди. 1989 йилда жумҳуриятимизда 881,8 минг гектар ерга дон экинлари экилди. Бу эса барча экин майдон-ларининг 21,2 фоизини ташкил этади. Қарши, Жиззах, Шеробод ва қуйи Амударёда янги ерларнинг ўзлаштирилиши, бу ерларни, асосан пахта билан банд қилиш экин майдонлари тузугини бутунлай ўзгартириб юборди. Кейинги йилларда пахта экилади-ган майдонлар барча экин майдонининг 50 фоизига етиб 2 млн гектардан ошиб кетди. Ташқаридан дон келтириш ҳам ўсиб бор-ди: жумҳуриятимиз ҳар йили 3,8 млн тонна дон ва 1,5 млн тонна ун сотиб оладиган бўлди.

Демак, келгусида фермер хўжаликлари сонининг ортиб бори-ши билан қадимги деҳқончилик аънаваларимизни тиклаб олиш имкониятлари ҳам пайдо бўлади. Фермер-деҳқон эса ўзи яшаб турган атраф муҳитнинг покиза сақланишига, тупроқ унумдор-лигига, алмашлаб экишга, техникавий ашёларнинг соз сақланиши-га эътибор беради, қайғуради.

**Сўхбатни Оқилхон ОДИЛХОН
ёзиб олди.**

МУСТАҚИЛЛИКМИ ЁХУД ЯНГИЛАНГАН КИШАН

ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ ХУСУСИДА ДАРДЛИ УЙЛАР

Бутуниттифоқ референдуми ўтказилишидан тўрт кунгина аввал рўзномаларда «Суверен республикаларнинг иттифоқи тўғрисида шартнома» лойиҳаси эълон қилинди. Бу лойиҳа хусусида матбуотда, ташкилотларда хилма-хил фикрлар билдирилмоқда, ундаги моддалар мазмунига турлича баҳо берилмоқда. Ўзбек халқининг ҳам бундан кейинги ҳаёти, турмуши,

авлодлар тақдири, жумҳурият мустақиллиги мазкур шартнома қандай тузилиши билан боғлиқлигидан бу мавзу кенг жамоатчилик диққат-эътиборида. Қуйида бир гуруҳ таниқли олимлар, ёзувчилар, зиёлиларимиз бу лойиҳа борасидаги фикр-мулоҳазаларини муҳбиримиз билан ўртоқлашди. Уни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Пўлат НОСИРОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор, лойиҳани ишлаб чиқишда Ўзбекистондан қатнашган ишчи гуруҳ аъзоси:

— Яқунловчи босқичда (февраль бошларида бўлди) Болтиқбўйи жумҳуриятлари, Грузия, Арманистон, Молдова иштирок этгани йўқ. Озарбайжон вакиллари фақат кузатувчи бўлишди. Иттифоқ ва жумҳуриятлар ваколатларини тартибга солиш масаласи асосийси бўлиб, икки кўринишда эди — марказни бутунлай йўқ деб тасаввур этиб, принципал жиҳатдан янги давлатни ва суверен давлатлар, яъни ҳозирги иттифоқдош жумҳуриятлар қўшилишидан тузиладиган марказни ташкил этиш. Иккинчи кўриниш асос учун қабул қилинди. Бунда Иттифоқни жумҳуриятларнинг ўзи шакллантиради ва умумиттифоқ аҳамиятига молик мудофаа, чегара, транспорт ва ҳоказолар борасидаги ваколатларнинг бир қисмини топширади. Ушбу учинчи босқич баённома имзоланиши билан тугади. Унда 11 хил муқобил вариантлар бор эди. Федерация Кенгашига икки хил таклиф: Иттифоқ шартномаси ва мустақил давлатлар иттифоқи ҳақидаги шартнома киритилди. Кейинчалик, иккинчиси қабул қилинган, ундаги — «давлат» сўзи «жумҳурият» сўзи билан алмаштирилди.

Биз, агар жумҳуриятлар тенг ҳуқуқли бўлса, ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли сонидан қатъи назар, улар овози тенг бўлсин, деб таклиф этдик ва бу масала ҳал бўлди. Назаримизда, Олий Кенгаш икки палатали бўлиши керак. Ҳар бир жумҳуриятнинг тенг ҳиссаси бўйича жумҳуриятлар Кенгаши (юқори палата) ва аҳоли нufуси бўйича Иттифоқ Кенгаши (қуйи палата); юқори палата қуйи палата қарорларининг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Яна бир масала. Илгари марказ кўпроқ ваколатларни ўзидан олиб қолишни истаган бўлса, эндиликда буни собиқ мухтор жумҳуриятлар қўли билан амалга оширишга интиляпти. Сабаби — турли сиёсий манфаатлар бир-бирига дуч келди. Илгари мухториятлар ҳам, жумҳуриятлар ҳам марказга бўйсунар эди. Ҳозир улар жумҳуриятлар назоратидан чиқиш мақсадида бевосита марказга бўйсунишга интилишмоқда. Оқибат шу бўлдики, шартнома лойиҳасида биз марказга иложи борича камроқ, жумҳуриятлар учун кўпроқ ваколатларни берамиз десак, мухториятлар эса, йўқ, марказнинг ваколатлари кўпроқ бўлсин деб «кураш» олиб боришди. Биз бор-йўғи 8 та жумҳуриятнинг вакили эдик, мухториятлар эса 18 та эди. Овоз берганда кўпинча улар сон бўйича устун бўлишди.

Лойиҳанинг бунақанги «хом» жойлари жуда кўп. Демак, у жумҳуриятлар парламентида яхшилаб «пишитилиши» керак, шундан кейингина федерация Кенгашига ҳавола этилади. Эҳтимол, яқин орада имзолаш даражасида пухта ишланган шартномага эга бўлармиз.

Охирида шунга таъкидлаш жоизки, баённомани ҳам, шартномани ҳам имзолашдан бош торган 7 жумҳурият иқтисодий иттифоқдан юз ўғирмоқчи эмас. Улар фақат сиёсий мустақилликни исталяпти. Ушбу жумҳуриятлар халқ иродасининг эркин ифодаси сифатида ҳар бир жумҳуриятнинг Иттифоққа кириши ҳам, чиқиши ҳам ихтиёрий бўлишини ишташмоқда.

Абдусайд КҮЧИМОВ, Ўзбекистон халқ депутати:

— Мамлакатимиз ҳозир ҳар жиҳатдан шундай танглики бошдан кечиряптики, қарияларнинг афсус ила айтишларича, бундай оғир кунлар ҳатто уруш даврида ҳам бўлмаган. Дўконлар ҳувиллаган, нарх-наво арши аълода, одамларнинг кўзи оч... Социалистик жамиятга ёт деб келинган мафиялар, рэкетчилар ҳар қандамда дилга ваҳима солиб турибди, миллий низолар, адоватли қон тўкишлар... Шуларни ўйлаганимда ҳақли сўроқ наштардай юрагингга санчилади: НЕГА! Узингча илдизини излайсан, адолат қидирасан, мавжуд муаммоларни одилона ҳал қилишни тезлаштирадиган бирон-бир ҳужжат қабул қилинса эди деб орзу қиласан. Халқ шу нарсани интизорлик билан кутаётган пайтда Иттифоқ шартномаси ана шундай ҳужжат бўлиши керак эди. Афсуски, мазкур лойиҳа кўпчилик қатори менинг ҳам ҳафсаламни пир қилди. У 70 йиллик, ҳатто ундан ҳам аввалроқдан ҳукм суриб келаётган адолатсизликларга чек қўяди, янгича тенгликка асос солади деб умид билан кутган эдим. Лекин ҳужжат билан танишиб боравергач, қўлларинг, оёқларинг ва шууринг кўзга кўринмас, аммо ўта мустаҳкам арқон билан боғланаётганини ҳис этиб бораверасанки, бунинг азобига чидаш оғир, жуда оғир... Емон алдов: уйингдаги нарсаларнинг ҳаммаси сеники ва, айни пайтда, сеники эмас!

Шартнома лойиҳасидаги моддаларни бирма-бир инкор этишининг ҳозир имконияти йўқ. Фақат бир мисол. Ўқиб бораверган сайин ўша кўринмас арқон қўл-оёқларингизни боғлаб бўлгач, ўта мулойимлик билан тилингизга ҳам тушов солади: «Шартнома қатнашчилари рус тилини ССЖ Иттифоқининг расмий тили деб тан оладилар» [20-модда]. Ана холос! Не-не тортишувлару баҳслардан кейин аранг қабул қилинган Мустақиллик баёноти, тил ҳақидаги жумҳурият қонунини қаерда қолди! Қани, акоси, тилингни кесиб ташлаб, бизга «Жон Москва — пойтахтим»ни бир бошлаб айтиб бер-чи, дейиш эмасми бу! Тан олиш керак, кейинги пайтда ўзбек тилини ўрганишга бўлган эътибор ва қизиқиш жуда сусайиб кетди. Референдумдан кейин эса «ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж қолмади» деган гаплар ҳам қулоққа чалинмоқда. Мабо-до Иттифоқ шартномаси ҳозирги ҳолатда қабул қилиниб қолгудек бўлса борми, ўзбек тили аввалгисидан беш баттар хор бўлиши шак-шубҳасиздир. Ҳозир, ҳали рус тили ССЖ Иттифоқининг расмий тили деб тан олинмай туриб, жумҳуриятимизда ўзбек тилига давлат мақомини бериш тўғрисидаги қонунга панжа орасидан қараб турибмиз — идораларда қоғозлар рус тилида юритилмоқда, рус тили Иттифоқ тили сифатида қонуний кучга эга бўлганидан кейин нима бўлиши аён...

Бу — ССЖ Иттифоқи деб аталган мавжуд давлатни федератив давлат сифатида асраб қолишга ҳаракат марказининг суверен [мустақил] давлатлар устидан ҳукмронлигини бундан буён ҳам сақлаб туришга интилишидир. Бундай интилиш шартнома иштирокчилари ўртасида сиёсий ва иқтисодий келишмовчиликларнинг янада кучайишига, иқтисодий фожиаларнинг янада чуқурлашишига олиб келади, жумҳуриятларнинг табиий, миллий, меҳнат ва бошқа ресурсларини талашни давом эттириш бўлади. Шу боис Иттифоқ шартномасини имзолайдиган жумҳурият энг аввало мустақил давлат ҳуқуқига эга бўлмоғи ва у Бирлашган Миллат-

лар Ташкилоти (БМТ)га аъзо ҳисобланиб, давлат сифатида халқ-аро имтиёзларнинг ҳаммасидан фойдаланмоғи шартдир. Жумладан, Савдо ва тарифлар бўйича бош ахдлашува (ГААТ), Халқ-аро банк (МББР) каби махсус халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши лозим. Барча соҳада тўла мустақилликка эришмай туриб, БОШИ БЕРК кўчадан чиқиб бўлмайди. Мустақил бўлсак, ишларимизни йўлга қўя олмаймиз дейиш эса ўз халқини менсимаслик, ўз юрти бойликларини, қудратини ерга уриш билан тенгдир.

Иброҳим ҲАМРОБОВ: ҲУФА академиги, Геология ва геофизика илмгоҳининг директори, Ленин мукофоти совриндори:

— Бу шартнома лойиҳасида ССЖИ тарихида илк бор жумҳуриятларнинг тенг ҳуқуқлилиги, мустақиллиги тан олинган, Иттифоқ ҳукуматининг ваколатлари чекланган. Бироқ, бизнинг назаримизда, бу тенг ҳуқуқлилиги ёки чекланганликлар умумий тарзда, маъҳум ҳолда баён қилинган. Мазкур лойиҳага ҳам, аввалроқ қабул қилинган Ўзбекистон жумҳуриятининг Мустақиллик баёнотига ҳам бу масалаларда тегишли даражада аниқлик киритилиши лозим.

Мен ўз соҳам — ер ости бойликлари, улардан одилона ва оқилона фойдаланиш борасида баъзи мулоҳазаларни билдирмоқчиман. Шартнома лойиҳасининг 2-қисм, 7-моддасида шундай ёзилган: «Республикалар ўз худудидидаги ер, ер ости бойликларининг ва бошқа табиий ресурсларнинг, шунингдек давлат мол-мулкнинг мулкдоридирлар, давлат мол-мулкнинг шартнома асосида Иттифоқ зиммасига юклатилган ваколатларни амалга ошириш учун унинг мулки қилиб мустаҳкамлаб қўйилган қисми бундан мустаснодир». Агар бу модданинг мазкур матнига амал қилинадиган бўлса, Ўзбекистоннинг энг салмоқли саноат объектлари — рангли, нодир, қимматбаҳо маъдан [мис, қўроғош, рух, вольфрам, молибден, олтин, кумуш ва бошқа] конлари ва уларни ишловчи корхоналар барчаси Иттифоқ тасарруфига ўтиши керак. Чунки Иттифоққа мазкур шартнома асосида ССЖИни мудофаа қилиш ва уни уюштириш ваколати берилган. Юқорида эслатиб ўтилган барча кон ва корхоналарнинг озми-кўлими мамлакат мудофаасига дахли бор. Масалан, мис, рух, вольфрам каби рангли ва нодир маъданлар бевосита танк, артиллерия қуроллари ясаш учун ишлатилса, олтин ва кумушга эса валюта сифатида хоҳлаган қуролини хоржий давлатлардан сотиб олиш мумкин. Ўз-ўзидан ойдинки, бундай шартномада жумҳуриятлар ўз худудидидаги ер ости бойликларининг мулкдоридир, мазмунидидаги мазкур модда Ўзбекистон учун қуруқ гапдан иборат бўлиб қолади. Шунинг учун 7-модданинг шу бандидидаги изоҳловчи қисми «...давлат мол-мулкнинг шартнома асосида Иттифоқ зиммасига юклатилган ваколатларни амалга ошириш учун унинг мулки қилиб мустаҳкамлаб қўйилган қисми бундан мустаснодир» ни бутунлай олиб ташлаш зарур.

Шу каби аниқсизлик мазкур моддадаги бошқа бандда ҳам бор: «Жумҳуриятлар ССЖ Иттифоқининг олтин, олмос ва валюта жамғармаларида ўз улуши бўлиши ҳуқуқига эгадирлар ва шу жамғармалардан фойдаланишда қатнашадилар». Бу ерда барча гапнинг илдизи ўша «улуши» белгилашда. Ким уни белгилайди ва бунда қандай омилар ҳисобга олинади! Шу нарса одилона аниқланмаса, бу масала ҳам қуруқ баёнот бўлиб қолади. Фикримизча, бу ерда ҳар қайси жумҳуриятнинг бу жамғармага қўшган ҳиссаси ва мазкур жамғармадан ўз манфаати учун қанча олганини ҳисобга олиш зарур. Бошқача айтганда, улушини белгилашда ҳар бир жумҳуриятнинг даромади ва бурмомади ҳисобга олингандагина масала одилона ҳал қилиниши мумкин.

Бизнинг илмгоҳ жамоаси Шартнома лойиҳасини муҳокима қилганда шу бандни қуйидагича тахрирда ёзишни маъқул кўрди: «ССЖ Иттифоқининг олтин, олмос ва валюта жамғармаларидан жумҳуриятлар фондига маълум улуши ўтказилади». Биз, Ўзбекистон геологлари, шу жумладан ҲУФА Геология ва геофизика илмгоҳи олимлари жумҳуриятимизда олтин чиқариш саноатининг барпо бўлишига [бошқа металлургия саноатлари билан бир қаторда] бевосита дахлдормиз деб ҳисоблаймиз. Шу боис бу саноат маҳсулотлари бундан буён ким томонидан, қандай фойдаланилаётганига бефарқ қарай олмаймиз. Жумҳурият раҳбариятининг олтин саноатини ўз назоратига олиш, 30 фоизини Иттифоқ ҳукуматига ўтказиш, Ўзбекистонда қолган улушидан 15 фоизини ўзимизда заргарлик эҳтиёжларини қондириш учун ажратиш ҳақидаги мўлжалини маъқуллаймиз ва у қолиб кетмай, Ўзбекистоннинг Мустақиллик баёноти, қонуналар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларида қайд этилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Ҳамид ҲУЛОМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Шартнома лойиҳасининг кириш қисми менга маъқул. Чиндан ҳам Иттифоқимиз эркин, тенг ҳуқуқли мустақил давлатларнинг ихтиёрий иттифоқи бўлиши керак. Лойиҳанинг бир қанча муҳокамаларида қатнашиб, шундай фикрга келдим: менимча, ҳамма жонажон оилада бирлашиб яшаш тарафдори. Бироқ қайси асосда,

қандай шартлар билан бирлашамиз, яъни иттифоқ тузамиз ва жами халқлар, миллатларнинг эркин, бадавлат, бахтли ҳаёт кечирishi қандай негизга қурилмоғи даркор! Ана шу оддий ва асосли саволга лойиҳадан қониқарли жавоб топиш амримаҳол. Марказ ўзида мужассамлаштирган имтиёзли улкан ҳуқуқларни жумҳуриятларга, яъни бўлғуси эркин ва мустақил давлатларга бергиси келмапти. Федерация қенгаши деб аталган янги умум-иттифоқ ташкилоти президент ҳузуридаги маслаҳатчи ташкилотга айлантириб қўйилган, сабабли, қенгашининг ҳар бир қарори президент фармони орқали амалга оширилади.

Ўз чегараларини ўз кучлари билан ҳимоя қила олмайдиган, ўз табиий бойликларига тўла эга бўлмаган, ўз худудидидаги йирик корхоналари марказ ихтиёрида бўлган, ҳаво ва темир йўллари марказга бўйсунган, БМТ ва бошқа халқаро ҳамдўстлик ташкилотлари билан алоқаларини марказини четлаган ҳолда ўрната билмайдиган, ўз қўшини, ўз пули бўлмаган жумҳурият мустақил давлат сифатида яшаш, равнақ топиши мумкинми! Йўқ, албатта. Бироқ ана шу саволларга лойиҳадан жавоб тополмайсан, киши. Марказ вакиллари аввалги лойиҳа билан кейинги лойиҳа ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини даъво қилмоқдалар. Аслида эса, бундай эмас. Тенглик ва мустақилликнинг асосий шарт-шароитлари аввалги лойиҳадаги каби, кейингисидида ҳам аниқ ва пўнда ифода қилинмаган.

Халқ ҳаёти кундан кун оғирлашиб, иқтисодий ва сиёсий танглик авжига кўтарилган кунларда ҳозирги ўта ночор ҳаётнинг бу, энг муҳим ҳуқуқий ҳужжат муҳокамасига салбий таъсир этаётганини ваҳ қилиб кўрсатаётганлар ҳам оз эмас. Мен бу фикрга қўшилмайман. Ҳар қандай шартнома ҳам ақл-идрок билан, узоқни кўзлаб, истиқболни ўйлаб иш тутмоқ, етти ўлчаб бир кесмоқ даркор. Шартнома лойиҳасини бутунлай қайта ишлаб чиқиш зарур.

Фаррух ТУЛАГАНОВ: ҳуқуқшунос, Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг ҳамтадқиқотчиси:

— Бу борада энг аввало давлатлар ўртасидидаги иттифоқ мустаҳкам ҳуқуқий асосга таъиниш зарурлигини унутмаслик лозим. Таклиф қилинаётган Иттифоқ шартномаси бундай ҳуқуқий заминга эга эмас. Бу лойиҳа ҳуқуқий таҳлилга умуман дош беролмайди. Бунинг учун уни моддама-модда санаб ўтирмай, асосий моҳияти юзасидан ёндашиш kifоя.

1. Иттифоқ тенг ҳуқуқли томонлар ўртасидида тузилади. Марказ билан жумҳуриятлар ҳуқуқлари тенглик! Йўқ. Иттифоқ ўзaro мустақил давлатлар билан [горизонтал равишда] тузилгандагина тенг ҳуқуқли бўлиши мумкин. Бироқ «кучли кўл», «катта оға» паноҳида «бирлашиш» — эски ҳаммом, эски ҳосдир. Тазийқ остида тузилган бундай «иттифоқ» моҳиятан империя бўлиб қолаверади, ҳуқуқий бўла олмайди, Иттифоқ шартномасини қабул қилиши ихтиёр этган давлатлар амалда мустақил бўлиши керак. Шартнома субъектларидан бирортаси мустақил давлат бўлмаса, бундай «Иттифоқ» кимни ишонтириш мумкин! Қадимдан қолган нақлга кўра, «хўжайин билан қул ўртасидида дўстлик бўлиши мумкин эмас».

2. Том маънодаги мустақил давлатгина Иттифоқ шартномасини тузиш ваколатига эгадир. Ҳеч кимга сир эмаски, Ўзбекистон Мустақиллик баёнотини қабул қилгани билан ҳозирча мустақил эмас. Буни президентимиз И. А. Каримов ҳам ойнажаҳон орқали очик эътироф этдилар. Ҳуқуқий мантқиққа амал қилсак, номустақил жумҳуриятнинг ҳокимият органлари ҳам бу шартномани тузиш ваколатига эга эмаслиги яққол кўринади. Жумҳурият мустақил давлат сифатида шундай ваколатга эга бўлиши учун халқаро жамоатчилик, жумҳуриятлар қузатувчилари иштирокида демократик принциплар асосида қайтадан сайлов ўтказилиши лозим.

3. Иттифоқ, шунингдек, тўла ихтиёрийлик асосида тузилгандагина уни ҳуқуқий дейиш мумкин. Лекин жумладан Болтиқбўйи жумҳуриятларига қилингани каби дўқ-пўписа, иқтисодий тўсқинлик [блокада], тўппонча ўқталиб туриб дўстликни таклиф этиш ҳам бу ихтиёрийлик принципни бутунлай чиплакка чиқаради.

4. Иттифоқ шартномаси тузиш учун бунга ҳар бир жумҳуриятнинг манфаатдорлиги ҳам замин бўлиши кераклигини айниқса таъкидламоқ керак. Лекин барча ССЖИ жумҳуриятлари қабул қилган Мустақиллик баёнотлари уларнинг мавжуд Иттифоқ шартномасидан манфаатдор эмаслигини кўрсатди. Дарвоқе, Ўзбекистон фақат бир гуруҳ давлатлар билангина эмас, Балки дунёдаги барча демократик давлатлар билан дўст ва иттифоқ бўлиб яшашни жоиз. Бу муносабатлар иттифоқ дегандан кўра ҳамдўстлик деб аталгани маъқул эмасми! Европадаги бир гуруҳ давлатларнинг ихтиёрий бирлашуви ҳам бежиз иқтисодий ҳамжамият дейилмагандир ахир! Иттифоқ кўпроқ ҳарбий маъно касб этади. У тақдирда Иттифоқ, яна, бошқа давлатлар учун кўрқинчли маълум бўлиб кўринмайди! Шуларни инобатга олиб, мустақиллик эълон қилган собиқ совет жумҳуриятларидан лозим топган-

лари тўла ихтиёрийлик асосида суверен давлатлар ҳамдўстлигига бирлашларига рисоладагидек бўлади, менимча. Бу ҳамдўстлик марказ эмас, балки паритет ва ўзаро томонлар ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланиши керак. XXI аср бўсағасида энг сўнгги катта империя ўрнида суверен мустақил давлатларнинг вужудга келиши шу давлатлар учун ҳам, жаҳон тараққиёти учун ҳам катта ижобий ҳодиса бўлади, халқларнинг ҳақиқий социалистик интеграциясига ёрдам беради.

Жаҳон тарихий тажрибаси шуни кўрсатяптики, ҳали бирорта ҳам классик федератив ва конфедератив давлат тузилиши шакли мавжуд эмас, бу шакл фақат ўтиш даврига хосдир, шундан кейин конфедерация унитар давлат ёки мустақил давлатларга айланиши мумкин. Ҳозир баъзан иқтисодий мустақил бўлмас бўлди, сиёсий мустақиллик унчалик зарур эмас, деган фикрлар учрайди. Яна, баъзан, аввало сиёсий мустақиллик сўнгра иқтисодий мустақиллик керак дейишмоқда ва аксинча фикрлар билдирилмоқда. Лекин ҳали тарихда бирорта ҳам сиёсий мустақил бўлмаган давлат — иқтисодий мустақил бўла олмаган ва аксинча. Бу нарса бир-бирисиз бўла олмади. Шунинг учун сиёсий ва иқтисодий мустақилликка содда шаклда, олдинма-кетин эмас, қанчалик мушкул бўлмасин, фақат бир-бирига мутаносиб равишда эриша оламиз. Иқтисодий мустақил бўлмас бўлди, сиёсий мустақилликка унча ҳожат йўқ, ёки тўлиқ бўлмаган сиёсий мустақиллик ҳам бўлаверади деган гап узоқни кўра олмадик, хомхаёлликдир. Халққа фақат тўла мустақиллик керак.

Жамол КАМОЛ, филология фанлари номзоди, ёзувчи:

— Бундан бир неча йил аввал Тошкентда ўтказилган бир йигинда бухоролик раҳбар жумҳурият раҳбарига мурожаат қилиб: «Илтимос, ўзимиз етиштираётган кунжаранинг ҳеч бўлмаса 9—10 фоизини ўзимизга қолдиришсин...» деб ялиниб-ёлворганини эшитиб, во ажаб, ҳатто кунжарани ҳам олиб кетишаркан-да, деб ҳайрон қолгандим. Энди ўйлаб қаранг, тупроқдан бошқа ҳамма нарса ташиб кетилса, ҳамма нарсага давлат монополияси бўлса. Ўзинг етиштирган 5 миллион тонна пахтанинг ақали бир тоннасига ҳам ўзинг эга бўлолмасанг. Хўш, бундан ортиқ ҳам қуллик, қарамлик бўладими! Дунё дунё бўлиб шунақасини сира кўрганми! Эвоҳ, биз етмиш йилдан бери шунақасини кўриб келяпмиз...

Янги Иттифоқ шартномаси лойиҳасини ишлаганлар ана шу қуллик, қарамликни яна камида етмиш йилга чўзишни мўлжаллашган, деган хулосага келиш мумкин. Унга кўра, барча ҳуқуқ ва имтиёз яна марказга қолади. Жумҳуриятларга теккани — меҳнат қилиш, заҳмат чекиш «ҳуқуқи». Кўзи очик, ақли бутун бирор киши бу шартномага имзо чекмайди, ўз халқининг бўйинини янги бўйинтуруққа тутиб бермайди. Биз Иттифоқ тарафдоримиз. Россия билан, Украина билан, Белоруссия билан, Қозоғистон билан... қолаверса, бутун дунё билан. Менимча, Иттифоқ шартномасиники моддадан иборат бўлмоғи даркор: а) иқтисодий битим; б) ҳарбий битим. Яъни, теппа-тег асосда савдо-сотик, иқтисодий алоқа қиламиз ва бирор душман ҳужум қилса, биргалашиб даф қиламиз. Тамом-вассалом. Бошқаси ортиқча. Иттифоқимиз тенг ҳуқуқли, суверен давлатларнинг эркин иттифоқи бўлади. Уни ёлғиз бир президент эмас, президентлар кенгаши бошқаради. Асосий ҳақ-ҳуқуқлар жумҳуриятларнинг ўзида қолади: ташқи алоқа, ташқи савдо, миллий банк, божхона, давлат хавфсизлиги, миллий қўшин ва ҳоказолар. Акс ҳолда, «мустақил», «суверен» деган гаплар ҳозиргача ҳақиқатдан узоқ, ёлғонлигича қолаверади.

Ҳамма нарсага марказ ҳўжайини, деймиз... Хўш, марказ ким ўзи! Ҳар кунни ойнакжаҳонда кўрамиз, бошида шох ийўқ сизу бизга ўхшаган одамлар. Нега энди сизу бизга ўхшаган одамлар сизу бизга ҳўжайинлик қилишади! Бир кун эмас, бир йил эмас, бир юз ўттиз йилдан буён. Ана шуниси алам қилади!

Йигирманчи аср охирига, йигирма биринчи аср кўриниб қолди. Аллақачон дунёда қарамлик, мутелик — иллат, мустамлакачилик — сарқит ҳисобланади. Уни янги асрга олиб ўтмайлик. Озод ва мустақил яшаётган оз соғли албанлар, мўғуллар ёки Африка халқларидан кам еримиз йўқ. Биз ҳам нисонимиз, бандасимиз. Тангри таоло олдида бошқалар қатори теппа-тегимиз.

Энди турли-туман боис баҳона тўқиб юрганларга жавоб бермоқчиман. Эмишки, ҳар бир жумҳуриятнинг миллий қўшини бўлса, ўзаро уруш чиқиб, қон тўкилармиш... Ҳозир ягона қўшини қаноти остида уруш чиқаяптими, қон тўкилармиш! Европадаги ўйлаб кичик мамлакатларнинг ўз миллий қўшинлари бор. Нима, улар бир-бирларига таҳдид солишяптими! Эмишки, Ўзбекистон БМТ га аъзо бўлса, аъзолик бадалини тўлаш қийин бўлармиш... Ангола тўлаяпти, Афғонистон тўлаяпти-ку! Наҳотки, биз ўшлардек ҳам бўлолмасан! Эмишки, Ўзбекистон Иттифоқдан ажралиб чиқса, ўз-ўзини боқолмасдан, оч қолармиш... Ота-боболаримизни минг йиллар давомида бировлар боққанми! Яқинда «Аргументы и факты» ҳафтаномаси муҳбирининг саволига жавобан Қаҳҳор Маҳмадов «Тожикистон Иттифоқдан ажралиб чиқса,

ўз-ўзини боқа олади» деб баралла айтди. Тожикистон ўзини боққанда, Ўзбекистон боқолмайдими!

Хуллас, ўйлаб гапириб керак. Бошқаларни жудаям содда, анойи деб ўйлаш беҳуда. Халқ бу афсоналарга энди ишонмайди. Уни ёлғонга ишонтираман деб уриниш эса охир-оқибат шармандалик билан тугайди.

Мирзо КЕНЖАБЕК, публицист ва шоир:

— Шақ-шубҳасиз, энг муҳим муаммолардан бири, барча мазлум жумҳуриятларнинг асрий орзу-армони — ССЖ Иттифоқидан чиқиш масаласидир. Тўлиқ мустақилликнинг бундан бошқа йўли ҳозирча кўринмаётир. Шартноманинг 1-моддасида бу ҳуқуқ: «Шартномада қатнашувчи республикалар ШАРТНОМА ҚАТНАШЧИЛАРИ БЕЛГИЛАГАН ТАРТИБДА [таъкидлар бизники — М. К.] Иттифоқдан эркин чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар» дейилган. Бироқ шартнома қатнашчилари бу ҳуқуқни қандай тартибда белгилайди! Бу ноаён. Дейлик, сиёсий жиҳатдан илғорлашган бирор жумҳурият Иттифоқдан чиқмоқчи бўлса, биздек ҳар жиҳатдан қолақ ва аном жумҳуриятлар уларга тўсиқ қилиб қўйилмайдими! Демак, бу энг зарур ҳуқуқни ҳозирча қониқарли қафолатланган дейиш маҳол. Токи бу бахтиқаро ҳуқуқни муайян жумҳуриятнинг ўзи белгиласан экан, шартнома муқаддимасида баландарвоз қилиб айтилган «миллатлар ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» йўққа чиқаверади. Бу ҳуқуқ, масалан, «Шартномада қатнашувчи жумҳурият ўз ҳудудида референдум ўтказиш йўли билан Иттифоқдан эркин чиқиш ҳуқуқига эга» деб кўрсатилиши лозим.

Модомики, шартнома суверен жумҳуриятлар шартномаси экан, унда мустақиллик белгилари аниқ кўриниши керак. Шундай белгиларнинг энг асосийси — «чет давлатлар билан бевосита дипломатия, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўриатиш» масаласидир. Бу энг муҳим сиёсий ҳуқуқ ҳам «Асосий қондаларнинг ўзидаёқ «ССР Иттифоқининг халқаро мажбуриятларини бузмай» деб сезиларли исканжага олинган. Мустақил жумҳуриятнинг чет давлат билан қиладиган ҳар қандай ўзаро эркин алоқаси марказлашган Иттифоқнинг «халқаро мажбуриятлари»га зид бўлиб туравериши мумкин. Анигини айтганда, жумҳуриятнинг ташқи алоқаси ССЖИ деб аталган давлатнинг олди-берди ваколатларига баъзан мос келмаслиги табиий. Демак, бу сиёсий ҳуқуқ ҳам йўққа чиқди. 5-моддада бу ҳуқуқ янада лойқалатиб кўрсатилган: Шартнома қатнашчилари «чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларда вакиллик қилиш ҳуқуқини ССЖ Иттифоқига топшириб қўйганлар. Шуми ўз тақдирини ўзи белгилаш! Шуми мустақиллик!

«Космик тадқиқотларни, умумиттифоқ алоқа ва ахборот, геодезия ва картография, метрология ва стандартлаш системаларини бошқариш» ваколати ҳам тўла-тўқис Иттифоқ ихтиёрига берилган. Шартномадаги «республикалар давлат ҳокимиятига тўла-тўқис эга бўладилар» деган гап ҳам қуруқ алдов эканлиги аён бўлади.

Энди иқтисодий масалага келсак, жумҳуриятлар «ССЖ Иттифоқи ваколатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш» ҳуқуқини ҳам марказга топшираётир [5-модда]. Шуми эркинлик! Шуми тенг ҳуқуқлилик! Шунингдек, «ССЖ Иттифоқининг ташқи сиёсат йўлини белгилаш» ҳамда «ИТТИФОҚ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ОЛИЙ ИДОРАЛАРИ СИСТЕМАСИ ОРҚАЛИ шу йўлнинг амалга оширилишини назорат қилиш», «ягона божхона» бўлиши каби ваколатларни ССЖ Иттифоқи жумҳуриятлар билан биргаликда амалга оширар эммиш. Бурама жумҳуриятнинг нима кераги бор! Мазмуни — бу ишни Иттифоқ бажаради, демоқчи. Хўш, биздек саноати йўқ жумҳуриятнинг, хом ашё етказиб берувчи халқнинг аҳволи нима кечади! Мустақилликнинг нимаси қолди! Тағин «жумҳуриятлар ҳудудида қўшинларнинг ва ҳарбий объектларнинг жойлашиши» эски ҳарбий диктатура сиёсатини, халқларни ҳарбий куч билан бошқариш томонини фош этиб турибди.

Раҳбарияти халқ билан чин қайғудош бўлган, ўзлигини теран англаган жумҳуриятлар шартномада қатнашишдан ҳақли равишда воз кечдилар. Чунки шартномада муайян жумҳуриятга бирон-бир ҳуқуқ тўлиқ берилган эмас. Шартнома бурама жумҳуриятдан, макр ва алдовдан иборат. Ана шундай муҳдиш кишан борлигини била туриб, шартноманинг янги лойиҳасини халқ муҳокама қилмай туриб, жумҳуриятда Иттифоқда қолмиш-қолмаслик тўғрисида референдум ўтказилиши таърифи йўқ ҳодиса, деб баҳолашга лойиқ. Ҳолбуки, мазкур референдум ноқонуний ўтказилди, бу масала жумҳурият халқ депутатларининг кенг муҳокамасига қўйилмади, халқ овозига қўйилган масаланинг матни ҳуқуқий жиҳатдан нотўғри ёзилди, ҳокимият ўз кучидан фойдаланиб, халқнинг соддалигидан, ҳатто баъзан аномлигидан фойдаланиб, бир ёқлама ноҳақ тарғиботга зўр берди, овоз бериш қондалари бузилди. Мазкур иш бошида турган марказнинг муте ижрочилари тарих олдида жавобгардирлар. Шартномани эса буткул қайтадан тузмоқ лозим.

САИД МУРОД тайёрлаган.

Маълумотларга қараганда, ҳозир курран арзда 2 миллион турдаги ҳайвонот яшайди. Унинг қарийб ярмини ҳашарот ташкил этади. Ҳайвонот оламининг бошқа вакиллари сингари табиат занжирида ҳашаротнинг ҳиссаси катта. Масалан, тупроқ таркибининг мақбулланишида ёмғир чувалчанги, чумоли, термитлар ва ҳоказоларнинг фаолияти муҳим аҳамади касб этади. Улар, маълумки, ўсимлик қолдиқларини парчалайди, бинобарин, тупроқ структура-сининг ташкил топишида қатнашади, тупроқни ғоваклаштиради, бинобарин унинг сув сийми ошади, тупроқдаги микрову-жудларнинг ривожланиши учун қулай шароит ҳосил қилади. Триллионлаб ҳашаротнинг ўлиши натижасида тупроқ микроу-сурлар билан бойиёди. Аксари ўсимликлар фақат ҳашарот ёрдамида чангланади, талайгина мева ҳамда сабзавот, баъзи бир галла ўсимликлари, йўнғичқа ва бошқаларнинг ҳосили муайян даражада ҳашаротга боғлиқ. Шунинг қатъий айтиш мумкинки, бордию ҳашарот бўлмаганида ер куррасидаги ўсимлик қопламани игнабарглилар ва бошқа очик уруғлилар, қирқбўтинлар ва мохлар босиб кетган бўлу-р эди. Лекин ана шундай дастёр беминнатлар нисон ёрда-мига муҳтож бўлиб қоляпти. Чунки табиат устидан нисон ҳокимлиги унинг табиий занжирини чилпарчин қилиб юборди. Ким-ёвий моддаларни бўлар-бўлмасга ишла-тавериш оқибатида ҳашаротлар яшайдиган муҳит: тупроқ, сув, ҳаво заҳарланди. Жум-ҳуриятимизда қанчадан-қанча ҳашарот турлари шу тўфайли қирилиб кетди.

Кечагина кўзни қамаштириб гулдан гулга қўниб учган ажойиб капалакларни, асал-арилару пахмоқ арилари, кишига завқ бағишловчи ниначилару ёмғир чувалчангини учратишимиз амримаҳол бўлиб қолди. Бундай умуртқасиз ҳайвонларнинг эркин яшашини учун уларга тоза сув, тоза ҳаво ва ҳар қандай кимёвий дорилардан ҳалос бўлган соф тупроқ жуда зарур. Дар-воқе, бундай шароитни эндиликда топшиш мушкул. Жилла курса, тоғли ноҳияларда учраса, эҳтимол. Пахта майдонларида туп-роқ таркибининг бузилиши натижасида бир квадрат метр майдонда атиги ўн тача ёмғир чувалчанги учраса ҳам катта гап. Америка Қўшма Штатларида эса бу кўр-саткич ўн-ўн беш барабар юқори.

Табиат муҳофазасига эътиборни кучай-тирмас эканмиз, табиат қўйнига нафақат тўр халта (ҳашарот тутқич маҳсус мосла-ма), балки фотоаппаратлар билан чиқиб ҳам ажойиб коллекциялар йиға олмаслиги-миз тайин.

Ҳашарот муҳофазаси, юқориде айтиб ўтганимиздек кўпгина омилларга боғлиқ. Барча омилларни биргаликда ўрганиб, чо-ра-тадбир кўра борсаккина кўзлаган мақ-садимизга эришишимиз осон бўлади. Бу-нинг учун, аввало, ўсимлик турларининг йўқолишига йўл қўймаслигимиз керак. Чунки ҳашаротларнинг бир қанча турлари тухумини ўсимликка қўяди ва уларнинг нектари ҳашаротларнинг бирдан-бир озуқа базаси ҳисобланади. Ниначи-ларнинг аксарияти кўпайиш учун туху-минини фақатгина сувдаги ўсимликларга қўяди.

Пахта майдонларидаги зараркунанда ҳашаротларга энтомофаглар қирон келти-ради. Хон қизи (12—15 тур), олтин кўз (10—12 тур), йиртқич қандала (10—12 тур), кирпи пашша (30 тур), яйдоқчи (100 дан ортиқ тур) ва бошқалар шундай ҳашарот-лар жумласидандир.

Бинобарин, зараркунандаларга қарши курашни кимёвий йўллар билан эмас, бал-

Тиёншон аполлонининг нафислигини кў-риб, табиатнинг нақадар меъморлиги ва беихтиёр тасанно ўқийсиз.



ҲАШАРОТ НИДОСИ



Баҳайбат қоқоқари жумҳуриятимизнинг ҳамма ерларида учраса-да, ноёб ҳисобла-нади.

ки биологик тарзда олиб бориш натижа-сида ҳозирги эришган ютуқларимиздан ҳам самаралироқ муваффақиятлар келти-риши мумкин. Биз бултўр ёзда талаба-ларнинг дала-амалий машғулотларини Тошкент вилоятидаги Оқсоқотасда атроф-ларида ўтказдик. Чотқол тизмалари ора-сида жойлашган Оқсоқота денгиз сатҳи-дан 1100 метр баландда. Ғарбий Тиёншон Чотқол тоғ тизмаларида ҳашарот олами-нинг бир қанча ноёб ва йўқолиб бораётган турлари ССЖИ Қизил китобига киритилган. Қўйди шулардан айримларини кўриб ўта-миз.

Темирчак деган ҳашарот йиртқич ҳисоб-ланади. Бешиктерватлардан эса боливар-рия, шоҳли эмпуза кам учрайдиган, шу ернинг ўзига хос маҳаллий тур ҳисобла-ниб, бута ва дарахтзорлар орасида яшай-

ди. Чумоли шерлари номини олган ҳаша-рот турни кундуз кунлари кам ҳаракат-ланади, очик ерларда учрайди. Личинка-лари қумликларда воронкасимон чуқурча-ларда жойлашиб олиб унга тушган ҳаша-ротни, шу жумладан чумолиларни тутиб ёйди. Чумоли шерлари тўрқанотлилар тур-кумига кириб, бу туркум вакиллари йирт-қич ҳашарот сифатида муҳофаза қилинади.

Мураккаб инстинктга эга бўлган ҳаша-ротлардан баҳайбат қоқоқ ари ҳам ноёб-дир. Личинкалари шоҳли бўлиб, қўнғиз-ларда паразитлик қилади. Жумҳурияти-мизнинг ҳамма ерларида учрайди, эркаи-нинг жуқсаси (25—34 миллиметр) ур-ғочисиникидан (40 миллиметр) кичикроқ. Йилига асосан бир марта авлод берса-да, аммо маълумотларга қараганда, Турк-манистонда сентябрь охирида иккинчи авлод бериши мумкин. Урғочиси кам уч-райди. Катта шаклдаги ўсимликларнинг нектари билан оқватланади. Уларни тажри-ба оналарида кўпайтириш қийин.

Тангача қанотлилардан Тиёншон апол-лони жуда ноёб бўлиб, табиатда нафис экзотик тур ҳисобланади. Катталиги 40—50 миллиметр бўлган бу капалак ушбу саҳифада эътиборингизга ҳавола этилган. У йилига бир марта авлод беради, ур-ғочиси кам учрайди. Шунинг айтиш керакки, бу капалак ечимли бўлмаганлигидан, унга қушлар тегмайди. У ўзининг «еб бўлмас-лиги»ни намойиш этиш учун ерга қўниб, қанотларини ёйганича чалқанчасига ётади-да, қанотидаги қизил доғларини кўз-кўз қилади, оёқларини қанотларининг қўйи қисмига ишқалаб, ўзига хос товуш чиқара-ди. Бундан ташқари, хавф-хатар тўғилгудек бўлса, ғалати ҳид таратади. Мазкур турда-ги капалак Пиреней ярим оролидан Альп ва Карпат тоғлари орқали шарқда Олтой тоғларигача тарқалган. Уни тоғларда ден-гиз сатҳидан 2000 метргача бўлган баланд-ликда учратиш мумкин. Мамлакатнинг Оврупо қисмида, Марказий Оврупонинг кўпгина ноҳияларида аполлон ёки буткул қирилиб кетган, ёки жуда тез камайиб борапти. Бир қатор Оврупо мамлакатлари-да бу ҳашарот қонун йўли билан муҳофа-за қилинапти, ССЖИда эса «Қизил китоб»га киритилган. У Урта Осиёнинг тоғли ноҳияларида учрайди. Унинг танаси йирки бўлиб, духобасимон-қорамтир рангли, кў-кимтир ва қизғимтир доғлари бор. Қўёш чарақлаб турган вақтда озикланади, бош-қа вақтларда эса яшириниб олади. Апол-лон аста қанот қоқиб, бамайхотир уча-ди.

Ноёб турдаги ҳашаротларни келгуси ав-лодларимиз учун сақлаб қолиш ва кўпай-тириш тажрибасини хоржий мамлакат-лардан, хусусан, капиталистик мамлакат-лардан ўрганишимиз керак. У ерларда кўзни қувватладиган чиройли капалаклар, ажойиб ҳашаротлар кўргазмалари тез-тез ташкил этилиб, суъий кўпайтирилган ҳашаротлар маҳсус жойларда парвариш-ланади.

Ҳашаротлар нидосига қулоқ тутаетган биз, биолог омиллари асосий бурчи ноёб, йўқолиб бораётган ҳашарот турлари-ни чуқурроқ ўрганиш ва уларни яна та-биат қўйнига қайтариш йўлларини излаш-дан иборат. Шундагина бири бирдан кўр-кам ҳашаротлар табиат шинавандаларига завқ бағишлайверади.

Шухрат ИСЛОМОВ,

биология фанлари номзоди,
Тошкент дорилфунуни биология
қуллиётининг доценти.



ТАБИАТ
ВА ИНСОН

БИЗНИНГ қорнимиз тўқ, эгнимиз бут бўлиши — ҳамма ҳаммаси она заминдан, тупроқдан. Ер қанча тўқ бўлса, унда ўсган ўсимлик ҳам шўнчалик мўл-кўл бўлади. Бу оддий ҳақиқат.

Тупроқ тирик организмлар яшайдиган ва органик моддалар тўпланадиган бошпанадир.

Тупроқ қатлами ўсимликлар билан биргаликда тирик организмлар учун энг зарур биологик маҳсулот ишлаб чиқаради. Жумладан, космик энергия тўплайди ва уни ер юзасида қайтадан тақсимлайди, қолаверса, атмосферадаги газлар мувозанатини сақлаб туради. Тупроқ ва ўсимликлар ҳаёт учун зарур озуқа унсурларини ушлаб турувчи омил ҳисобланади. Тупроқ биосферада озон, иқлим шаронтини, атмосферада карбонат ангидрид газининг концентрациясини, кислородни, азотни, озик-овқат ва ичимлик сувнинг таркибини меъёрида сақлаб турувчи таркибий қисм ҳисобланади. Демак, тупроқ асосан 2 та вазифани бажаради: яъни, биосферада соғлом экологик мувозанатни сақлайди ва озик-овқат маҳсулотлари ҳамда биологик хом ашё яратади.

Инсоният асосан тупроқнинг иккинчи вазифасидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Табиатда ҳамма омил ва жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқ. Биттасидаги ўзгариш қолган бошқаларига таъсир қилади ва улар ўртасида мавжуд бўлган экологик мувозанат албатта ўзгаради. Шу табиий қонуният туфайли ҳар бир ҳудудда тупроқ қатламнинг табиатда тутган ўрни, аҳамиятини, таъсирини

албатта ўрганиш ва мавжуд қонуниятларни очиш керак.

Бироқ мамлакатимизда, шу жумладан Ўзбекистонда сиёсат фақат ҳосил олишга қаратилган эди. Шунинг учун 60-йиллардан бошлаб барча тупроқшunosлик илмгоҳлари қишлоқ хўжалик академияси ёки қишлоқ хўжалик Вазирлиги ихтиёрига берилиб, асосан, тупроқ ҳосилдорлигига боғлиқ хоссаларни ўрганиб, ҳосилни кўпайтириш учун уларга таъсир қиладиган кўплаб мелиоратив, агротехник ва агрохимёвий тавсиялар ишлаб чиқиш билан шугулланган. Аммо бу тавсияномалар кўпинча кўтилган натижани бермаган.

Сўғориш тармоғини ишлаб чиқиш учун тупроқнинг физик хоссаларига ўрганилади ва ҳисоб-китоб қилинади. Бироқ шу сўғориш тармоғининг мавжуд биосфера таркибий қисмларига қандай таъсир қилиши ҳисобга олинмаган ва экологик асосланмаган эди. Масалан, Орол денгизининг қуриши, чўлга айланиш жараёнининг бошланиши туфайли Амударё дельтасида унумдор ўтлоқ тупроқлар ўрнига унумсиз, қумли тупроқлар пайдо бўлмоқда. Ҳозир шўр ерлар майдони 250 минг гектарга етди.


Бундан ташқари, Орол суви камайиб жуда катта туз захирасига эга бўлган 1 миллион гектарга тенг (Ўзбекистон қисмида) денгиз туби очилиб қолди. Бу аҳвол Ўрта Осиё ҳудудида биосфера ҳолатини, экологик мувозанатни ҳисобга олмасдан сўғориш ишлари олиб борилганлигининг оқибатидир. Орол денгизи атрофида рўй бераётган салбий жараённи тўхтатиш учун шу ҳудуд био-

ЗАМИННИ АСРАНГ

Орол атрофидаги табиий шароит шу қадар бузилиб, кескинлашиб кетдики, маълумотларга қараганда, денгизнинг қуриган қисмидан ҳар йили 90—100 миллион тонна туз аралаш қум шамол билан кўтарилиб атрофга ёйилмоқда. Оқибатда бу офат нафақат Орол бўйи, балки бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон, ҳатто қўшни мамлакатлар табиатига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, инсон саломатлигига ва халқ хўжалигига жиддий зарар етказмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш учун турли соҳа олимлари ва мутахассислар хилма-хил изланишлар олиб боришмоқда.

Бир неча йилдирки, илмгоҳимизда тупроқ емирилиши ва кўчишининг илмий асослари, унинг физик хусусиятлари, тупроқ емирилиши ва кўчишининг олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш борасида долзарб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу ўринда илмгоҳимизда мазкур илмий йўналишга асос солганлардан бири, илмий мақолалари орқали хорижий мамлакатлар олимларининг ҳам назарига тушган юртдошимиз, техника фанлари номзоди, марҳум Абдумуталлиб Азизовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳозир у кишининг шоғирдлари — фан номзодлари Бахтиёр Отабоев, Ҳалимжон Қодиров, Бўрибой Тошов, Нурмуҳаммад Губайдуллин текисликнинг (хусусан, дала устки

қисмининг) тузилишига, тупроқнинг таркибига қараб, шамолнинг таъсир кучи, тупроқ емирилиши ва кўчишининг ўзгаришини изчил илмий текширувдан ўтказишди ҳамда тупроқ емирилиши ва кўчишининг олдини олиш учун тупроқ таркибига қараб турли хил кимёвий ва биологик моддалардан, махсус тўсиқдан фойдаланишни таклиф этишди. Бир неча так-



Табиий жараёнларни, жумладан, тупроқ емирилиши ва кўчишининг кўзга кўринмас сирларини билиб олишда оптик асбоблардан фойдаланилади. Бу ўринда шамол таъсирида кўчаётган тупроқнинг махсус тўсиққа урилиши акс этган. Бу хил тўсиқлардан темир йўл, канал ва ҳоказоларни сақлашда фойдаланиш мумкин.

лифлар, жумладан, кимёвий модда ёрдамида тупроқнинг устки қисмини мустаҳкамлаш усуллари, тупроқ емирилиши ва кўчишида мелиорант қўллаш каби ихтиролар муаллифлик гувоҳномаси билан тақдирланди.

Тупроқ емирилиши ва кўчишига қарши кимёвий моддаларни қўллаш борасида ўтказилган илмий изланишлар натижаси далаларда қўлланилганда тупроқнинг устки ҳосилдор қисми кўчиши ва учишини камайтиради. Бунинг эвазига экинлар ҳосилдорлиги ошади. Бундан ташқари, тадқиқот натижаси қум ва тупроқнинг устки қисмини мустаҳкамлаш учун қўлланилганда муайян майдонларда, жумладан, вертолётлар учун вақтинчалик кўниш-учиш майдончаларида чанг кўтарилиши сезиларли даражада камайди, шу билан бирга бу майдонларни доимий равишда текислаб туриш билан боғлиқ бўлган қурилиш ишларига зарурат қолмайди. Бу усулни қўллаш автомобиль йўллари четиди йўлни қум ва чанг босишини, сўғориш шохобчалари атрофида қўлланилганда эса уларни қум босишини камайтиради.

Бундан ташқари, кимёвий модда ёрдамида тупроқ ва қумни мустаҳкамлашга оид илмий изланишлар натижаси Фарғона вилоятининг Киров туманидаги Киров номли давлат хўжалиги далаларида, халқ хўжалигининг турли соҳаларида, жумладан, Олтой



ФАН-ХАЛҚ
ХЎЖАЛИГИГА

сферасида олдин мавжуд бўлган сув таркибий қисмлари меъёрини тиклаш керак.

Бунинг учун Урта Осиёдаги ички қўшимча манбалар етмайди. Агар жумҳуриятларимиз тараққиётини ҳисобга оладиган бўлсак, албатта четдан сув олишимиз шарт. Бунда албатта чуқур илмий экологик асос керак. Акс ҳолда бу ҳам салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Масалан, жумҳуриятимизда кейинги 30 йил давомида сугориладиган ерларда шўр тупроқлар майдони 40 фоиздан 59 фоизгача кўпайди. Бунинг сабаби қуйидагича: биринчидан, сугориш ишлари учун меъёридан ортиқ сув сарфланган бўлса, иккинчидан, коллектор-дренаж тармоғи етарли эмас, борлари ҳам сифатсиз қурилган, ундан фойдаланиш жуда паст даражада олиб борилмоқда. Натижада ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб тупроқлар шўрланмоқда. Бунинг олдини олиш учун ирригация бўйича мутахассисларимиз тупроқшунослар билан биргаликда сугориш тармоғини қайтадан кўриб чиқиш, уни илмий асослашлари керак. Бундан ташқари, бошқа агротехника усуллари ҳам албатта экологик асосланган бўлиши шарт.

Ҳосил олиш учун тупроқ ҳайдалади. Ҳайдаш жараёни эса механизациялашган. Айни пайтда резинали ғилдирак барча мамлакатларда «тупроқ душмани» деб қабул қилинган. Чунки у тупроқни қаттиқ эзиб, эрозияга учрашини тезлаштиради, унумдор қатлам, яъни гумус озуқа унсурларининг сувда оқиб кетишига шароит яратади.

Шунингдек, тупроқ ҳадеб аралаштирилаверганда аэро шароит юзага келади ва органик қисмининг парчаланишини тезлаштиради, шу боисдан тупроқда гумус камайиб кетмоқда.

Минерал ўғитлардан, пестицидлардан узлуксиз фойдаланиш тупроқдаги фойдали организмларни кескин камайтириб, патоген замбуруғларнинг кўпайишига олиб келади.

нефть-газ қидирув экспедицияси ва Ғарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедициясининг вертолётлар учун вақтинчалик қўниш-учиш майдончаларини мустақкамлашда; Навоий машина канали қирғоғини мустақкамлашда ва чангини камайтиришда; Навоий — Қарнобтов автомобиль йўли атрофидаги қумни мустақкамлашда ва чангини камайтиришда; Бухоро геофизика экспедициясининг бурғилаш майдончаларида синовдан ўтди ва сезиларли иқтисодий фойда келтирди.

Тупроқ емирилиши ва кўчишининг олдини олишда биологик усулни қўллаш эса Бухоро вилоятининг ҳудудларида синовдан ўтди ва ижобий натижалар берди.

Шунингдек, Ғарбий Қозоғистон темир йўлига қарашли Исатай бекати атрофидаги темир йўлни қум босишдан сақлаб қолишда лаборатория ходимлари таклиф қилган махсус тўсиқларнинг ёрдами яхши бўлди.

Орол тупроғига қайтайлик. Орол

денгизи бўйидан келтирилган тупроққа карбоксилметилцеллюлоза (КМЦ) кимёвий моддаси, бир ҳужайрали сув ўти — хлорелла ҳамда уларнинг биргаликдаги аралашмаси билан ишлов берилганда (бу тадқиқотларда ҳикмат-риёзат фанлари доктори Олим Маҳмудов ҳамда ушбу мақола муаллифининг ҳам иштироки бор) тупроқ тузилиши сезиларли даражада яхшиланиб, шамолда учини камайтиди.

Лаборатория олимларининг мамлакат миқёсидаги етакчи илмий марказларнинг олимлари билан ҳамкорлиги ҳам самарали натижалар бермоқда. Жумладан, Москва Давлат доирлфунунининг Механика илмгоҳи олимлари билан ҳамкорликда тупроқда сув сизишини камайтирувчи такомиллашган янги технология — полиминдан фойдаланишнинг илмий асослари ишлаб чиқилди. Мазкур технологиядан фойдаланиш сув иншоотларида сув исроф бўлишини кескин камайтиришга олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки,

полиминдан халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш мумкин. Жумладан, унинг ёрдамида каналлар, сув ҳавзалари ва тўғонларда сув сизишининг олдини олишда; биноларнинг устки қисмини, ер ости қурилмалари, туннел ва қувурларни сувдан ҳимоя қилишда; янги турдаги гипс, бетон ва бетон буюмлар ишлаб чиқишда; янги сугориш иншоотларини барпо этишда; суюқликларнинг йўлини тўсишда, қатламларни бир-биридан ажратиб қўйишда; қатламлардан нефть қазиб олиш миқдорини оширишда ва кимё саноти чиқиндиларини кўмишда фойдаланиш мумкин.

Лабораториямиз ходимлари атроф-муҳитни соғломлаштиришга оид яна кўплаб муаммоларнинг ҳам ечимларини топиш соҳасида илмий излашлар олиб боришмоқда. Жумладан, ёниш жараёнида ҳосил бўладиган заҳарли чиқиндилар миқдорини камайтириш ва манбалардан заҳарли газ оқими чиқиб кетганда унинг атроф-муҳитга таъсирини ўрганишнинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилмоқда.

Хуллас, истиқбол режалари катта. Янги лаборатория ходимлари атроф-муҳитни технологиянинг салбий таъсирларидан муҳофаза қилишда, она табиятни асраб-авайлашда изланаверадилар.

Раббим ФАЙЗИЕВ,

ЎзФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустақкамлиги илмгоҳи Табиий жараёнлар аэродинамикаси лабораториясининг катта илмий ходими, ҳикмат-риёзат фанлари номзоди.

МУҚОВАННИНГ 2-БЕТИДА Табиий жараёнлар аэродинамикаси лабораториясининг фаолиятдан айрим лавҳалар акс этган.

Чапдаги устуи юқоридаги сувартада (чапдан ўнгга) лаборатория ходимларидан муаллиф Раббим Файзиев, илмий ходим Толиб Ибодов ва катта илмий ходим, ҳикмат-риёзат фанлари номзоди Бўрибой Тошов тупроқ емирилиши ва кўчишига доир илмий тадқиқот ўтказишмоқда.

Ўнгдан иккинчи сувартада — катта илмий ходим Гафур Каримов тупроқ емирилиши ва кўчиши жараёнини оптик асбоб ёрдамида ўрганмоқда.

Ўнгдан учинчи сувартада — Орол бўйидан олиб келинган тупроққа кимёвий ва биологик моддалар билан ишлов бериб, мана шу кўринишга олиб келинганда унинг шамолда учини кескин камаяди. Унга эса унинг ҳали ишлов берилмаган намунасини кўриб турибсиз.

Пастдаги иккала сувартада компьютер яратган гуллаётган дарахт ва қуш манзаралари акс эттирилган.

ТАБИАТИМИЗ НОМАИ АЪМОЛИ

СЎНГИ йилларда матбуот саҳифаларида, радио ва телевидениеда, олимлар, қаламкашлар ва кенг жамоатчилик инсон теварагини ўраб турган атроф-муҳитнинг ниҳоятда ифлосланганлиги табиат мувозанати бузилишини ўйламай қилинган режасиз ишларнинг маҳсули экани тўғрисида аччиқ, лекин ҳақли фикр-мулоҳазалар билдирмоқда.

Жумҳуриятимизда она табиатнинг ифлосланиши, бузилиши натижасида жуда кўп кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда, лекин бу воқеалар содир бўлаётган жойларни, ундаги бўлаётган ўзгаришларни кўз олдимизга келтириш қийин. Шунинг учун бундай вазиятда харитавий усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ер куրрасининг қайси жойида ёки жумҳуриятимизнинг қай бир вилоятида ёки туманларида содир бўлаётган экологик вазият қандай аҳволда эканини хариталар ёрдамида кўргазмали тасвирлаш мумкинки, унда нафақат содир бўлаётган экологик воқеа ва ҳодисалар, балки уларнинг тарқалиши, ҳозирги ва келгуси ҳолатини сифат ва миқдор кўрсаткичлар билан ифода этиш мумкин.

Ўлкамиздаги экологик вазиятнинг ҳозирги аҳволдан кенг жамоатчиликни воқиф этиш мақсадида харитавий усулни қўллаш воситасида жумҳурият Фанлар академиясининг География бўлими мутахассислари Ўзбекистон ССЖнинг экологик харитасини (масштаби 1:1000 000, 1 сантиметрда 10 километр; Асомиддин Рафиқов, Турғунбой Мирзаалиев, Иброҳим Ҳасанов, Шамсиддин Муҳиддинов, Виктор Попов, Гулсиной Норхўжаева) тузишди. Бу ойнома муқовасининг 3-саҳифасида 5 барабар кичрайтирилган ва соддалаштирилган ҳолда берилган.

Харитада ранглар ёрдамида заминимиз ландшафти 89 хилининг ўзгариш даражаси 8 га бўлиб: ўзгармаган, тузатилаётган, тузатилган, ўзгартирилаётган, ўзгартирилган, кам ўзгарган, ўртача даражада ўзгарган ва жуда ўзгарган тарзида тасвирланган.

Ландшафтларда заминимизнинг геологик, ер усти тузилишлари, тупроғи, ўсимлиги, иқлим шароити жамулжам ўз аксини топган. Хаританинг асосий мазмунини жумҳуриятимиз ҳудудининг ҳозирги ҳолати ташкил этади. Бунда жумҳуриятимизда содир бўлган ва содир бўлаётган экологик вазиятлар мажмуаси таҳлил қилиниб, уларнинг 5 хил (хавфли, кескин, ўртача кескин, ўртача қониқарли ва қониқарли) вазият даражаси ишлаб чиқилган. Экологик

МАЙМАНАК САРДОБАСИ

Қашқадарё воҳасининг тарихи сув учун кураш тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Халқимиз: «Сув йўқ жойда ҳаёт йўқ» деб бежиз айтмаган. Сув қадрига етган ота-боларимиз ажойиб иншоотлар бунёд этишган. Ана шундай сув иншоотларидан бири сардобадир.

Сардоба — форсча муздек сув сақланадиган жойни англатади. Суви тиниқ ва чучук бўлади. Бу гиштин иншоотнинг усти гумбаз шаклида, ички қисми эса ҳовуздан иборат.

1930 йиллар ўрталарида профессор Михаил Массон сардобалар тарихини қисман ўрганган. Лекин бу меъморчилик ёдгорликларининг тарихи ҳануз атрофлича ўрганилган эмас. Шу боис биз баъзи тарихий, этнографик манбалар ва далилларга мурожаат этамиз.

САРДОБА Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ҳудудида кўплаб қурилган. Амударё билан Сирдарё оралиғида ўрта асрларда 44 та сардоба бўлган. Шунингдек, Мирзачўлда, Тошкент — Фарғона савдо йўлларида ҳам 3 тадан сардоба қурилган. Кармана шахри яқинида Работи Малик ва Сандиқли чўлидан ўтган Карки — Қарши карвон йўлидаги сардоба эса XVII асрда барпо этилган.

Венгер саёҳатчиси Арминий Вамбери ўз саёҳатномаси-

Турғунбой МИРЗААЛИЕВ,
жуғрофия фанлари номзоди.
Гулсиной НОРХЎЖАЕВА, илмий ходим.

вазият жуда хавфли ҳудудлар (Орол денгиз бўйи) тўқ қизил рангда тасвирланган. Бу ранг хаританинг кўп ерида кўзга ташланиб туради. Бинобарин, муштарий қизил рангга бўялган ҳудудни кўриши билан у хавфли жойлар эканини дарҳол пайқайди. Экологик вазияти кескин бўлган ҳудудлар (Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Сурхон воҳасининг Сарюсий ҳудуди) оч қизил рангда тасвирланган. Шу билан бирга тоғли туманларда экологик вазият ўзгармаган ҳудудлар ҳам кўзга ташланади.

Ўсимликлар дунёсининг фойдали хусусияти ва сифатлари аста-секин бузилиши (кучли, ўртача, кучсиз) ва унинг сабаблари: (муттасил мол боқиш, қирқиш, техник сабаблар ва ниҳоят сув таъминотининг ёмонлашуви тўғрисида) ўсимликларнинг йўқолиб боришини ҳам харитада кузатишини мумкин. Бадий шакллар воситасида (ҳайвонлар шакли) сийрак ва йўқолиб кетиш арафасида бўлган ҳайвонлар учга бўлиб: Халқаро, ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ қизил китобларига киритилган ҳайвонлар тасвирланган.

Ҳозирги вақтда шахарлар ҳавосининг ифлосланиши катта ташвиш туғдирмоқда. Жумҳуриятимизда Андижон, Олмалик, Навоий, Қўқон, Фарғона, Тошкент, Ангрен ва бир қанча шахарларнинг ҳавоси шу даражада ифлосланганки, унинг таркибида углерод оксиди, олтингургут газы, азот оксиди ва турли чанглар ниҳоят даражада кўп. Бу эса, ўз навбатида, ҳар хил касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Жумҳуриятимиздаги шахарлар ҳавосининг ифлосланиши 5 та даражага бўлиниб: ҳаддан ташқари хавфли (ифлосланиш даражаси 20 дан кўп), жуда хавфли (15—20 гача), хавфли (10—15 гача), хавфли бўлиш арафасида (5—10 гача) ва хавфли эмас (5 гача) пунсонлар билан тўқ қизил рангда кўрсатилган.

да Қарши атрофида Абдуллахон даврида қурилган сардоба қолдиқларини учратганлигини ёзади.

Шундай сардобалардан бири Ульянов туманидаги Майманак қишлоғидан 2 километр жануби-ғарбда ёмғир-қор сувлари йиғиладиган пасткам ерда қурилган. Сардобанинг шарқий томонида Майманак тоғи ястаниб ётибди. Кексаларнинг шохидлик беришича, бу иншоот XVI асрда Абдуллахон II (1557—1598)нинг катта ўғли раҳбарлигида қурилган экан. Сардоба пастликда жойлашгани тўғрисида



Мен бу чўллар қўйнида туғилиб топдим камол,
Кўҳна сардобаларда тўкилиб қолди дардим.

Абдулла ОРИПОВ, Қарши қўшиғи.

Она табиат инъоми бўлмиш зилол сувнинг мансабга томон оққани сари ифлосланиб бориши ғоят ташвишли ҳолдир. Зарафшон, Чирчиқ, Амударё, Сирдарё ва бошқа дарёларимиз суви таркибида нитрат, фенол, нефть маҳсулотлари, гексохлорат сингари моддалар бўлиши инсон учун жуда катта хавф туғдирмоқда. Харита муаллифлари ер усти сув ҳавзаларининг ифлосланишини ҳам харитада б та: ўта ифлосланган, жуда ифлосланган, ифлосланган, ўртача ифлосланган, ифлосланиш даражасида ва тоза туркумларга бўлиб, ҳар хил рангларда тасвирлашган.

Сув ифлосланиши кузатиб туриладиган жойлар махсус белгилар билан кўрсатилган.

Экологик вазият бузилиши натижасида ернинг устки қатлами (қумлар), сувдан бўшаб қолган жойлардаги қумлоқлар (хусусан, Орол денгизининг қуриб қолган қисмида) шамол ёрдамида ўз жойидан бошқа ерларга учуриб кетилмоқда. Масалан, Орол денгизининг сувдан бўшаб қолган жойларидаги шўрхок қумлар шамол таъсирида Бухоро вилоятигача учиб келиб, тупроқнинг устки қисмини шўрламоқда. Шу жараён ҳам харитада акс этган.

Она заминимиз тупроқнинг емирилайётган ва шўрланган жойлари ҳам шартли белгилар билан тасвирланган. Экологик харитани тузишдан асосий мақсад, жумҳуриятимиз табиати ифлосланиши кўргазмалли равишда қаерда, қай даражада эканини ва уни келтириб чиқараётган сабабларни, шунингдек, улар инсонга қандай таъсир кўрсатаётганини ошкор этишдир.

Худди шу асосда харитада экологик вазиятнинг бузилиши натижасида вужудга келаётган касалликлар — атеросклероз, юрак-томир касалликлари, сурункали бронхит, аллергия, камқонлик, ўпка раки, бронхиал астма, асаб хасталиклари тарқалиши ҳам карта-диаграмма усулида ифодаланган.

Жумҳурият экологик харитасида юқорида санаб ўтилган жиҳатларгина ифодаланган. Лекин экологик хаританинг асосий манбаларидан бўлган ер ости сувларининг ифлосланиш харитасини (Ўзбекистон Гидрогеология ва муҳандислик геологияси ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари тузган) ва жумҳуриятимиздаги қўриқхоналарнинг жойланишини акс эттирувчи хариталарни асосий харитада кўрсатиш имкони бўлмаганлигидан уларни майдороқ масштабларда алоҳида тарзда бериш лозим топилди.

нишобликлардан оқиб тушувчи қор, ёмғир сувлари билан тўлдирилган. Сардобанинг усти гумбаз шаклида, ҳовузининг диаметри 14—15 метр, чуқурлиги 10—15 метр бўлиб, пойдевори ердан бир газ (80 сантиметр) кўтарилган, сардоба баландлиги эса 20 газ. Улкан бинонинг учдан икки қисми тупроқ остида бўлиб, гумбазигина ердан кўтарилган. Деворлари ва гумбазни пишиқ ғишт, пойдевори эса тарашланган тоғ тошларидан моҳирлик билан терилган. Сардобага ёғоч ишлатилмаган.

Еруғ тушган вақтда ҳароратни бир хилда сақлаш учун кунчиқар (шарқ) ва кунботар (ғарб) томонларга туйнуқлар қўйилган. Шамол кунчиқар томонга эсган. Сардобанинг икки тавақали мустаҳкам эшиги шамолга тескари — шимол томонга қаратиб қўрилган. Сардоба ҳовузига сув кириши учун ёнларидан тешик, дарчалар очилган. Қўрғоқчилик йиллари махсус ариқ қазилиб, сув келтирилган. Иншоот эшиги ёнидаги нов чорва моллари суғорилиши учун хизмат қилган.

Элшунос олим Карим Шониёзовнинг ёзишича, Қашқадарёнинг қуйи қисмида яшовчи ўзбек қарлуқлари (ҳозирги Муборак туманидаги Қарлуқ қишлоғи аҳолисининг бобокалонлари) инқилобдан олдин ҳам, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам сув манбан сифатида шу сардобадан фойдаланишган. Чорвани суғориш қийинлиги туфайли сардобага чигир ўрнатилган ва моллар суғорилган. Зеро Майманак сардобаси Қарлуқ қишлоғига ҳам яқин.

Сардоба ёнида карвонсарой бўлган, махсус қоровул, тозаловчи хизмат қилган, йўловчилар ҳордиқ чиқаришиб олиш йўлга сув ғамлаб олишган. Ҳа, бу ердан қатнаб ўтиб турган карвонлар олиш Хитой, Ҳиндистондан Самарқандгача, Бухородан Афғонистонгача, Россиядан турли Шарқ

Шунингдек, Ўзбекистон жумҳурияти Табиатини муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари тузган жумҳуриятимиз далаларига ҳар гектар ҳисобига сепиладиган заҳарли кимёвий моддалар миқдорини кўрсатувчи, минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддалар селувчи самолётлар қўнадиган аэродромлар сони ва уларнинг эгалаган майдонлари (гектар ҳисобида) тасвирланган харита экологик харитамизнинг мазмунига мазмун қўшган.

Дарвоқе харитада 1:1000 000 масштабда Орол денгизининг ҳозирги ҳолати алоҳида тасвирланганки, унда сувнинг камайиши ва келажакда қандай бўлиши кўрсатилган. Ойнома муқовасининг 3-саҳифасидаги экологик харитада асосий экологик хаританинг мазмунини тўлиқ беролмадик, зеро унинг масштабни асосий хаританикдан 5 маротаба кичик. Жумҳурият экологик харитаси ҳозир Тошкент харита фабрикасида босишга тайёрланпти. Уйлаймизки, шу йилнинг охиригача фабрика бу харитани ўқувчиларга ҳада этади. Шуниси ҳам борки, харита жумҳуриятимизда вужудга келган экологик вазиятни беками кўст ўз ичига ололмади, чунки хаританинг масштаби мусоид этмади. Бинобарин, жумҳуриятимизнинг мукамал экологик харитасини яратиш учун илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, вилоятлар бўйича алоҳида-алоҳида (сув ифлосланиши, тупроқ бузилиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзгариши ва ҳоказо бўйича) йирик масштаби хариталар тузиб, сўнг жамулжам экологик хариталар тузиш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ҳар бир йирик шаҳар учун ҳам экологик харита тузиш вақти келди.

Яна бир масала — жумҳуриятимизда вужудга келган нохуш экологик вазиятни бартараф этиш ва кўрилайётган чора-тадбирлар, ажратилган маблағлар миқдори ва уларнинг сарфланишини акс эттирувчи махсус хариталар тузиш зарурати туғилмоқда. Бу масалаларни ҳал қилишда жумҳурият Табиатини муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари ўз ҳиссаларини қўшади, деган умиддамиз.

мамлакатларига йўл олган. Хусусан, Ипак йўлининг бир тармоғи шу ердан ўтган.

Йиллар, асрлар ўтди. Бир вақтлар кишиларга оби ҳаёт улашган Майманак сардобаси қаровсиз аҳволга тушиб қолди. Бундан 15—16 йиллар муқаддам сардоба ёнида «Гулистон» номли давлат хўжалиги ташкил этилди, вагон келтирилиб битта шийпон қўрилди. Хўжаликнинг собиқ раҳбарлари сардоба атрофини бульдозер ёрдамида тупроқ билан текислаб, сув келадиган йўللари беркитиб ташлашди. Туйнуқлар тахта билан ёпилди. Ноёб иншоот хўжалик омборхонасига айланди. Бир неча йил ўтгач, хўжалик янги қасабага кўчди. Бу орада Майманак тоғи билан Сардоба ўртасида Ульянов каналининг бир тармоғи ўтказилди. Канал чегара бўлиб, сардоба Муборак тумани ҳудудида қолиб кетди. Ноёб обида бу туман раҳбарлари назарига тушмади ҳам.

Қайта қуриш ва ошкоралик шарофати билан халқимиз яратган ажойиб обидаларга эътибор қаратиляпти. Лекин Майманак сардобасини сақлаб қолиш учун ҳеч ким қайғурмаяпти. Вилоятимизнинг Ульянов ва Муборак туманларидаги мутасадди раҳбарлар келишиб, Майманак сардобаси атрофини Ульянов тумани ихтиёрига ўтказишлари лозим. Зора, сардобага яқин жойлашган қишлоқларнинг шўролари, Москва, «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» давлат хўжаликларининг раҳбарлари элга бош-қош бўлишиб, ноёб сув иншоотини сақлаб қолиш чорасини кўриша. Саҳоватли халқимиз эса жон деб ҳашарга чиқарди.

Очил БУРИЕВ,

тарих фанлари номзоди,
Қарши давлат дорилмуаллимни доценти.

ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИ АЖОЙИБОТИ

Инсон доимо ўсимликлар билан бирга. Табиат эса мўъжизага бой. Ўсимликлар тадрижий тараққиёт жараёнида ўзда мужассамлантирган ички дунёси, ғаройиб биологик хусусиятлари, хусусан, йирик гул ва мевалари, умрбоқийлиги, тирик мавжудот билан озиқланиши каби кўплаб жиҳатлари бўйича ҳайрат уйғотади.

Она сайёрамиз иқлими ҳар жойда турлича, демакки, уларнинг ўсимликлар олами ҳам ўзига хос. Ушбу саҳифада эҳтимол кўпчилик муштарийлар билмаган, эшитмаган ғаройиб ўсимликларнинг айримлари ҳақида маълумот беряпмиз. Биз бунда шу соҳа билимдонлари Уктам Пратов, Муҳаммаджон Набиев, Тешабой Одиллов ва Ғайбулла Шерматовлар муаллифлик қилган «Қизиқарли ботаника» китобидан фойдаландик. Ойномамизнинг ўсимликлар оламига бағишланган саҳифаси сизда қизиқиш уйғотиши, табиий.

ҚОПҚОНЛИ ҲАШАРОТХҲҮР

1769 йил Америкадан топилган ҳашаротхўр ўсимлик Дионеа муспицула деб аталади. Унинг қаддини тик тутиб турадиган гуллари поясининг учида тўпгул ҳосил қилиб ўсади. Бу қопқонли ҳашаротхўрнинг энг ажойиб ва мўъжизали аъзоси баргидир. Поянинг қуйи қисмида жойлашган



Қопқонли ўсимлик. У ер бағирлаб ўсган барглари билан ҳашаротларни ушлайди.

юпқа барглар ҳар томонга қараб эгилган бўлади. Якка ҳолдаги барг эса — барг лаппагига жойлашган иккита палладан иборат. Шу паллалар четида бир-бирининг орасига кириб мустаҳкам ушлайдиган қий-шиқ тишлар бор. Ҳар бир палланинг ўрта қисмида учтадан ўткир учли ва мустаҳкам бўртмалар мавжуд, қолган қисмлари эса ўзидан шира ажратувчи безчалар билан қопланган.

Баргга қўнган ҳашарот паллалардаги олти бўртмадан бирортасига тегиб кетса, паллалар 10—30 сония ичида ёпилади. Шундай қилиб, ҳашарот ўсимликнинг тирик тутилган ўлжасига айланади. Паллалар ёпилиши билан унинг ичидаги олти бўртма ҳашаротни бурдалаб ташлайди.

Безчалардан ажраладиган суюқлик эса уни ҳазм қилишга киришади. Ҳазм қилиш 8—14 кун давом этади.

ОШҚОЗОННИ АЛДАЙДИ

Ҳиндистонда ўсадиган «Қалирнадан» ўсимлигининг баргини истеъмол қилган одам ўзини анча тўқ хис этиши қадимдан маълум. Шунинг учун бўлса керак, уни «ошқозон алдовчи» деб юритишади. Дарҳақиқат, ўсимлик шарбатини текширган олимлар унинг таркибида ҳеч қандай тўйимли модда йўқлигини ва у фақат тўқлик ҳиссини вужудга келтиришини исботладилар.

Ҳозирда Оврупо ва Америкадаги бир қанча дори тайёрловчи фирмалар озишни истовчилар учун бу ўсимлик баргидан дори тайёрламоқда.

БЎҒУВЧИ ЛИАНА

Лиана жуда «айёр» ўсимлик. У дастлаб юмшоқ ва ингичка новда шаклида ўз ёнида ўсиб турган катта дарaxтга суяниб,



Тропик ўрмондаги лиана.

аста-секин унга чирмаша бошлайди. Дарaxт дастлаб бемалол ўсаверади. Лиана тез орада дарaxтнинг тепа қисмига кўтарилиб олади. Қачонки танаси қотиб ўзини тутиб олгандан сўнг исканжасидаги дарaxт-ни бўға бошлайди. Охир-оқибат у дарaxт пўстлогини кесиб ёғоч қисмигача етиб боради. Натижада танасида юриб турган шира ҳаракати тўхтаб қолган дарaxт қуриydi ва синиб тушади. Лиана эса ён атрофидаги бошқа дарaxтларга чирмашиб шу тарзда ҳаёт кечираверади.

БУҚОҚ ПАЛЬМА

Пальманинг «Колпотринакс вричтий» деган ноёб тури Кубанинг Пинос оролидаги қумлоқларда қарағайлар билан биргаликда ўсади. Олисдан кўзга ташланиб турадиган «буқоқлар» ўсимлик танасининг ўртасида пайдо бўлади. Пальмадаги бу буқоқ-ни шакл жиҳатдан уруғлик пивэзининг гул-поясига ўхшатиш мумкин.

Ажабки, бу хил пальмаларни бошқа жойларда ўстириш учун қилинган ҳар қандай ҳаракат беҳуда кетган. «Буқоқ»ли пальма албатта хўжаликка керак бўлади. Унинг қабариб чиққан қисмидан асал-арилар учун уя сифатида, турли идиш ва бочкалар тайёрлашда фойдаланилади. Шунингдек, ундан қайиқчалар яшаш ҳам мумкин.



Танасининг ўрта қисми кенгайган буқоқ пальмалар.

ИККИ БАРГЛИ

ДАРАХТ

Табиатда танаси ердан бор-йўғи 30 сантиметрча баландликка кўтарилиб ўсадиган дарaxтлар кишини ажаблантиради. Вельвичия фақат иккитагина барг чиқариб, минг йиллар давомида ўша баргларини ташла-

масдан ўсадиган ажойиб пакана дарахт. У Африкадаги деярли ёнғингарчилик бўлмайдиган Калахари ва Намиб саҳроларида денгиздан 50 километр ичкарида якка-якка ҳолда ўсади. Вельвичияни 115 йил муқаддам Жанубий Анголада немис ботаниги Фридрих Вельвич топган. Бу дарахтнинг танаси шунчалик қаттиқки, устидан мих юргизилса ҳам из қолдирмайди. Барглари қалин ва дағал бўлиб, гўё юпқа тахтамикан деган ҳаёлга борасиз. Унинг ер ости қисми асосан ўқ илдиздан иборат ва у 4—5 метр чуқурликкача боради. Олимлар ёмғир кўрмайдиган бу ўсимликни узоқ вақт текширишгандан сўнг у намликни аёён-аёнда океандан тарқаладиган тумандан олади, деган хулосага келишган.

ЛОЛА ДАРАХТИ

Лола дарахти магнолиядошларга мансуб туркум бўлиб, унинг икки тури мавжуд. Бири Шимолий Америкада ва иккинчиси Хитойда ўсади. Ўзбекистонда унинг битта тури манзарали ўсимлик сифатида ўстириб келинади.

Лола дарахтининг бўйи 45—50 метргача етади. Пояси тўғри ўсади, барги оддий, узун бандли, 4—6 бўлакли. Кузда барглари тилла рангга киради. Гуллари лолани эслатгани учун у шу ном билан аталади. Лола дарахти Ўзбекистонда жуда кам учрайди. Унинг асл Ватани Марказий ва Шимолишарқий Америкадир. У қишда 25—30 даража совуққа ҳам чидай олади.

БУ ОЛМА ЭМАС

Одатда ўсимликларнинг меваси шох-шаббасида жойлашади, тропик мамлакатларда эса меваси танасида жойлашган. Бунга «Омфолокарпум анокентрум» деган ўсимлик мисол бўла олади. Шимолий Борнеода уни ерли халқ «туғмача дарахт» деб ҳам атади. Бу дарахтнинг бўйи 15 метргача боради. Меваси танасига ёпишиб ўсади. У етилиши олдидан олмага ўхшаб кетади. Ҳосил мўл бўлган йиллари дарахт танаси бутунлай мева билан қопланиб ўзига хос ажойиб манзара ҳосил қилади.



Бу мевалар олма эмас...



НАБОТОТ ОЛАМИДА

«ЯШИЛ ОЛАМ»НИНГ МИНГ БИТТА СИРИ

Приморье ўлкасининг жанубий қисмида темир қайин ёки Шмитд қайини деб аталадиган дарахт ўсади. Унинг поясини ҳатто болта ҳам кеса олмайди, ўқ ҳам тешиб ўта олмайди. Бу қайиннинг қаттиқлиги темирга тенглашади.

Ботаникларнинг ҳисобига кўра, ер юзиде об-ҳавони олдиндан айтиб берадиган ўсимликларнинг 400 га яқин тури мавжуд.

Дунёда энг катта япроқ Амазонка дарёси сохилларида ўсадиган Рафия пальмасиники экан. Унинг худди чодир каби кенг япрогининг узунлиги 22 метр, эни 12 метргача тенг, банди эса 5 метр келади. Бундай биргина япроқ остида 10 киши ёмғир ёки жазирамадан қочиш паноҳ топиши мумкин.

Япон физиологларининг тажрибаларидан маълум бўлишича, шовқин таъсирида одам вужудида пиомин деган дармондори кескин камайиб кетар ва шунинг учун ҳам одам шовқинда ўзини ёмон ҳис қилар экан. Мутахассислар сершовқин жойда ишловчиларга сабзи, тухум, сут истеъмол қилишни тавсия этишмоқда, бу сарфланиб кетган дармондори ўрнини қоплар эмиш.

Луб толалари мустақамлиги жиҳатидан темир билан бемалол тенглашади. Тортишиш кучи эса маъданга нисбатан 15 марта кўпдир.

Каучукли пойабзалларни биринчи бўлиб Шимолий Америкада ҳиндулар кийган. Каучук сақловчи дарахт ва буталардаги суюқлик оёқ шаклидаги қолипларга солиниб, «мокасин» деб юритилган пойабзал тайёрланган.

Коста-Рика, Эквадор ва Лотин Америкасидаги вилоятларда маҳаллий халқ «Сорвейра», яъни «сўргич» деб атайдиган ажойиб дарахт ўсади. Унинг пўстлоғини кесишингиз биланоқ сут оқа бошлайди. Бир соатда бир литргача сут олиш мумкин. Бу сутнинг мазаси сигирникига анча яқин. У оз вақтдан сўнг қуюқлашиб ачиб қолади. «Сигир дарахт» сутидан йилнинг хоҳлаган вақтида фойдаланишингиз мумкин.

Урта Осиё чўлларида учрайдиган қизилмия ўсимлигининг ажойиб хусусияти бор. Унинг ярқираган қизғиш-гунафша рангли гули ер остида чучук сув борлигидан дарақ бераркан. Агар ўсимлик гуллари рангпар бўлса, у ўсган ердаги сув шўр деяверинг.

Кўпчилик ўсимликлар бир дақиқада 0,005 миллиметр, қовоқ эса шунча вақтда 0,1 миллиметр ўсади.

МИТТИ БОСҚИНЧИ

Москвадаги Мир шоҳқўчасида яшовчи нафақахўр аёл Данилова кўчадан қайтаётганида хонадони эшигидан каламуш кириб кетаётганини кўриб қолди.

Кўп ўтмай думли меҳмон ўз ҳуқуқларини эълон қилди: икки хонадан бирини эгаллаб, уй бекаси каравотига жойлашиб олди. Ёстиқлар орасига яхшилаб ўрнашгач, чақирилмаган меҳмон бор овозда чинқириб, овқат талаб қила бошлади. Лекин пешинда ҳам, кечқурун ҳам егулик ололмагач, тўполончи телефон симини қирқиб ташлади, кечаси эса уй бекасига ҳужум қилиб, оёғини тишлаб олди.

Екатерина Ивановна учун даҳшатли кунлар бошланди. Кундузи у Безбожий торкўчасига қатнаб врачлардан каламуш тишлашига қарши уқол олар, кейин уйга қайтиб каламушга овқат пишириб берар, кечалари эса ўзининг собиқ ётоқхонасидан ҳужум бўлишини кутиб, диванда дир-дир титраб чиқади.

Кўп ўтмай бу фавқулодда ҳолатдан кўни-кўшнилари ҳам огоҳ бўлишди. Лекин кампирга қандай ёрдам бера олишарди! Уй бошқармасида қандайдир дори беришди, аммо каламуш уни емади. Кўшнилари йиғилиб сурбет меҳмонни ҳайдаб чиқармоқчи бўлишди, бироқ у эски хонадоннинг қайсидир бурчагига яшириниб олди. Кимдир ҳазиллашди: «Битта хонангни бериб қўя қол-да энди, Екатерина Ивановна, камайиб қолармидинг! Қайта тинчийсан-қўясан...»

Пировард оқибатда уй бекаси ётоқхона эшигини яхшилаб беркитиб, тўсиб ҳам қўйди. Қамалда қолган босқинчи бир неча кунгача озод қилишларини сўраб шундай дод солдики, кўрқувдан юраклар орқага тортиб кетарди, кейин ахирги нафаси ўчди. Ниҳоят, ётоқхона эшиги очилганда уни каравот устидан, ёстиқлар орасидан топишди. Дафн маросими қисқагина бўлди.

Урта аср француз қурувчилари ибодатхона қурилишида тўсинларнинг ҳар тўрттадан биттасини каштан дарахтидан тайёрлашган. Бу дарахтнинг ҳиди ўргимчакларни ўзидан узоқлаштиради ва ибодатхона ичиде уя қуришига йўл бермайди. Ҳозир Францияда каштан ҳидли аэрозоль ишлаб чиқарилмоқда. Бу уй бурчакларига уя қураётган ўргимчакларни йўқотишда қўл келади.

Вужудимизда аъзо ва тўқималар ишини гормонал усулда идора қилиш ер юзида узоқ вақт давом этган тад-рижий ривожланиш тўфайли қарор топган. Гормонлар ҳайвон ва одам вужудида эндокрин безлар деб атала-диган махсус аъзоларда ишланади ва қонга қуйилиб, бутун баданга тар-қалади.

Гормонлар жуда оз миқдорда: бир кеча-кундузда бир неча миллиграмм ёки ундан ҳам кам ишланиб, қондаги концентрацияси миллиграммнинг миллиондан бир улушини ташкил қилади. Шунга қарамай, улар вужуд-нинг ҳаёт фаолиятига — модда алма-шинув, ўсиш, руҳий ҳолатига катта таъсир кўрсатади.

Одам ва ҳайвон вужудида кўп хил гормонлар ишланиб, ўзига хос вази-фани бажаради. Уларни ишлаб чиқ-радиган эндокрин безлар ишнинг бузилиши ўзига хос ўзгаришларга олиб келади.

Эндокрин безлар маълум гормон-лар ишлаб чиқариб, у ёки бу аъзо ҳужайраларига «ҳаракат дастурини» йўллайди. Улар тирик мавжудотнинг хатти-ҳаракатини, хулқ-атворини идора этишда ҳам хизмат қилади. Тараққиётнинг энг пастки босқичдаги ҳайвонот дунёси вакилларида (қуш, балиқ ва ҳашарот) гормонлар улар-нинг бир-бирларига бўлган муноса-батларини аниқловчи восита вазифа-сини ўтаган.

Муносабатлар асосан феромон деб аталувчи модда тўфайли юзага келиб, у ҳайвонларнинг махсус ҳужайрала-рида ишланади. Феромонлар муло-қот гормонлари ҳисобланиб, бир тур ичиди у вакилдан бу вакилга ахборот

МУЛОҚОТ ГОРМОНЛАРИ

ташйди. Уларнинг хили кўп. Жинсий феромонлар икки хил жинс вакилла-рини учраштиради ва жинсий ҳаракат кўзғатади. Бундан ташқари хавотир-ланиш феромонлари, из, тўдаланиш, ҳудуд феромонлари ҳам мавжуд. Феромонлар ҳашарот ҳаётида муҳим вазифа бажаради. Тўдада катта-ки-чиклик тартибини, ҳар хил табақадаги ҳашаротларнинг савиясини ва фаол-лигини аниқлайди.

Жуда оз миқдордаги феромон ҳам фавкулудда зўр ҳидга эга. Агар гор-монни эшикни мустаҳкам беркитувчи қулф десак, феромон — унинг калити.

Ҳар хил жинс вакиллари ҳидни тур-лича сезадилар, шу сабабли бир фе-ромонга ҳар хил жавоб берадилар. Эркаклар билан аёлларнинг ҳид се-зиши бир хил эмас. Атир-упа ва ҳар хил крем тайёрлашда ҳид узоқ сақ-ланиши учун экзальтолид деган модда қўлланади. Физиологларнинг тасдиқ-лашича, аёллар бу ҳидни яхши сезади, эркаклар эса сезмайди, ҳатто бу модда қандай ҳид беришини умуман билмайди. Лекин эркакларга аёл жин-сий гормони юборилса, улар ҳам бундайин моддалар ҳидини сезадиган бўлиб қолади. Бунинг ёрқин далили шуки, қизлар ҳам балоғатга етмагунча

экзальтолид ҳидини сезмас экан.

Эркак ва урғочи ҳашарот феро-мони тўфайли бир-бирдан фарқ қи-ладиган ҳид тарқатади. Қизиғи шун-даки, бу ҳидни тарқатувчи феромон фақат ўз жуфтини жалб қилиб қол-масдан, балки она ари билан қўши-лишга ҳам ундайди.

Тўдалар ташкил бўлишида ва айрим аъзолар ўртасидаги муноса-батларнинг юзага келишида феро-монлар муҳим аҳамиятга эга. Айниқ-са, бу асалари оиласида яққол кўри-нади. Она асалари махсус гормон иш-лаб, уни боқиб турган ишчи асал-ариларга ўтказиб туради. Ишчи асал-арилар бу вақтда тинч яшаб, янги она асалари пайдо бўлишига йўл қўй-майди. Асалари оиласи катталашган сари она асалари ишлаётган гормон ҳамма ишчи асалариларга етмай қо-лади ва бу оиланинг бўлинишига ишора бўлади. Она асалари бир қисм асаларилар билан бошқа ёққа учиб кетади, қолганлари эса личинкаларини боқа бошлайди ва янги она асалари етилиб чиқади.

Феромонлар фақат ҳашарот ва ҳайвонларгагина хизмат қилиб қол-масдан, ҳатто одамларда ҳам беих-тиёр юзага келадиган хатти-ҳаракат-

ди. Сабзавот ва мевалар ҳар қанча фойда-ли бўлса ҳам ҳар қандай шароитда истеъ-мол қилиб бўлмайди. Баъзан фойдасидан зарари кўпроқ бўлиши мумкин.

Таъкидлаганимиздек, улар меъда шира-си ажралишини кучайтирганлиги боис меъ-да-ичак яра касаллиги даврида асло ейиш мумкин эмас. Меъда шираси кўпайиши билан кечадиган гастритда пиширилган ме-ва, сабзавотларни (айниқса аччиқ ва нор-донларини) истеъмол қилиш керак эмас. Жигар, ўт қоли ва буйрак хасталигида улар оғриқни кучайтиради холос.

Кўриниб турибдики, бир касаллиқни даволашда фойдали ҳисобланган сабзавот ёки мева айни пайтда бошқа бир хасталик-нинг кучайишига олиб келиши мумкин. Масалан, анжир юрак-томир система-си, бронхит, нафас йўллари яллиғланган-да ва сурункали қабзиятда фойдали бўл-са-да, қанд касаллигида, подагра, буйрак тош касаллигида тавсия этилмайди. Қон босими кўтарилганда, атеросклероз, ишта-ҳасизлик, қабзиятда апельсин, лимон ан-ча наф беради. Бироқ меъда ва ўн икки бармоқ ичак ярасида, гастритда, ингич-ка ва йўғон ичак яллиғланганда истеъмол этмаслик керак.

Кундалик овқатланишда истеъмол қили-надиган сабзавот, мева ва зирavorлар-нинг қайси касалликда фойдали ва қандай ҳолларда зарарли эканлиги тўғрисида кенгроқ маълумот бериш лозим. Бу мах-сулотлар одатда янги узилган, қуритил-ган, тузланган, сиркаланган, қовурилган, пиширилган ҳолларда ёки улардан тайёр-

КИМГА НИМА ШИФО

Ҳамид ХОЛМАТОВ,
Тошкент дорихунослик олий
билимгоҳи профессори

Игорь ХАРЛАМОВ,
доцент.

Калий тузи сабзавот, мева ва зирavorлар-ларда кўп бўлганлиги учун юрак касал-ликлариди анча фойдалидир. Улар тарки-бида ош тузи анча кам, демак уни қон босими касаллигида қанча кўп истеъмол этилса, шунча яхши. Шунингдек, С дармон-дориси етарли миқдордаги тўфайли атеросклероз хасталигида анча нафи тега-

Инсоннинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган асосий омиллардан бири сифатли озиқ-овқатдир. Аммо кўпчилик асосан гўшт ва гўшт маҳсулотлари (оқсил), хамир-ли таом (углеводлар) истеъмол қилиша-ди. Айни вақтда таркибида зарур био-логик фаол моддалар — витамин, фер-мент, органик кислота ва турли минерал моддалар бўлган сабзавот ҳамда ҳўл меваларга етарли эътибор бермайди. Улар организмга турлича таъсир кўрсата-ди. Шунинг учун овқатга хилма-хил саб-завот, кўкат ва зирavorлар ишлатилиши фойдалидир. Бу айниқса ёшларни, асосан ёш болаларнинг жисмоний жиҳатдан соғ-лом ривожланиши учун жуда муҳим.

Маълум ёшдан сўнг организмда доимий равишда бўлиб турадиган модда алмаши-нув жараёнининг жадаллашуви анча сусая-ди. Натижада уни кучайтириш ва маъ-лум тартибга солиш зарур бўлади.

Сабзавот ва мевалар овқатга ишлати-лиш жараёнида дори ўрнини боса ол-майди, аммо организмни зарур бўлган биологик фаол моддалар билан таъмин-лаб турли касалликлар олдини олади. Ов-қатга ишлатиладиган зирavor ва сабзавот-ларнинг энг муҳим аҳамияти органик кислоталар ва бошқа биологик моддалар етишмаслигидан келиб чиқувчи касаллик-лар олдини олишдир. Аммо фақат ҳўл мева ва зирavorлар билан овқатланса бў-лади деб фикр юрийтиш тўғри эмас, чун-ки улар қанчалик фойдали бўлмасин оқсил ва ёғ билан етарли даражада таъминлай олмайди.

ларнинг бошқарувчиси бўлиши мумкин. Америкалик гинекологлар ажойиб бир кузатиш олиб боришган. Коллеж ётоқхоналарида турадиган қизларнинг ҳайз кўриши ажабланишли даражада бир вақтда, яъни синхрон равишда ўтар экан. Мутахассисларнинг фикрича, бунинг заминида аёллар вужудида кечадиган физиологик жараёнларни идора этувчи феромонлар туради.

Гормонлардан чумолилар жуда фаол фойдаланади. Уларнинг эндокрин безлари кўп хил феромонлар ишлайди. Чунинчи, қизил чумолида махсус без бўлиб, у йўлни белгилаб қўювчи феромон ишлаб чиқарар экан. Шунинг учун улар чумолилар оламида йўлбошчи вазифасини бажаради. Қизил чумоли бу «белгиловчи» феромонни ерга суйкалиб юриб чиқарар ва шу йўсинда ишчи чумолиларга овқат йўналишини ёки янги ин қурилаётган жойни кўрсатиб бера олади. Лаборатория шаронтида қоғозда ана шу қизил чумолидан олинган феромон билан йўлакчалар намланиб «жин кўчалар» ясалганда, ишчи чумолилар шу ясама излардан ҳаракат қила бошлар экан.

Ҳар хил турдаги чумолилар синтез қилган феромонларнинг ҳиди бири-биридан кескин фарқланади. Лабораториядаги текширишларга кўра, чумолилар фақат ўзларига мансуб бўлган феромонларгагина жавоб берар экан.

Чумолилар «из феромон»ларидан ташқари, яна кўп биологик фаол моддалар ишлаб чиқаради. «Безовталаниш», «ҳаяжонланиш» феромонлари шу жумладан. Агар соқчи вазифасини

ўтаётган чумолини кўзғатсак, у «безовталаниш» феромонини ишлаб чиқиб, бир-икки дақиқада ҳамма индагиларни «оёққа турғизар» экан.

Ҳид сезиш чумолиларнинг ташқи жиҳатдан хабар олишининг ягона йўли бўлса керак. Ҳатто ўлган чумоли учун ҳам худди тирик ёки касал чумоли каби ғамхўрлик қилишаверади. Чумолининг кўриш аъзоси бир неча бўлақларга бўлинган, шунинг учун тўдадаги бирор бир бошқасининг ҳаракатсиз, ҳолсиз ётишини аввалига унча пайқамайди. Фақатгина 2—3 кундан сўнг ўлган чумоли махсус ўлим феромони ажрата бошлаганидан кейин, унинг жасадини ҳамқабилалари «мозорга» олиб бориб ташлайди. Агар тирик чумолига ўлим феромонидан суркаб қўйилса, қаршилик кўрсатишига қарамадсан бу чумолини бошқалари индан чиқариб ташлар эканлар. Тирик бўлгач, у албатта, яна орқага инга қайтиб келади, лекин уни яна чиқариб юборишди. Бу ҳол бечора чумолининг устидан ўша феромонни ёмғир ювиб юбормагунча давом этаверади.

Безовталаниш феромонлари балиқ ва бошқа ҳайвонларда ҳам ишланади. Жароҳатланган балиқ терисидан махсус гормон моддалар ажраб чиқади ва бошқа балиқларда чўчишни юзага келтиради. Чўчиш феромонлари балиқ терисида жойлашган колбасимон ҳужайраларда ишланади.

Ҳар бир тирик мавжудот ўз уйини қўриқлаш учун туғма ҳисга эга. Ҳайвонларда соқчилик вазифасини яна ўша феромонлар бажаради. Улар «турар жой феромонлари» деб аталади. Жумладан, кийикларнинг ва анти-



ҒАРОЙИБ МОДДАЛАР

лопаларнинг кўп турларида кўз коса олди бези ишлаб чиққан модда ҳидидан бошқа ҳайвонлар қочади. Шунинг учун кийик тумшугини ишқанган дарахт атрофига бошқа ҳайвонлар яқинлашмас экан.

Қисқичбақасимонларнинг ўзига хос вакиллари бўлган сув желудаларининг личинкалари сувда маълум вақт сузиб юргандан сўнг тошга ўрнашиб, «эшикли уй» ҳосил қилиши ва янги вужуд учун ривожланишни таъмин этиши керак. Лекин қандай қилиб у ўзига қулай жой топади! Бунинг учун улар кўчиб кетишдан олдин ўша ерда из феромонларини қолдириб кетади. Личинкаларда ҳид сезиш аъзолари бўлмайди, лекин сўнгги тадқиқот шунини кўрсатдики, уларда анча мураккаб текшириш қобилияти бор экан, у ҳам бўлса оқсиллардан тузилган феромон молекуласини «пайпаслаш» йўли.

Бунга ажабланимасдан бўладими?! Ахир ҳозир на физикларда, на кимёгарларда бундай сезгир асбоб йўқ. Бу бионика тараққиётини идора этишда эндокрин механизмларининг моҳиятини кўрсатувчи мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, гормонларнинг тирик табиатда бундай кенг тарқалганлиги уларнинг ҳаёт учун жуда муҳим бўлган кўп қиррали вазифасидан далолат беради.

Тўлқин БОБОЕВ,
биология фанлари доктори.
(Ўзбекистон ФА Биокимё илмгоҳи.)

ланган шарбат, шира ва бошқа кўринишларда истеъмол қилинади.

Куйидаги касалликларда истеъмол қилиш тавсия этилади:

Юрак касалликларида — анжир, қарам, картошка, олма, олхўри, наъматак, пиёз, помидор, қорағат (смородина), ловия, шафтоли, узум, ўрик, қовун;

Атеросклерозда — бақлажон, лимон, лавлаги, олма, олча, помидор, қорағат, сули, саримсоқ, пиёз, турп, редиска, шолғом, қовоқ;

Қон босими кўтарилганда — лимон, олча, саримсоқ, пиёз, қорағат, тарвуз, қовоқ.

Жигар ва ўт қопи касаллигида — бақлажон, лавлаги, олма, олхўри, қарам, сабзи, салат, сули, помидор, тарвуз, узум, қовоқ, қовун;

Буйрак ва сийдик йўллари касаллигида — бақлажон, лавлаги, қарам, картошка, бодринг, олма, помидор, тарвуз, сабзи, сули, олхўри, узум, қовоқ, қовун;

Қанд касаллигида — олма, қарам, пиёз, помидор, саримсоқ, пиёз, салат, исмалоқ, ловия, қовоқ, бодринг;

Камқонликда — анжир, бодом, ёнғоқ, олма, писта, сабзи, узум, ўрик, шафтоли; Бронхит, нафас йўллари ва бошқа ша-

моллаш касалликларида — анжир, хантал, лимон, малина, пиёз, редиска, салат, турп, шолғом, қорағат;

Сурункали қабзиятда — анжир, бақлажон, исмалоқ, картошка, лавлаги, лимон, олхўри, пиёз, редиска, салат, турп, шолғом, қовоқ;

Подагра касаллигида (меъда алмашуви натижасида юз берувчи касаллик) — бақлажон, бодринг, қарам, лавлаги, сули, тарвуз;

Тўлалikka (семиришга) мойилликда — бодринг, лимон, олма, помидор, салат, тарвуз, қовоқ;

Авитаминозларда — лимон, наъматак, пиёз, сабзи, салат, помидор, ер қалампир, шовул ва бошқа сабзавот ва мевалар, кўкатлар, қовоқ;

Иштаҳа йўқлигида ва меъда ширасида кислоталикнинг камайган ҳолларида — хантал, лимон, қарам, мурч, олча, пиёз, сабзи, саримсоқ, пиёз, қорағат, ер қалампир, қалампир;

Куйидаги касалликларда истеъмол қилмаслик керак:

Жигар ва ўт қопи ўткир тури касалликларида — хантал, мурч, пиёз, редиска, саримсоқ, пиёз, турп, ер қалампир, шолғом, қалампир;

Буйрак ва сийдик йўллари касалликларида — хантал, кўк нўхот, мош ва нўхот, мурч, пиёз, редиска, саримсоқ, пиёз, турп, ловия (нефрит — буйрак яллиғланганда) ер қалампир, қалампир;

Қанд касаллигида — картошка, лавлаги, олхўри, узум, ўрик, қовун, анжир;



СОҒЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ҳақлис

Мухаммад алайҳис саломнинг ҳаёти, фарзандли ва кўрсатишлари ҳақида ҳақлиқлар

**РАҲМЛИ ВА МЕҲРИБОН ТАНГРИ НОМИ БИЛАН
РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИССАЛОМ АЙТАДИЛАР:**

**34. Аллоҳ Таолога энг маҳбуб ва мақбул жой —
бу масжидлардир. Жойларнинг энг ёмони ва номақ-
були — бу бозорлардир.**

(МУСЛИМ, АҲМАД, ҲОКИМ ривоятлари.)

**35. Ўз ҳожат ва талабларини бошлиқларга етказ-
олмайдиган кишиларнинг ҳожат ва талабларини сиз-
лар етказинглар. Кимки шундай кишиларнинг ҳо-
жатларини подшоҳга етказса, қиёмат куни Аллоҳ
Таоло унинг оёқларини пулсирот кўприги узра собит
қадам қилур.**

(ТАБАРОНИЙ ривояти.)

**36. Аллоҳ Таоло қайтарган барча гуноҳ ишлар-
дан қайтинглар. Мабодо улардан бирортасини қилиб
қўйсангиз Аллоҳнинг пардаси билан яширининг ва
тавба қилинг. Ўз айбини ўзи ошкора қилиб қўйган ки-
шига Қуръон ҳукмини жорий қилиб жазо берурмиз.**

(ҲОКИМ, БАЙҲАҚИЙ ривоятлари.)

**37. Аллоҳ Таолога фарз ибодатлардан кейинги
энг мақбул иш-ўзидан бошқа мўмин-мусулмонлар
кўнглига хурсандлик солишлиқдир.**

(ТАБАРОНИЙ ривояти.)

**38. Авратингга ўз турмуш ўртоғинг ва жорияла-
рингдан бошқа кишиларнинг кўзи тушмасин. Одам-
лар кўп жойда ечиниш зарур бўлиб қолганда ҳам
иложи борича эҳтиёткорлик қил. Уйда ҳоли қолганда
ҳам Аллоҳдан ҳаё қилган ҳолда беузр очилиб-сочи-
либ ўтирма.**

(АҲМАД, ҲОКИМ, ИБН АДДИЙ ривоятлари.)

**39. Дунё бойлигидан кўнглини узсанг Аллоҳга
яқинлашурсан. Бировдан тамаъгирлик қилмасанг
одамларга яқинлашурсан.**

(ТАБАРОНИЙ, ҲОКИМ, БАЙҲАҚИЙ ривоятлари.)

**40. Фақирлик, қашшоқлик, зулм қилиш ва зулм
қилинишлиқдан сақла деб Аллоҳдан сўранглар.**

(ТАБАРОНИЙ ривояти.)

**41. Одамлардан турли нарсаларни сўрайвериб
уларга малоллик келтириб қўйманглар. Иложи бўл-
са, тиш тозалагич чўпни ҳам бировдан сўраманг.**

(ТАБАРОНИЙ, БАЙҲАҚИЙ ривоятлари.)

**42. Ҳар қандай уруш албатта ҳийла ва макриси
бўлмайди.**

(БУХОРИЙ, МУСЛИМ, АБУ ДОВУД ривоятлари.)

ИЗОҲЛАР

34-ҲАДИС: Бозорларнинг ёмон дейишларининг сабаби сотувчиларнинг рост гапирмасликлари, ёлғон қасам ичишлари, харидорларни алдашлари, худони эздан чиқариб қўйишлари каби номақбул ишлар ҳамма жойдан кўра ҳам бозорларда кўп учрайди. Тарози ва ўлчовдан уриб қолишнинг нақадар оғир гуноҳ эканлиги хусусида Қуръони каримнинг 83-сурасида баён қилинган.

35-ҲАДИС: Бу ҳадиси шариф айниқса ҳозирги бизнинг давримизга жуда мос тушади, чунки халқнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳукуматнинг юқори идораларига етказиш учун бизда халқ депутатлари сайланади. Демак, улар халқ номидан чиқиб тегишли раҳбарлик қилувчи идоралардан аҳолининг эҳтиёжларини битказишлик билан жуда катта хайрли ва савобли иш қилган бўлар эканлар.

36-ҲАДИС: Билиб-билмай қилиб қўйган гуноҳ ишини одамларга гапириб ошкора қилиш ўрнига тавба-тазарру қилиб Аллоҳдан кечирим сўрашлик зарур бўлади. Ўзининг жиноятини ўзи гапириб, гувоҳларни кўпайтириб қўйгандан кейин унга жазо бериш муқаррар бўлиб қолади. Акс ҳолда Аллоҳ кечириши умид қилинади. Бошқа бир ҳадисда айтилганидек, гуноҳ иш махфий қилинса, унинг зарари фақат эгасига, ошкора этилса оммага тегади.

39-ҲАДИС: Ислом таълимоти бўйича инсон бу дунёдан кўра охиратини, яъни у дунёнинг ғамини кўпроқ ейиши керак, чунки ҳақиқий ва абадий ҳаёт охиратда бўлгани учун бу фоний, беш кунлик дунё учун ўзини хор қилиб, тамаъгирлик, разиллик, дунёпарастлик ўрнига насиб этганига қаноат қилиб, қўлидан келганича охиратининг обод бўлиши учун интилишга даъват этилади.

40-ҲАДИС: Ўта фақирлик ва қашшоқлик инсоннинг ёмон йўлларга кириб кетишига, инсоний фазилатлардан узоқлашиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Ўзи ўта фақир-мискин эса-да, покиза, ҳалол яшаб, тақво ва тоат-ибодат билан ўтадиганлар камдан-кам бўлади. Дунёнинг кўп жойларидаги саводсизлик, маданиятсизлик ва қоқоқликнинг асосий манбаи моддий қашшоқлик эканлиги сир эмас. Шунинг учун Расулуллоҳ қашшоқликдан паноҳ сўраб, ўрта ҳол турмуш кечиришга тарғиб этганлар. Шу билан бирга бировга зулм қилишдан қанчалик қайтарсалар, ўзгаларнинг бизга зулм ўтказишига ҳам шунчалик йўл қўймаслигимиз зарурлигини ўқирадилар.

41-ҲАДИС: Қўшнилари ёки бошқалар бирор нарсани омонат сўраса, албатта, бериб туриш керак. Лекин ҳар бир инсон имкони борича ўзи мустақил ҳаёт кечиришга. Бошқалардан у ёки бу нарсаларни сўраб малол келтирмасликка ҳаракат қилиши зарур. «Қамчинг ерга тушиб кетса ҳам оддан тушиб ўзинг ол», дейилади бир ҳадиси шарифда.

42-ҲАДИС: Икки томон қўшинлари жанг қилаётган пайтда ёвнинг устидан ғолиб чиқиш учун унга панд бериш, сир бериш ўрнига унинг сирларини билиб олишга интилиш керак. Жаноб Расулуллоҳ алайҳиссалом душман билан қилинадиган жангда ҳам адолат ва инсонийликни қўлдан бой бермасликка буюрар эдилар. Асирларга шафқатли бўлиш, жангда аёлларни, кексаларни ва ёш болаларни қатл этмасликни тавсия қилар эдилар. Мазкур Ҳадис умумий қоида шаклида айтилган.

Таржимон, изоҳ ва дастхат
муаллифи Абдулазиз МАНСУР.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

محمد علیہ السلام ازلاد

۳۴ = اللہ تعالیٰ کہ اینک محبوب و مقبول
جای بومسجد لار دور . جای لارینگ اینک
یامانی و نامقبولی - بوبازار لار دور . (محم ک)
۳۵ = اوز حاجت و طلب لارینی بشلیق
لاگه میتکار آلامد یگان کشی لارینگ حاجت
طلب لارینی سیز لار میتکارینگ لار . کیمی کہ
شوندای کشی لارینگ حاجت لارینی پاشا بگا
بیتکارسه قیامت کونی اللہ تعالیٰ اونینگ
آیاقدارینی پل صراط کویرگی اوزره ثابت
قدم قیلور . (امام طبرانی روایتی)

۳۶ = اللہ تعالیٰ قایتارگان بر چه گناه
ایشلاردن قایتینگ لار . مباد اولادان
برازتہ سینی قیلیب قولسا نگیز اللہ نینگ
پروہ سی بیلان بیشیرینینگ و توبہ قیلیب ننگ
اوز عیبی نی اوری آشکارا قیلیب تو یگان
کشی کہ قرآن حکمینی جاری قیلیب جا
بیور منیز . (حاکم و بیہقی و اتیلانی)
۳۷ = اللہ تعالیٰ کہ فرض عبادت لاریدن
کسینگی اینک مقبول ایش اوزین باشقہ

مؤمن مسلمانار کونگلر کہ خرسند لیک
سالی شلیک دور . (طبرانی روایتی)
۳۸ = عورتینگ کہ اوز توموشون و اینک
وجاریہ لارینگدن باشقہ کشی لارینگ کوی
توشماسین . آدم لار کوب جا یہ یچینیش
ضرور بولایب قالگاندہ ہم علاجی باریچہ
استیاطا لیک قیل . اویدہ خالی قالگاندہ
ہم اللہ دن میا قیلگان حالده بی عنده
آپیلیب ساطیلیب و تیرمه . (حم ک عد)
۳۹ = نیا بایلی دن کہ گلن اوز سانگ
اللہ کہ یقیندا شومزن . بیاودن شملیک لیک
قیام سانگ آدم لار کہ یقیندا شومزن (طب ک)
۴۰ = آدم لاردن توری نرسہ لارنی سواری
ویریب اولار کہ اللہ لیک کیلیتیرب تو جانگ
لار . علاجی بولسہ تیش تازا لایچ چوچی
ہم بیاودن سو امانگ (طب حب)
۴۱ = فقیر لیک ، قشا قلیک ، ظلم قیلش
و ظلم قیلینیش لیکدن ساقلمہ دیب اللہ دن
سو امانگ لار . (طبرانی روایتی)
۴۲ = اوزوش البتہ حیلہ و مکر سیز
بولما یست . (ق ، ابو داود)



Елқин ТЎРАҚУЛОВ, Ўзбекистон Эндокринология илмгоҳининг директори, ЎзФА академиги, Ленин мукофоти совриндори.

1-савол: Сиз 1976—1988 йилларда «Фан ва турмуш»га бош муҳаррирлик қилган эдингиз. Кечаги ойнома билан бугунгисини қиёслаганда умуман қандай ўзгаришлар бор?

2-савол: Ойномани келгусида муштарийларга янада манзур қилиш учун қандай таклифлар киритишни истасиз?

3-савол: Ойномадаги тиббиёт ва халқ табибига оид мақолалар ҳақида бевосита ҳайъат аъзоси сифатидаги фикрингиз!

Ойномани тайёрлашда таҳрир ҳайъати мўътабар аъзолари асосий ишларидан вақт топиб, соҳалари бўйича мақолаларни ўқиб чиқиб, маслаҳатлар беради. Ойнома фаолияти ҳақидаги муло-

ҳазалари ҳам кўпчилик муштарийларни қизиқтириши табиий, албатта. Қуйида фаол аъзоларнинг бу борадаги жавоблари билан танишасиз. Келгуси сонларда ҳам мулоқот давом этади.

1. Журнал вазифаси жаҳон фундаментал фанларида эришилган асосий янгиликлар, фан ва техника прогресси йўналишлари, уларнинг турмушга татбиқи ва истиқболи ҳақида тўла қимматли маълумотларни оммабоп шаклда етказиш, деб тушуниб, ушбу ғояга хизмат қилганман. Шунинг билан бирга, жумҳуриятимиз ва, биринчи навбатда, Ўзбекистон ФА институтлари, айрим олимлар, лабораторияларда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, эришилган ютуқлар ва уларни турмушга татбиқи ҳақида жиддий ва мазмунли информация бериб туриш мақсад қилиб қўйилган эди. Кўп йиллар журнал бу вазифани яхши бажаришга интилди ва тўла бўлмаса ҳам, ўз мақсадига эришиб келди. Журналнинг ҳар бир сониди битта-иккита фан муаммоларига тегишли йирик мақолалар босиб чиқариб келинди. Буни журналнинг аввалги йилларда чоп этилган сонларини варақлаб кўриш мумкин. Кейинги йилларда, бахтга қарши, фан масалалари журнал саҳифасида тобора кам ўрин олиб, фан проблемалари бўйича йирик мақолалар босилаётгани йўқ.

2—3. Кейинги бир неча йил давомида «Фан ва турмуш»нинг йўналиши кескин ўзгариб, унинг саҳифаларида асосий ўрини Ўзбекистон, Туркистон ўлкасининг ўрта аср ва янги тарихига боғланган, субъектив рангда бу даврни тасвирлайдиган мақолалар эгалламоқда; ўзбек халқининг йўқолиб кетаётган миллий урфу одатларини тиклаш ва обунчиларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида материалистик дунёқараш ва, уму-

ман, фанга хилоф диний таълимот ва амалиётни тарғиб қиладиган мақолалар кўп босилмоқда. Мунтазам равишда олди-қочди хабарлар, ҳадислар, мистик воқеалар, халқ медицинаси номи билан шарлатанларнинг тахсис қилиш [ташхис, яъни диагноз дейилмоқчи — Ред.] ва даволаш усуллари танқидий назарсиз чоп этилмоқда. Унинг саҳифаларида араб графикаси ва араб тилини ўргатишга кенг ўрин берилмоқда. Бунга ишониш учун журналнинг 1989, 1990 ва 1991 йиллардаги 3 та сонини кўздан кечириш етарли. Хуллас, журнал на фан муаммолари, академия институтларининг ютуқлари, на турмушда фан-техника янгиликларини жорий қилиш самараларини халққа етказиш вазифасини бажараётгани йўқ. Журналнинг йўналиши, тематикаси тамомилан бошқа тус олди. Бу ҳолда журнал обунаси қанча кўпаймасин [ҳозир редакциянинг асосий аргументи шу бўлиб қолди-ку!], ўз вазифасини бажара олмайди. Журнал «Фан ва турмуш» номида қолса, унинг саҳифаларида фундаментал фанлар, табиатшунослик, экология, иқтисодиёт, фалсафа, замонавий техника ютуқлари, муаммолари, ЎзФА институтларида жорий қилинган тадқиқотларнинг халқимиз турмушига, жумҳурият иқтисодига таъсири, айрим талантли ёш ва йирик олимларнинг ижоди асосий ўринни эгаллаши керак. Ҳар бир мистик, диний, фанга зид олди-қочди хабарлар, янги даволаш диагностикасига оид даъволарга мутахассисларнинг фикри илова қилиниши зарур.

БОЙ БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТ

Орзумурод РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Самарқанд Давлат дорилфунунининг жуғрофия
куллиёти доценти.

Москвада аспирантурада ўқиб юрган кезларим илмий раҳбарим, дунёга таниқли профессор Н. А. Солнцев билан унинг дала ҳовлисида узоқ суҳбатлар қилар эдик. Шунда, у киши бир неча марта, ёппасига саводсизлик ҳукм сурган, фан-техника ривож топмаган ўрта асрларда илм билан шуғулланиш ниҳоятда мушкул бўлган даврда, Урта Осиёдан буюк олимлар қандай қилиб етишди экан, дея савол ташлаган эди. Очиги, мен берган жавобларим профессорни қониқтирмас эди. Бундан бир неча йил илгари АҚШнинг аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси бошлиғи Самарқандга келди. У Улуғбек расадхона-

сини кўриб ўз таассуротларини баён этди: «Биз ҳозир самога учаяпмиз, сайёралараро учиниши режалаштиряпмиз, булар ҳозирги фан ва техниканинг қудрати билан амалга оширилаётир. Урта асрларда, фан соҳасида Мирзо Улуғбек амалга оширган ишлар олдида мен ўзимни ожиз сезаман, бизнинг ишларимиз ҳеч нарсага арзимасдек туюлади, бундай фан фидойиларига қанча сажда қилсанг ҳам оз.» «Ҳа, Урта Осиё заминиди дунёга донғи кетган машҳур мутафаккирлар, алломалар, шоирлар етишиб чиқди. Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Фаробий, Мирзо Улуғбек, Мухаммад Бобур, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Абу

Абдулло Рудакий, Хўжа Аҳмад Яссавий ва яна ўнлаб алломалар. Мен бу ерда БМТнинг ЮНЕСКО бўлимида номлари алоҳида қайд этилган буюк шахсларни санаб ўтдим. Илмий асарлари ўрганилиб, хизматлари тўлиқ аниқланса, бу рўйхатга яна янги номлар қўшилиши шубҳасиз, чунки кўпчилик ватандош алломаларимизнинг илмий, маданий мерослари ҳали етарлича ўрганилгани йўқ. Масалан, ватандошимиз Абу Исо Мухаммад ибн Исо ат-Термизий шу қадар буюк эканлиги кўпчиликка яқиндагина маълум бўлди. Худди шундай, Имом Бухорийнинг бутун ислом оламида машҳур эканлиги ҳам 1984 йили ўтказилган 1200 йиллик тўйдан кейин

БУГУН, ЭРТАГА

1. «Фан ва турмуш» ойномаси нафақат аҳли илм ва зиёлининг, балки оддий меҳнаткашнинг ҳам, қўйингчи, барча ўзбекнинг суюкли нашри бўлиб қолган. Ойнома айниқса кейинги икки-уч йил ичида қамровининг кенглиги, ҳаётга, халққа яқинлиги, ўзбекнинг кечмиши, келажаги ҳусусида меҳнаткаш халқ билан бир сафда туриб қайғураётганлиги муштарийларнинг меҳр-муҳаббати, ҳурмати ва эътиборини қозонди. «Фан ва турмуш» энди исми жисмига монандлашиб келяпти. Ахир номининг бир бўлагини илм-фан ташкил этса, иккинчи бўлагини ҳаёт, халқнинг турмуши ташкил этади-ку! Узингиз ўйлаб кўринг, ахир фақат фан-техника билан машғул бўлиб, халқнинг тарихи, маданияти, урф-одати ва маънавий қадриятларини ҳаспўшлаб ўтадиган ойнома кимга керак бўлар эди?

Яна бир гап. Фан ҳам, техника ҳам инсоннинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ. Бошқачароқ қилиб айтганда, фанни ҳам, техникани ҳам одам яратади. Шундай бўлгач, инсондек улуғ яратувчилик қудратига эга бўлган катта кучни эътибордан четда қолдириб, фақат инсон меҳнатининг самарасинигина эътиборга олиш тўғри бўлармикан? Йўқ, бундай қилиб бўлмайди.

Фикримча, «Фан ва турмуш» тўғри йўлдан бориб, фан-техника ютуқлари билан бир қаторда тарихга, халқимизнинг маънавий қадриятларини тиклаш масаласига ҳам озми-кўпми эътибор бериб келяпти.

2. Туркистон ўлкалари подшоҳ Россияси тарафидан босиб олинган (XIX асрнинг 60-йиллари)дан кейин, айниқса кейинги етмиш йил ичида кўп қадриятларимиздан ажралиб, моддий тарафдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам қашшоқ бўлиб қолдик. Бизлар ернинг

билинди. Мазкур соҳада яна бир забардаст олим Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Дарёмий ас-Самарқандийнинг номи эса жуда озчиликка маълум, холос. Шунинг учун ҳам уларнинг ишлари, хизматларини янада чуқурроқ ўрганиб, оммаини таништиришимиз керак. Бу биз, мутахассис олимларнинг бурчидир. Бунинг эътиборини сабаби шундаки, марказдаги баъзи мутахассислар ўрта осиелик олимлар ҳақида нотўғри маълумотлар беради. Масалан, профессор А.В. Гедиминнинг «Картография» дарслигида дунё харитасини тузишда глобуляр проекцияни биринчи бўлиб араб олими Абу Райҳон Беруний ишлаб чиқди, дейилади. Бу москвалик олим Берунийнинг Хоразмда туғилганини яхши била туриб, минглаб толиблар ўқийдиган қўлланмада хатога йўл қўяди. Умуман, билиб-билмай, менсимай, журттага ёзадиганлар оз эмас. Биз шундайлардан ҳақиқатни ҳимоя қилишимиз ва уларнинг нотўғри маълумотларидан ўқувчиларни огоҳ этишимиз керак.

Ҳозирги кунда жумҳуриятимизда фаннинг турли тармоқлари бўйича 39555 киши ишламоқда, шулардан 1440 нафари фан докторлари, 16679

остини ҳам, устини ҳам ағдар-тўнтар қилдик, аёвсиз таладик, лекин бечора халқнинг қорнини тўйдириб, устини бут қилолмадик; имломизни, ёзувимизни ҳадеб ўзгартиравериб чаласавод бўлиб қолдик, ота-боболар минг йиллар мобайнида яратган илмий ва маданий меросимиздан ажралиб қолдик. Ёшлар орасида ахлоқий тарбияни камолга етказадиган иш тутишимиз лозим. Шунинг учун ҳам «Фан ва турмуш» саҳифаларида мураккаб инсоний тақдирлар, муаммолар ҳақидаги, маънавий қадриятларимизни қайтариб олишга ёрдам берадиган мақолаларни чоп этиш зарур, деб ҳисоблайман. Айниқса одамларни адлу инсоф ва тўғриликка қақирадиган, ёмон йўлдан қайтарадиган мақолалар ҳам ойнома саҳифаларидан ўрин олиши зарур. Бундай мақолалар Қуръон ва Ҳадислар, панднома ва тарихий асарлар асосида ёзилгани мақсадга мувофиқдир.

3. Ўзбекларнинг тарихи ҳам қадимий. Археологик ашёлар ва қўлёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, биз, ўзбеклар ҳам кўп минг йиллик тарихга эгамиз. Урта Осиелик, шунингдек ўзбекистонлик олимлар ёзиб қолдирган ва илм-фаннинг деярли барча соҳаларини ўз ичига олган қўлёзма ва тошбосма асарлар бутун дунёдаги йирик кутубхоналар кўрки бўлиб турибди. Олимларимиз, шоирларимизнинг жаҳон илми ва маданиятига қўшган ва қўшаётган ҳиссаси катта ва буни ҳеч ким инкор этмаса керак. Шунинг учун ҳам «Фан ва турмуш» ойномаси қадимий тарихимизнинг номаълум ва кам ўрганилган масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериши ва ўз саҳифаларида тарих ва маданий мерос масалаларига бағишланган мақолаларни ҳам чоп этиб турса нур устига аъло нур бўлур эди. Тарихимизни ўрганмай ва яхши билмай туриб, ўтмишимизни тушунолмаймиз. Ўтмишни тушунолмай туриб, бугуннинг қадрига етолмаймиз.

нафари фан номзодларидир. Шунинг учун керакки, 20 миллион нуфусли диёримиз илмий даражали кадрлар сони бўйича Иттифоқда деярли охириги ўринда. Масалан, аҳолиси 4 миллионлик Грузияда фан докторлари биздан кўпроқ, яъни 1500 кишидан ортиқ. Фан докторларининг ўртача ёши бизда 60 лар атрофида, 35 ёшгача бўлган докторлар сони ҳаммаси бўлиб 5 киши. Москва, Ленинград, Киев ва яна баъзи йирик шаҳарларда, илмий муассасаларда ўнларча ёш фан докторлари ишламоқда. Етук илмий ходимлар қанча ёш бўлса, уларнинг халқ хўжалигига келтирадиган фойдаси шунча кўп бўлиши аён.

Жумҳуриятимизда фан номзодларининг ўртача ёши 46 га тенг. Академикларимизнинг 60 фоизи пенсия ёшидан ўтган. Айрим истиснолик ва янги фан соҳалари бўйича бизда йирик мутахассислар етишмайди, баъзи бир муаммолар соҳалар бўйича илмий мактаблар ташкил қилинмаган ҳам. Тез ривожланиб бораётган долзарб фан соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш эса етарли эмас.

Масалан, ҳар 1000 та илмий даражага эга бўлган ходимнинг 104 таси тарихчи, 101 таси тилшунос ва ада-



Бўри АХМЕДОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси,
Шарқшунослик
илмгоҳининг
етакчи илмий ходими.

1-савол: Яқинда тасдиқланган янги таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида ойноманинг илгариги ва сўнгги йиллардаги фаолиятига қандай баҳо берасиз?

2-савол: «ФТ»нинг бугунги вазифасини нималардан иборат деб биласиз?

3-савол: Тарихчи олим сифатида ойномада Ўзбекистон тарихининг ёритилиши бўйича қисқача мулоҳазаларингиз.

биётшунос, фақат 16 тасигина техника фанлари билан шугулланади. Йирик sanoat корхоналарида етук мутахассислар орасида маҳаллий миллат вакиллари жуда кам. Мутахассисларгина эмас, малакали ишчилар ҳам етишмайди. Масалан, Тошкентдаги улкан тайёрасозлик заводи ишчиларининг фақатгина 20 фоизига яқинини маҳаллий миллат вакиллари ташкил қилади. Бошқа йирик корхоналарда ҳам аҳвол шу. Бунинг сабаби ўрта мактабларни битириб чиқаётган ёшларимиз ҳозирги замон техникаси билан муомала қиладиган даражада қобилият касб эта олмаётганидир.

Ҳозир биз интеллектуал имкониятларимиздан жуда кам фойдаланаярмиз. Минглаб, ўн минглаб истеъдодли йигит-қизларимиз ўзларининг билимлари қамровини кенгайтириш имкониятига эга эмас. Бунинг учун етарлича шароит яратилмаган. Буларни ўйлаб ҳайрон қолсан. Аҳолиси 3—4 миллионли Грузия ва Арманистондан дунё чемпионлари, ўнлаб гроссмейстрлар, бизга нисбатан 4—5 марта кўп академиклар етишиб чиқсаю, теран тарихга ва қадимий маданиятга эга халқимиз орқада судралиб қолаверса. Бунинг сабаблари кўп.

МУҲАББАТ ВА ОИЛА

«Эрақ ва аёл — деганди итальян адиби Жуззеппе Мадзини,— бамисоли икки майин товушки, инсон қалбидаги торлар уларсиз ҳақиқий ва тўлақонли оҳанг беролмайди». Оилани мустаҳкамлашда эр-хотинлар ўртасидаги муносабатлар мавзуи азалийдир. Оилани мустаҳкамлайдиган пойдевор улар ўртасидаги муҳаббат билан боғлиқлиги сир эмас. Муҳаббат билан қурилган оилалар нафақат мустаҳкам, айна вақтда бахтлидир. Чин муҳаббат киши қалбини гўзаллаштиради, маънавий ва ахлоқий покликка ўргатади. Севги, муҳаббат инсонни юксалликка кўтаради, қалбни эзгу ҳиссиётга тўлдиради, серфазилат қилади. Буюк шоир, ҳазрат Навоий айтганларидек:

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки жон бўлмасун.
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Ҳусни нетсун кишиким они йўқ.

Аммо, турмуш қуриш тасаввурдан воқеликка айланганда кишилик ҳаётининг қаҳратон изғиринлари, шиддатли довуллари, яъни синовларидан руҳан соғлом чиқмоқ ҳам бор. Икки ёш турмуш қуриб, эр-хотин бўлиб, янги оилани кашф этаркан, бу йўлда ўзлари илк бор қадам ташлашади. Турмуш чорраҳаларидаги қийинчиликларни ақл-фаросат, интилиш, чидам, вазминлик, атрофга зийраклик билан қараш орқали енгиш лозим бўлади.

Ёш оиланинг ҳаёт денгизида манзил томон раван сузиши учун инсоният томонидан яратилган бой тафаккур хазинаси, қолаверса, тажрибали қарияларимизнинг ҳаётий ўғитлари асқотади.

Аммо орамизда «тўқликка шўхлик» қабилда иш тувчилар ҳам учрайди. Улар одатда турмуш қийинчиликларидан холи муҳитда ўсиб, меҳнатсиз топилган мўмай бойликдан, текин даромаддан босар-тусарини билмай қолган кимсалардир. Уларнинг кўзини сеvgи-муҳаббат эмас, аксинча бойлик пардалари қоплаб олган. Бундай кимсалар пок муҳаббатни таҳқирлайди, Муқаддас оилани заволга учратади. Эзгу ният билан севиб-севилиш орзусида, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишни ҳавас қилиб бир

ёстиққа бош қўйган не-не соҳибжамолларни зор қақшатиб, навниҳол ёшда бева қолдирадилар. Умидларини пучга чиқарадилар. Дунёда энг олий зот инсоннинг покиза дилини мажруҳ қиладилар. Ўз муҳаббатини, қалб кўрнини, меҳрини, бутун бор-йўғини баҳшида этган аёл қалбини бир умрга яралайдилар. Одам учун ўлим бир келса, қалби яраланган аёл эса ҳар кунни бир неча мартадан ўлади.

Қонунларда инobatга олинмайдиган бундай қалб ўғрилари орамизда оз эмас. Давлатнинг бир сўмини ўғирлаган киши жазосиз қолмайди. Аммо бебаҳо инсон қалби топталса, таҳқирланса, айбдорни ким жазога тортади? Масаланинг маънавий, ахлоқий томонларига эътибор берсак, бу савол негиздаги мантиқ англашилади.

Бир мисол. Фуломжон ҳам севиб Жамила билан бир ёстиққа бош қўйди. Ҳаёти ширин, турмуши мазмунли ўта бошлади. Уларнинг бахтли турмушига ширин-шакар фарзандлар файз киритди. Оилага кут-барака, обрў ҳам кириб кела бошлади. Хуллас, ҳамма нарса етарли. Ҳар иккала ёш олий маълумотли, бири бухгалтер, иккинчиси ўқитувчи. Ушбу оила худди рисоладагидек, ҳар томонлама етук, бошқалар орзу ҳавас қиладигандек эди. Бироқ бу бахтли оила бузилди. Ёшгина жувон бева, ширин-шакар фарзандлар тирик етим, ота дийдорига зор, ота меҳрига интиқ қолди. Хўш, нима бўлди ўзи? Фуломжон аввал уйга кечикиб келадиган бўлиб қолди. Бунга ҳисоботларни, комиссия келганлигини ваҳ қилиб кўрсатди. Фуломжоннинг иш жойи марказда уйдан 10—12 километр узоқда эди, бир кунни ҳатто Фуломжон тунда уйга келмади. Жамила тишини тишига қўйиб, чурқ этмади. Лекин Фуломжон уни алдаётганини сезаётган эди. Болаларини, уйини ўйлаб турли андишаларга борди. Фуломжонни ҳафа қилиб қўймасмиканман деган ўйга бориб, ҳеч нима билмаганга олди ўзини. Аввало, нима дейишни, гапни нимадан бошлашни билмасдан гангиб қолди. Кимдан маслаҳат сўрашни ҳам билмади. Ўз ёғига ўзи қовурилди. Жамилада ички туғён жўш ураётган эди. Икки-уч кундан кейин яна у кечикиб келди. Бунга энди чидай олмаган Жамила Фуломжон келгандан кейин ҳамма гапни тўкиб солди. Эрини инсофга чақирди.

Лекин уларнинг энг салмоқлиги жумҳуриятимиздаги иқтисодий ночорлик, етишмовчиликдир. Илм соҳиби, санъатшунос, маҳоратли спортчи ва бошқа турли соҳаларнинг истеъдодли вакиллари эртаю кеч ўз устида тинимсиз, узлуксиз ишлаши керак, шундагина у мақсадига эриша олади. Таассуфки, мавжуд иқтисодий камчиликлар уларнинг фикрини чалғитади, интилишини чеклайди, орқалга тортади, натижада ёшлар ўз қобилият ва имкониятини тўлиқ юзага чиқаролмайди.

Келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, усти юпун, қорни оч киши, эртаю кеч фақат яшашни ўйлайди, уни на фан, на санъат, на мусиқа, на маданий ҳордиқ чиқариш ва на сайру саёҳат — ҳеч нарса қизиқтирмайди. Зеро, иқтисод тушунчаси белгилувчи асосий омилдир. Жумҳуриятимизнинг иқтисодий ночорлиги миллионлаб истеъдодли ёшларимизнинг йўлига ғов солмоқда. Агарда вазиятни ўзгартириш учун қатъий ҳаракат бошламасак, биз қолюқлик кишанидан халос бўлолмаймиз ва юқоридан бериладиган ҳукми ижро этувчи заҳматкаш бўлиб қолаверамиз.

Жумҳуриятимиздаги интеллектуал имкониятдан яхши фойдаланилмайёт-

ганлигининг иккинчи сабаби, шароитнинг етарли эмаслиги ва қобилиятли ёшларни тезда аниқлаб, уларга кенг йўл очиб берилмаётганлигидир. Ҳозир ёшлар орасида илмга интилиш жуда пасайган. Чунки ёшлар атрофларига қараб ҳукм чиқаришади: фан билан шугулланувчиларга нисбатан енгил-елпи йўл билан пул топувчилар анча яхши яшаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Олий таълим ва фанга ажратиладиган маблағ ҳам жуда оз. Масалан, АҚШ олий ўқув юрларида битта талабани тайёрлаш учун биздагига нисбатан 6,4, Англияда 4,8, Японияда 4,7 марта кўп маблағ сарфланади, Иттифоқимизда халқ таълими учун сарфланадиган маблағ миқдори миллий даромаднинг 5,5 фоизини (1988 й.) ташкил қилади, АҚШда эса 12,2 фоиз, Олмонияда 12,1 фоиздир. Бу кўрсаткичлар жумҳуриятимизда янада паст даражада.

Мен жумҳуриятимизнинг интеллектуал имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ва шу асосда илмий ходимлар, мутахассислар, техника соҳасидаги малакали ишчилар армиясини қобилиятли ёшлар ҳисобига узлуксиз тўлдириб туриш ва истиқболли ёш-

ларнинг истеъдодини янада ривожлантиришга имкониятлар яратиш бўйича баъзи фикрларни айтмоқчимиз.

Энг аввало, мактабларда ўқувчиларнинг билим савиясини ялписига кўтариш бўйича барча тадбирларни кўришимиз зарур. Маълумки, ҳозирги пайтда қишлоқ мактабларининг деярли ҳаммасида ўқувчиларнинг билим даражаси, умумий фикрлаш доираси шаҳарлардаги рус тилида дарс олиб борилаётган мактаблардан 2—3 марта, Москва, Ленинград, Киев ва бошқа йирик шаҳарлар мактабларидан эса 4—5 марта орқанда. Бу қолюқлик «масофасини» босиб ўтиб, илғор мактабларга етиб олиш, ўқиш ва ўқитиш жараёнида жуда катта, баъзан тубдан ўзгартиришларни талаб қилади. Булар бир-икки йилда тузатиладиган осон ишлардан эмас албатта. Гарчи биз тўғри йўлларини топганимизда ҳам, бунинг учун ўнлаб йиллар керак бўлади. Шу йилларни кутмасдан, вақтни бой бермай, бор имкониятларни ишга солиб мактабларда умумий саводхонлики кўтариб бориш керак. Бунинг учун худди ривожланган мамлакатлардагидек рақобатлашиш усулларини жорий қилиш лозим. Рақобатлашиш ўқувчилар ўр-

Муҳаббатини, унга бўлган ҳурматини, оиласини поймол қилмасликни илтимос қилди. Аммо Фуломжон ёлғон-яшиқ гаплар билан ўзини оқламоқчи бўлди. «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деганларидек, Фуломжоннинг юриш-туриши тезда маҳалла-кўй тилига тушиб қолди. Хуллас, иш судгача бориб тақалди. Суд ҳукми билан ажрим қилинди. Фуломжон илгари «дон олишиб» юрган ҳамшира қиз Комилага уйланди. Вассалом, гап тамом. Қандай силлиғ-а? Турмуш, оила, ёр, фарзанд Фулом учун бамисоли ўйинчоқ! Йўқ, дўстларим ҳаёт ўйинчоқ эмас, шошманг яхшилар, «олдини бердиси» ҳам бор экан. Ушбу гулдек оила хирсий нафс балосининг қурбони бўлиб, сўлиб расво бўлди. Расво эмас, охири аянчли бўлди. Фулом автомобиль ҳалокатига учраб, бир оёғидан айрилди.

Фуломнинг аянчли аҳволини ҳар ким ҳар хил изоҳлади. Биров, «болаларнинг уволига қолди», баъзилар «кўз тегди» деди, бошқалар «Жамиланинг кўз-ёши урди» деб баҳолади. Лекин Фулом севгисига, оиласига, эр-хотинлик бурчига хиёнат қилмаганда эди, бунчалик афгор бўлмаган бўларди. Балки аварияга учрамаган бўларди, ҳа, борингки, аварияга учраган тақдирда ҳам севимли рафиқаси, азиз фарзандлари дардига малҳам бўлмасмиди? Уларнинг эъзозидан азоблари енгил кўчмасмиди?

Комилага нима бўлди? Унга пулдор Фуломжон керак эди. Авариядан сўнг бир-икки касалхонага борган бўлди. Қарасаки иш чўзиладиган, ҳали-бери соғаймайдиганга ўхшайди, қолаверса бир оёқли эр Комилага жуда ғалати, эриш туюлди. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган. Фуломжон бўлса энди тамом. Шундай фикр билан хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, кўлга илинадиган нарсаларни ўмариб жўнаб қолди.

Мана, йиллар ортидан йиллар қувиб ўтди. Яқинда иш юзасидан Фуломжон ака яшаётган томонда бўлишга тўғри келди. Эскидан таниш бўлганлигимиз сабабли ишдан кейин бир кўриб кўнгил сўраб чиқиш учун кириб ўтдим. Қаршимда ўз ёшидан 10—15 ёш қари кўринишдаги мажруҳ киши жовдираб турарди. Изтироблар ўз изини қолдирган, сочи оппоқ, юзлари ажин босган, озиб-тўзиб муштумдек бўлиб қолибди. Зўрға танидим. Бейхитёр 10 йиллар чамаси олдинги Фулом аканинг юриш-туриши кўз ўнгимдан ўтди.

Тўғри, ҳозирги замонда ҳеч ким оч қолмайди. Қолаверса, давлат майиб-мажруҳлиги учун тузук нафақа тўлайди. Қариндошлари ҳам доим хабардор, яъни Фулом аканинг ўсти бут, қорни тўқ, бошпанаси ҳам бор. Бироқ маюслиги,

тасида ҳам, мактаблар ўртасида ҳам ташкил қилинса айни муддао бўларди. Чунончи, «ўқувчиларнинг ўз хоҳиши» синаб кўрилиши мумкин. Маълумки, ҳар бир ўрта мактабда кўп фанлар бўйича бир нечтадан ўқитувчилар бор. Ўқувчи ўз хоҳиши билан ёки талаб қилиб, хоҳлаган ўқитувчисининг дарсига кирса, шунда албатта яхши дарс берадиган ўқитувчига талаб ошади, ёмон дарс берадиган ўқитувчининг эса ўқувчилари камайиб қолади. Ўқитувчининг маоши ҳам ўқувчиларнинг кўп-озлигига қараб белгиланади. Агар шу иш амалга оширилса ўқитувчиларни аттестация қилиш, дарсига кириб таҳлил қилиш ишлари кескин камаяди, ўқитувчилар ўз ўзидан сараланиб қолади. Ўқитувчилар ўртасида рақобат пайдо бўлгач, ҳар бир муаллим яхши тайёрланиб, яхши билим беришга интилади. Шу тариқа мактабларда билим бериш жонланади. Худди шунингдек, мактаблар ўртасида ҳам рақобатни ташкил қилиш мумкин. Шаҳар ва йирик қишлоқларда ўқувчиларнинг қайси мактабга бориши яшаш жойининг яқинлигига эмас, ўзи хоҳлаган мактабни танлаш қондасига асосланиши ке-

рак. Шунда яхши мактабларга талаб кучайиб боради. Албатта кучли мактаблар тонфаси юқори бўлиб, ўқитувчиларнинг маоши ҳам шунга боғлиқ равишда тайинланади.

Санъат соҳасида истеъдодли ёшлар тезда аниқланиб, уларни йирик мутахассислар ўз ҳимоясига олишади. Мактабларда эса бу иш жуда орқада. Шунинг учун ҳам жуда кўп истеъдодли ўқувчиларимиз ўз қобилиятларини рўёбга чиқара олмаётирлар. Бу ишни йўлга солиш учун ҳамма мактаблардаги қобилиятли ва талантли ўқувчиларни аниқлаб, уларга қизиқадиган соҳалар бўйича билим беришни кучайтириш керак. Бунинг учун ҳар бир ноҳияда алоҳида фан йўналиши бўйича (математика, физика, кимё, биология, чет тиллари ва ҳоказо) махсус мактаблар сонини кескин кўпайтириш зарур. Шулар ичидан эса ўта қобилиятлилари сараланиб улар учун махсус мактаб-интернат ташкил қилиш ҳам керак. Ҳозир бу соҳада баъзи ишлар қилинаёттир, лекин улар давр талабига жавоб беролмайди. Масалан, аҳолиси 400 мингга яқин Самарқанд шаҳрида махсус йўналишда билим берадиган 3 та ёки 4 та мактаб бор. Ноҳияларда эса

ички изтиробидан нималардир етишмаётгани сезиларди. Айниқса, бир саволим Фулом аканинг эски ярасини янгилаб юборди. «Болаларингиз ҳам келиб турадимми?» деганимда ўзини тутиб турган экан, хўнграб йиғлаб юборди, жижика кўз ёши билан жавоб берди: «Мен наоқибат отани нима қилади? Ҳаммасига ўзим сабабчиман! Ҳали, бу ҳам кам менга. Мени оёғим эмас, мана бу кўлларим узилиб тушса ҳам кам!!! Кўзларим қанийди кўрмас бўлиб қолса!!! Қулоқларим қар бўлса кошқийди!!! Мен ношукурлик қилдим, дунёдаги энг пасткаш одамман. Мен ўз бахтимга ўзим тупурдим. Ўзим оёқ ости қилдим. Хотинимнинг илтижоларига, қолинг деб ялиниб ёлворишларига эътибор бермадим, бегуноҳ кўз ёшларига сабабчи бўлдим... Эҳ, ука, мен жуда қаттиқ адашганман, ҳаммасига ўзим, битта ўзим сабабчиман.»

Ҳа, Фулом акага жуда ҳам раҳмимиз келди. Аммо биз қанчалик ёрдам беришни хоҳламайлик, қўлимиздан ҳеч нима келмайди. Ғишт қолипидан кўчи бўлган.

У кишининг ёнидан дилим ҳуфтон бўлиб чиқди. Жамила опанинг ҳаёти билан қизикдим. Уғли олийгоҳни битирибди. Қизи тиббиёт билим юртини битириб, ҳозир ишлаётган, яқинда турмушга чиқаётган экан. Ҳа, Жамила опа икки гўдакни оёққа турғизгунча жуда қийналди. Ёлғиз аёл икки болани катта қилиши моддий жиҳатдан қанчалик оғир бўлишини бир тасаввур этинг. Аммо гап бошқа томонда, Жамила опанинг руҳий қийналганлигини тасвирлашга қалам ожиз. У бева қолганида эндигина 25 ёшда эканлигини эслаш кифоя. Ҳаммасидан ҳам болалари ота меҳрисиз ўсганидан эзиларди. Утган ана шу йиллар давомида Жамила опа ҳаётда бундай изтиробли дамлар кўп бўлди. Улар бегуноҳ аёлнинг қалбини тирнади, ноҳақ кўз ёшларига сабабчи бўлди. Уғли Улмас ўсмир вақтида синфдоши билан уришиб қолди. У Улмаснинг отаси ташлаб кетганлигини юзига солганда ёш қалби ларзага тушиб, «нима учун бошқа хотинларга ўхшамангиз, нима учун сизни ташлаб кетган...» деб аламини онасидан олганди уйда. Ана шунда Жамила опа бундай адолатсиз гапдан, қаттиқ аламдан роса йиғлаганди. Ёки қизининг тили чиққан кезлари «ҳамманинг дадаси бор, менинг дадам қани?» деб ҳархаша қилганида, чида олмай, яширинча йиғлаганди. Ҳозир бўйи бўйиндан ошадиган бу икки фарзандни вояга етказгунча Жамила опага енгил бўлмаган... Ҳа, дўстларим оила муқаддас, оила азиз, оила мўътабар ва буюқдир. Шунинг учун ҳам уни покиза сақламоқ керак.

бутунлай йўқ. Кучли ўқувчиларни кўплаб ўқитадиган мактаб-интернат қаерда дейсиз. Ота-оналар орасида илми қадрлайдиган, ўз фарзандига мустақкам билим беришни хоҳлайдиганлар жуда кўп. Йилдан-йилга ўқувчиларни яқин ўқитиш (репититорлик) усулининг кучайиб бораётганлиги ҳам шундан далолат беради.

Илмий ходимлар сафини қобилиятли ёшлар билан тўлдириб туришнинг яна бир йўли олий ўқув юртларида энг яхши ўқийдиган талабаларни Иттифоқимизнинг йирик шаҳарлари ва чет эллардаги фан марказларида ўқитишдир. Улар жуда ёш вақтида [25—27 ёш] фан номзоди бўлиш имкониятига эга бўладилар. Ана шу ёш фан номзодлари ёки марказий олий ўқув юртлари дипломатларини алоҳида рўйхатга олиб илмий ишларини яна давом эттиришлари учун ҳамма шароитлар, яратиб берилиши керак.

Муаллим бу ўринда жумҳурият ҳукуматининг сўнги йилларда амалга ошираётган тадбирларидан кўз юммоқчи эмас, қолаверса Тошкентда ташкил этилган Мирзо Улуғбек фонди ана шу йўналишдаги савобли ишларнинг дебочасидир.

ЎРТА ОСИЁДА МЎҒУЛИЙ ИРҚ

Ўрта Осиёнинг маҳаллий аҳолиси таркибида мўғулий ирқ намоёндаларига хос хусусиятлар қачон пайдо бўлган ва улар қай йўсинда ўзгарган! Бу масалалар маҳаллий халқларнинг этник шаклланиши билан узвий боғлиқ. У эса, ўз навбатида, маҳаллий ҳамда келгинди аҳолининг ўзаро муносабат қонуниятларининг Ўрта Осиё шароитига хос хусусиятлари билан узвий боғланган. Маҳаллий ва келгинди аҳоли ўзаро муносабатларининг уч тури маълум.

Авалло, келгинди аҳоли нўфуси кам бўлганда у маҳаллий аҳоли таркибида бутунлай қоришиб кетса-да, аммо маҳаллий аҳолига ўз тили ва маданияти жиҳатидан таъсир ўтказди.


Маҳаллий ва келгинди аҳоли сони ўзаро тенг бўлган ҳолларда улар қоришуви натижасида янги халқ юзага келади.

Келгинди аҳоли сони маҳаллий аҳолига нисбатан кўпчиликти ташкил этган тақдирда у ўз маданияти, тили ва антропологик тузилишини бирга олиб келиб, маҳаллий халқни ўз таркибига сингдириб юборади, бинобарин, бу ерда келгинди халқ илгари яшаб турган жойидагидек халқни барпо этади.

Маълумки, Ўрта Осиёда деҳқончилик билан шўғулланувчи маҳаллий аҳолининг этник шаклланиш жараёнида шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудларда яшовчи чорвадор кўчманчи қабилалар билан ўзаро генетик алоқалар асосий роль ўйнаган. Мўғул ирқи хусусиятларининг тарқалиши ва унинг даврий ўзгаришини таҳлил этиш воситасида Ўрта Осиё халқларининг ирқий ва этник тарихига оид айрим масалаларни кўриб ўтамиз. Халқларнинг келиб чиқиши тарихи муаммоларини ўрганишда антропология фани маълумотларининг ўзга фан маълумотларидан афзаллиги шундаки, бунда тил, хўжалик ва маданият одам морфологик ва ирқий хусусиятларига нисбатан тезроқ ўзгаради ва айни вақтда савдо, айирбошлаш ва маданий алоқалар натижасида улар кенгроқ ҳудудга тарқалиши мумкин. Антропологик хусусиятлар эса бир ҳудуддан иккинчисига фақат одамларнинг кўчиб бориши ва маҳаллий аҳоли билан ўзаро биологик қоришуви жараёнидагина тарқалади. Юқорида тилга олинган муаммоларни ҳал этишда Ўрта Осиёга мўғулий ирқ хусусиятларининг кириб келиши ва унинг даврий ўзгаришини ўрганиш муҳим аҳамиятга молик.

Сўнги йигирма йил ичида Ўрта Осиёдан, асосан Мовароуннаҳрдан ҳар хил тарихий даврлар ва ранг-баранг маданий-хўжалик турларига оид олинган бой антропологик ашёлар Ўрта Осиё халқларининг келиб чиқиши соҳасида фанда уйғунлашган кўпгина фикрларни янги маълумотлар асосида бойитишдан ташқари, уларни қайта кўриб чиқиш ва баъзи бир ҳолатларда муҳим ўзгаришлар киритиш имконини бермоқда.

Бундан ўн олти йил муқаддам венгер антропологи А. Тома Сурхондарё вилоятидаги Тешиктош ғоридан топилган ва дунёга машҳур неандерталь бола суягини қайта текшириш натижасида у ўзида мўғулий ирққа мансуб хусусиятларни мужассамлаштирган, бинобарин, Ўрта Осиё мўғулий ирқ шаклланишининг қадимий марказларидан бири сифатида бу ерда юқори тош даврдан бошлаб мўғулий ирқ хусусиятли неандерталь одами истиқомат қиладиган масканга айланган, деган фикрни ўртага ташлаган. Бунда олим Тешиктош неандерталь боласининг юқори жағ суяги тузилишида ҳозирги замон одамлариникидан фарқланувчи бир-икки белгига асосланган эди. Эндиликда бундай морфологик ўзгачалик Оврупо, Осиё ва Африка неандерталь одамларининг ҳаммасига хос морфологик хусусият эканлиги, яъни у одамзот ривожланиш тарихининг неандерталь босқичи одамларига хослиги узил-кесил исботланди. Натжидада Тешиктош неандерталь одами бош ва гавда суяқларининг тузилиши жиҳатидан Олд Осиёда истиқомат қилган ва ҳозирги замон онгли одами — мустъе даври маданиятини яратувчилар тоифасига тааллуқлиги, бинобарин



Ўрта Осиё аҳолиси турқида мўғулий хусусиятларининг даврий ўзгариши.

1-ўтроқ деҳқонлар

2-кўчманчи чорвадорлар

3-шаҳар аҳолиси

4-қишлоқ аҳолиси

Ўрта Осиё ҳозирги замон европеоид ирқига мансуб одам пайдо бўлган ҳудудга кириши тўла аниқланди.

Ўзида мўғулий ирқ хусусиятларини мужассамлаштирган аҳоли Ўрта Осиёга биринчи марта қачон кириб келган, деган саволга асримизнинг 70-йиллари ўрталаригача фанда: у асосан бундан икки минг йил илгари Марказий Осиёдан гун қабилалари билан бирга кириб кела бошлаган, деган фикр ҳукмрон эди. Кейинги 15 йил ичида Ўрта Осиёда олиб борилган илмий тадқиқотлар мобайнида қўлга киритилган антропологик ашёлар кескин ортиб, фанда мўғулий ирқ хусусиятлари мавжудлиги аниқланди ва унинг нисбий миқдорини белгилашда тадқиқотчининг шахсий фикри устиворлигига барҳам берадиган янги усуллар яратилди. Дарвоқе, яна бир муҳим вазиятни қайд қилиш зарур: шаҳар ва қишлоқ аҳолисига, деҳқончилик билан шўғулланувчи ўтроқ ва кўчманчи чорвадор аҳолига мансуб антропологик ашёларни умумий тарзда тадқиқ этиш антропология фанининг кечаги куни. Зеро, Ўрта Осиёдаги 300 га яқин ёдгорлик қайтадан ўрганилганда қишлоқ ва шаҳарларда, кўчманчи ва ўтроқ аҳолида ирқий ҳамда этник шаклланиш жараёнларининг кўчиши бир-бирдан тубдан фарқ қилиши маълум бўлди.

Мўғулий ирқ вакиллари Ўрта Осиёга илк бор милоддан аввалги 1-минг йиллик ўрталарида, яъни бундан 2,5 минг йил илгари, гун қабилаларига ундан 500 йил аввал кириб келган. Улар Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалмасдан деҳқончилик ҳудудлари чегаралари бўйлаб тўп-тўп тарзда ҳаёт кечирганлар. Бундай чегарада жойлашиш, аввало, уларга илгаригидай чорвачилик билан шўғулланиш, қолаверса,

ўтроқ аҳоли билан кенг кўламда иқтисодий ва маданий алоқалар олиб бориш имконини берган. Кўлга киритилган ашёлардан аниқланишича, улар билан маҳаллий ўтроқ аҳоли ўртасидаги этник алоқалар ҳали айтарли даражада яхши йўлга қўйилмаган. Марказий Осиёдан келган чорвадор аҳоли Урта Осиёнинг учта катта вилоятида зич яшаган: бир тўдаси Тяньшан ва Олойда, иккинчиси ҳозирги Навоий шаҳри атрофидаги Конимех чўлларида ва учинчиси Устюртда, шунингдек, ҳозирги Қозоғистоннинг Қизил Урда вилоятида яшаган. Маълумотларга қараганда, бу жараён яъни Марказий Осиё кўчманчиларининг ғарбга томон силжиши, фақат Урта Осиё учунгина хос бўлмай, ундан минглаб қақирим ғарбда жойлашган ҳозирги Киев шаҳри атрофларигача етиб борган. Кўчманчиларнинг бундай кўчиши антропологик ашёларни тадқиқ этиш асосида аниқланган. Археология фани ёки ёзма манбаларда бу ҳақда лом-мим дейилмайди. Скифлар маданияти тарихининг улкан билимдони Алексей Тереножкин Шарқдаги кўчманчи қабилаларининг ғарбга силжигани ҳақида сўзларкан, Оврупо скиф қабилаларида — Шарқий Оврупода Олтой отларининг юганлари учрашини таъкидлайди. Бу кўчишни профессор Шер Евроосиё чўлларида кенг тарқалган скиф кўрғонларига қўйилган тош ҳайкалларнинг тарқалишини ўрганиб, шу фикримизни тўлдирувчи қўшимча далиллар келтиради. Шундай қилиб, ўзида мўғулий белгиларни мужассамлаштирган қабилалар Евроосиё чўлларида, жумладан Урта Осиёнинг шимолий чўл ноҳияларида 2,5 минг йил илгари пайдо бўлиб, маҳаллий аҳоли билан генетик алоқаси кам экан. Фикримизча, бу даврда келгинди аҳоли маҳаллий аҳолига ўз таъсирини деярли ўтказмаган.

Антик даврда Урта Осиё халқлари таркибида мўғулий белгилар бирмунча ортган. Бу тарихий даврнинг олдингисидан фарқи шундаки, кўчманчи аҳоли илгаригидай маҳаллий халқлар билан фақат маданий ва хўжалик алоқаларидагина бўлиб қолмай, балки жуда кучли генетик алоқалар ҳам кузатилган. Бунинг натижаси ўлароқ маҳаллий аҳоли таркибида ҳар хил миқдорда мўғулий белгилар тарқала бошлайди. Кези келганда бу борада муҳим бир тарихий қонуниятга эътибор беришимиз лозим: Урта Осиёга кириб келган кўчманчи, мўғуллашган хусусиятли аҳоли барча маҳаллий аҳоли билан баравар аралашиб кетмаган. Биз тадқиқ этган антропологик ашёлардан маълумки, кўчманчи аҳоли аввало Урта Осиёда кўплаб шаҳар ва шаҳар тарзидagi йирик қишлоқларга кириб бориб, уларнинг аҳолиси билан генетик алоқада бўлган. Шаҳар атрофидаги қишлоқлар ҳамда деҳқончилик воҳалари аҳолиси бу кўчманчилар таъсиридан ҳоли бўлиб, улар ўзининг ташқи қиёфаси билан бундан минглаб йил илгаридан яшаб келётган аждодларидан фарқ қилмайди ва уларда мўғулий хусусиятлар мутлақо йўқ ёки бўлса ҳам жуда камдир. Бу тарихий қонуният, аввало, Бақтрия-Тоҳаристон аҳолисига, қолаверса умум Урта Осиё аҳолисига хос эканлигини аниқладик.

Антик даврда шакл ва улардан кейинги даврда келган мўғулий одамларни европеоид тарздаги Урта Осиё маҳаллий аҳолиси ўз таркибига сингдириб юборди. Шундай қилиб, Урта Осиёга келган кўчманчи аҳоли маҳаллий аҳолидан сони жиҳатдан анча кам бўлган ва келгуси даврда шаклланган халқ маҳаллий аҳоли негизида ташкил топган, деган фикрга келамиз.

Илк ўрта асрда Урта Осиё Ғарбий Турк ҳоқонлиги таркибига кирган. Бу давр хусусида бирмунча янги фикрларни айтиш мумкин. Дарвоқе, Урта Осиёда туркий тиллар тарқалиши баробарида маҳаллий аҳолида мўғулий белгилар ҳам ортиб боришини ифодаловчи профессор Лев Ошаниннинг 50-йиллардаги фарази янги ашёлар асосида ўз ифодасини топмади. Аксинча, Турк ҳоқонлиги даврида Урта Осиё аҳолиси таркибида антик давр аҳолисига нисбатан мўғулий хусусиятлар ортмасдан, баъзи бир марказий деҳқончилик ноҳияларида унинг нисбий миқдори бирмунча камайди. Урта Осиё миқёсида эса антик ва илк ўрта аср аҳолиси таркибида мўғулий белгилар баравар экан. Ёзма манбалар ва археологик қазишмалар натижасида илк ўрта асрда туркий тиллар Мовароуннаҳрда кенг тарқалгани маълум. Бинобарин, Урта Осиёда туркий тиллар билан мў-

ғулий белгилар бир вақтда тарқалди, деган фаразми янги ашёлар асосида рад этамиз. Фикримизча, илк ўрта асрда Мовароуннаҳрга келган туркий тилларда гапирувчи қабилалар Марказий Осиёдан кўчиб келмаган. Зеро, у томондаги туркий қабилалар мўғулий хусусиятларни ўзида кучли даражада мужассамлаштирган эди. Мовароуннаҳрга кўчиб келган туркий тилларда сўзлашувчи қабилалар Урта Осиёнинг шарқий чегарасида яшаган ва ташқи қиёфаси европеоид хусусиятларга эга бўлиб, Мовароуннаҳрнинг маҳаллий аҳолисидан айтарли фарқ қилмаган. Кейинги йилларда Фарғона водийси, Самарқанд вилояти ва Тожикистоннинг Панжикент ноҳияларида илк турк авлодлари орасида биз олиб борган антропологик тадқиқотлар улар таркибида мўғулий белгилар кам эканлиги ва ўзининг ташқи қиёфаси билан ўзбеклардан фарқ қилмаслигини ошкор этди.

Илк ўрта аср учун яна бир муҳим илмий муаммо — V—VI асрлардан бошлаб кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг энди антик даврдагидай шаҳарларга кириб жойлашмасдан, асосан ўтроқ деҳқончилик билан шугулланаётган воҳа қишлоқларига келиб ўрнашишлариدير. Улар маҳаллий аҳоли билан генетик алоқада бўлишади. Натижада, шаҳар аҳолисига нисбатан европеоид қиёфага эга бўлган қишлоқ аҳолиси таркибида мўғулий белгилар аста ортиб бориши кўзга яққол ташланади.

Ўзида сезиларли даражада мўғулий хусусиятларни мужассамлаштирган қабилалар Мовароуннаҳрга XI аср охири ва XII асрда қорахонийлар даврида кўплаб кела бошлаган. Антропологик ашёлар асосида бу қабилаларнинг келиш йўли тўғрисида ҳам фикр юритишимиз мумкин. Улар, аввало, Иссиқкўл атрофида учратилган, сўнгра Фарғона водийсининг шимолий ноҳияларида, яъни ҳозирги Чортоқ, Учкўрғон орқали ғарбга силжийдилар. Уларнинг изи Фарғона водийсининг жанубий ноҳияларида сезилмаяпти. Бу эса улар жануб томон кам интилган деган фикрга олиб келмоқда. Шимолий Фарғонадан улар Тожикистоннинг Хўжанд вилояти йўналишида юриб, ҳозирги Ғафуров, Хўжанд шаҳри атрофларидан (ўрта асрда Уструшана номи билан маълум бўлган) Жиззах, Нурота, Иштихон орқали Зарафшон водийсига етиб борадилар. Бу аҳолининг бир қисми Қашқадарёнинг Китоб ноҳиясига ҳам ўтган. Юриш яна давом этиб, аҳолининг изини биз Марвдаги Султон Қалъа кулолчилар даҳасида ҳам сезамиз. Натижада, қорахонийлар даврида Урта Осиёнинг кўпчилик ноҳияларига мўғулий хусусиятларни ўзида сезиларли даражада мужассамлаштирган аҳоли кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли антропологик қиёфасининг ўзгаришига олиб келган. Бу давр Урта Осиё халқлари, асосан туркий халқлар этногенезида гоят муҳим давр ҳисобланади.

Олиб бораётган илмий тадқиқотларимиз фанда кенг тарқалган яна бир фикрни рад этишга ундамоқда. Мўғул истилоси Урта Осиё аҳолисининг антропологик таркибини буткул ўзгартириб юборди, деган фикр бор. Ҳақиқатан, мўғул истилоси жуда катта ўзгаришларга олиб келди. Аммо бу фикр фақат Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудлари учун мос келади. Аммо мўғуллар истилоси Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон аҳолисининг ташқи қиёфасига сезиларли ўзгариш кирита олмади. Бу ҳудудларда яшаган маҳаллий аҳолининг антропологик турқи ўзгармади ва ундаги мўғулий хусусиятлар кўлами аввалги даражада қолди, бинобарин, сезиларли ўзгариш кузатилмади. Урта Осиё аҳолиси турқида мўғулий белгиларнинг яна бир бор ортиши XVI—XVII асрларга тўғри келган. Биз бунини Мовароуннаҳрга даштиқипчоқ аҳолиси келиши билан боғлаймиз.

Хуллас, тарихий тараққиётнинг барча даврларида Мовароуннаҳр халқларининг шаклланишида маҳаллий халқлар асосий мавқега эга бўлганлиги бой антропологик ашёларда ўз аксини топган. Ҳали бу соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар кўп, уларни ҳал қилиш турли соҳа мутахассисларининг баҳамжиҳат иш олиб боришини тақозо этади.

Тельман ХУЖАЙОВ,

тарих фанлари доктори,
Тошкент дорилфунуни профессори,
Беруний мукофотининг совриндори.

Муҳаммад Наршахийнинг оламга машҳур китоби Урта Осиёнинг кўҳна иқтисодий ва маданий марказларидан бири — Бухоро тарихига бағишланган ўзига хос қомусий асардир. Мовароуннаҳрлик «Бухоро тарихи» муаллифининг таржиман ҳолига онд маълумотлар ёзма манбаларда деярли учрамайди. Шунинг учун ҳам у ҳақда тўлиқроқ маълумот келтириш имкониятидан маҳруммиз. Айрим манбаларгагина мурожаат этамиз. XIII аср олим Самъонийнинг «Китоб-ул-асноб» асарида келтирилган қисқа маълумотга кўра, унинг тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн Шарик бўлган. Наслу насаби Бухоро аҳлидан, 899 йилда шаҳар яқинида жойлашган Наршах қишлоғида дунёга келган. 945 йилда 60 ёшида вафот этган. «Бухоро тарихи» асарини у 943—944 йиллар мобайнида ёзади. Китобни Сомонийлар давлатининг ҳукмдори Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний (943—945 й.) номига бағишлайди. Афсуски, «Бухоро тарихи»нинг араб тилидаги асл нусхаси бизгача сақланмаган. Фақат унинг анча-мунча қисқартирилиб, форс-тожик тилига ўгирилган таржимасигина сақланган.

«Бухоро тарихи» китобини ёзишда Наршахий ўз кузатишлари, маҳаллий аҳолидан эшитган ва билганлари ҳамда бизгача етиб келмаган тарихий ҳужжатларга асосланиш билан бир қаторда, кўпчилик тадқиқотчилар назар тушмаган арабнавис муаллифларнинг асарларидан ҳам кенг фойдаланган. Китобда Мадоний, Балазурий ва Табарий асарларига бўлган ҳаволалар фикримизнинг ёрқин далилидир. Булардан ташқари, Наршахий ўз асарида исломиятга қадар кечган Бухоро тарихи ва араблар босқини билан боғлиқ бир қанча ривоятларни келтиради. «Сиевуш марсияси» ва «Пойканд фожиаси» мана шундай халқ оғзаки ривоятлари намуналаридандир. Бухоро ва Пойканднинг исломиятга қадарли бўлган ҳокимлари, Пойканд равоатлари, арабларнинг Бухоро томон дастлабки юришлари, шунингдек, Муқанна тўғрисидаги маълумотларнинг бир қисми Муҳаммад Наршахийга мансуб бўлиб, улар маълум даражада ёзма манбалар ҳамда оғзаки ривоятлар асосида баён этилган.

Шарғ ва Искижкат бозорининг таърифиди, Исмоил Сомоний томонидан Шарғ қишлоғи ерларининг хариди, йилга икки марта Бухорода бўладиган Моҳрўз ийд бозори, X асрда Кўшк Муғон ерларининг баҳоси, шаҳар атрофи кўшкларининг ўймакор санамлар билан безатилган эшиклари, «Кашкашон» — савдогарлар билан араблар ўртасида бўлиб ўтган можаролар; ниҳоят, «оқкийимликлар» раҳнамаси Муқаннанинг фожиали қисмати тўғрисидаги ҳикоят айниқса нодир маълумотлардан ҳисобланади. Абу Наср Аҳмад Қубовийнинг ёзишча, Наршахий ўз асарини мазкур китобни

бағишлаган Нуҳ ибн Наср ас-Сомоний давригача бўлган сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги тўғрисидаги маълумотлар билан тугатади.

«Бухоро тарихи»нинг форс тилидаги таржимаси 1128 йилда Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Қубовий томонидан амалга оширилган. Асар матнининг таҳлили шунинг кўрсатадики, таржимон уни фақат қисқартирибгина қолмай, балки IX аср муаллифларидан Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг «Тарихи Табарий», Абдулҳасан Абду-

боблар киритилган. Масалан, «Бухоро тарихи»нинг «Шамсободиннинг бино этилиши» қисми тўлиқ ҳамда «Масжиди Жоменнинг бино этилиши» ва «Ийд номозгоҳи» каби бобларнинг хотима саҳифалари ва бошқалар Абу Наср Аҳмад Қубовий қаламига мансубдир.

Қубовий таржимасидан роса ярим аср ўтган, 1178—1179 йиллар мобайнида Бухоро ҳукмдори садр Абдулазиз ибн Бурҳонуддин учун «Бухоро тарихи»нинг форс-тожик матни ҳам Муҳаммад ибн Зафар бин Умар томонидан янгидан тафҳир қилиниб, иккинчи марта қисқартирилиб, қайта баён этилади. О. И. Смирновнинг фикрича, айрим қўшимчалар билан бир қаторда, асарни номма-ном бобларга ажратиш мана шу иккинчи муҳаррир қаламига мансубдир.

XIII асрдан бошлаб, «Бухоро тарихи» китоби номаълум кўчирувчи муҳаррирлар томонидан муттасил тўлдириб борилган. Жумладан, «Бухоро аркининг бино этилиши ҳақида» ва «Бухоро шаҳрининг девори» каби бобларида Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Султон Такаш (1200—1220 й.) фармони билан Бухоро арки деворининг тикланиши, 1165 йилда қурилган шаҳар ташқи деворининг таъмир этилиши, унинг сиртидан Бухоронинг иккинчи қатор ташқи девор билан ўраб олинishi, шунингдек, 1220 йилда Чингизхон бошлиқ мўғул лашкарларининг икки кун давомида Арки қамал қилиши оқибатида қалъа ва шаҳар деворлари вайрон этилиб, Бухоронинг босқинчилар томонидан олинishiга бағишланган саҳифалар асарга киритилган муҳим қўшимчалардан ҳисобланади. Бу қўшимчалар асарнинг таржимони Абу Наср Аҳмад Қубовий ёки унинг иккинчи муҳаррири Муҳаммад ибн Зуфарларга тегишли бўлмай, балки бошқа номаълум муҳаррир қаламига мансубдир.

«Бухоро тарихи»нинг қўлёзма нусхалари ва босма матнлари устида олиб борилган қиёсий тадқиқотлардан маълум бўлишича, XIV—XV асрлардаги ҳаттот кўчирувчилар, ҳатто XIX аср охири XX аср бошларидаги баъзи ноширлар томонидан ҳам асар матнига турли шарҳу изоҳлар қўшимча қилиниб, маълум даражада тўлдириб берилган. Улар баъзи жой ва шахс номлари тўғрисида берилган шарҳ ёки матнининг кўчирувчиси учун тушуниш мушкулроқ туюлган жумлалар таҳлилидан иборат бўлган. Шубҳасиз, айрим ҳолларда, бундай иловалар матн маъносини бузибгина қолмай, балки воқеаларни ҳам чалкаштириб юборган. Масалан, асарнинг 1904 йил Когон нашрида XII асрнинг биринчи чорагидаги қорахонийлар подшоҳи Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон (1102—1130) фармони билан Пайканд шаҳрига сув олиб келиш мақсадида қавланган маҳсус Анҳор баёнига бағишланган саҳифада бухоролик ношир Мулло Султон томонидан «аз Амуя», яъни «Амударёдан» деган сўз илова этилган. Унга асосланиб ҳатто

ҚАДИМДА ОБОД БУХОРО

Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси

раҳмон ибн Муҳаммад Нишопурийнинг «Ҳазон-ул-улум» ҳамда Абу Исҳоқ Иброҳим ибн ал-Аббос ас-Сулийнинг «Аҳбори Муқанна» номли асарларидан олинган қимматли маълумотлар билан тўлдиради. «Бухоро тарихи»да келтирилган ҳадислардан маълум бўлишича, Абу Наср Аҳмад Қубовий ҳадис илмининг уламоларидан бири, машҳур муҳаддис Муҳаммад Шамсуддин Абу Бакр Заранжарийнинг биз учун номаълум бўлган асаридан ҳам фойдаланган. Масалан, Бухоро шаҳрининг пайдо бўлиши, Бозори мох, Аркининг бино этилиши, Кампирак девор», Бухоро ва унга тобе жойларнинг деҳқончилик хўжалиги тафсилотлари ҳамда шаҳарнинг тарихий топографияси [шаҳристондан ташқари] баёнига бағишланган саҳифалар Абу Наср Аҳмад Қубовийнинг Абдулҳасан Нишопурий номидан «Бухоро тарихи»га киритган қўшимчалардан ҳисобланади.

Шу билан бирга «Бухоро тарихи»нинг таржимони ва муҳаррири ҳам Наршахий каби маҳаллий муаллифлардан бўлгани учун асарни ўз кузатишлари ҳамда билган ва эшитган маълумотлари билан ҳам тўлдирган. Мана шундай маълумотлар асосида асарга бир бутун саҳифалар, айрим ҳолларда эса бутунлай янги қисм ёки

«Фан ва турмуш» ойнамаси муҳарририяти ва таҳририяти аъзолари жонкуяр муаллифимиз Абдулахад МУХАММАДЖОНОВНИ кутлуғ 60 ёши билан чин қалбдан қутлайди ва унга сихат-саломатлик ҳамда ижодий камолот тилайди.

баъзи тадқиқотчилар Арслонхон гўе «Амударёдан Пойкандга алоҳида канал чиқармоқчи бўлган» деган нотўғри хулосага ҳам келишади. Аслида Пойкандга Қубовий тарифлаган «Ҳаромком», яъни Қоракўлдарёдан сув келтириш мўлжалланган. Афсуски, бу канал охиригача қазилмасдан қолиб кетган.

Қизиги шундаки, Наршахий ҳам, унинг ҳаммуаллифи ва таржимони Қубовий ҳам асарга бирор аниқ ном беришмаган. Шу сабабли мазкур асар қўлёзма нусхаларда, шунингдек, илмий адабиётда «Тарихи Наршахий», яъни «Наршахий тарихи», «Тарихи Бухоро», яъни «Бухоро тарихи» «Таҳқиқ ул-вилоят», яъни «Вилоят тадқиқоти», «Ахбори Бухоро», яъни «Бухоро ҳақидаги хабарлар» каби номлар билан юритиб келинган. Бу номларнинг ичида энг аниги ва моси «Тарихи Бухоро» бўлиб, тарихий адабиётда асосан шу ном келтирилади.

Ушбу асар Европа ва Россия шарқшунослигида ўтган асрнинг 30—40-йилларидан бошлаб маълум бўлди. Даставвал 1832 йилда Бухорода бўлган «Ост-Индия компанияси»нинг вакили А. Бернс томонидан унинг дастлабки қўлёзма нусхаси олиб кетилди. Сўнгра 1841 йилда Россиядан Бухоро хонлигига юборилган К. Бутенев бошлиқ миссиянинг иштирокчиси Н. Хаников, 1858 йилда Хева ва Бухоро шаҳарларида бўлган Н. Игнатъев миссиясининг аъзоси шарқшунос П. Лерхлар томонидан «Бухоро тарихи» қўлёзмасининг тўртта нусхаси Санкт-Петербургга олиб кетилди.

«Бухоро тарихи» жаҳон шарқшунослиги ва тарихшунослиги фанларида кенг шўхрат топиб, бир неча бор нашр этилди. Даставвал у 1892 йилда Ч. Шеффер томонидан Парижда, 1894 йилда Янги Бухорода, 1904 йилда Мулло Султон томонидан Когонда ва 1939 йилда Мударрис Ризавий томонидан Техронда нашр этилади. Асарнинг форс-тожик тилидан Н. Ликошиннинг рус тилига таржимаси академик В. В. Бартольд таҳрири остида Тошкентда босилиб чиқади. Америкалик шарқшунос олим Р. Фрайнинг муфассал изоҳлари илова этилган инглизча таржимаси 1954 йилда Кембриж дорилфунунида нашр этилади. «Бухоро тарихи»нинг ўзбекча наشري 1966 йилда Тошкентда, янги имлодаги тожикча наشري эса 1979 йилда Душанбе шаҳрида босмадан чиқди.

«Бухоро тарихи»нинг А. Расулов амалга оширган ўзбекча таржимаси Техронда нашр этилган, у қийёсий мати асосида бажарилган бўлса-да, аммо асарнинг юқорида қайд этилган босма

нашрлари билан бир қаторда, Ўзбекистон, Ленинград, Тожикистондаги шарқ қўлёзмалари фондларида сақланаётган бир қанча нусхалардан ҳам фойдаланилган. Натижада «Бухоро тарихи» нусхаларида ўчрайдиган баъзи ноаниқлик ва чалкашликлар тузатилиб, кенг изоҳлар берилиб, маълум даражада унинг таржима матни раволашган. Бу, шубҳасиз, асар қимматини янада оширган.

«Бухоро тарихи» китоби устида сўз юритилар экан, шунинг ҳам айтиш керакки, асар муаллифи, таржимони ва муҳаррирлари ҳам тарихий воқеаларга ўз табақалари нуқтан назаридан туриб ёндашадилар. Уша даврда ҳукм сурган феодал муносабатларни қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар.

Муҳаммад Наршахийнинг бу китоби асосан Бухоро тарихига бағишланган. Унда Бухоро воҳасининг пайдо бўлиши, овчилик, балиқчилик, деҳқончиликнинг касб этилиши; Навматқат, Пойканд, Афсона, Варахша, Ромитон, Вардона каби қадимий қишлоқларнинг барпо бўлишидан тортиб, то Бухоро шаҳрининг қад кўтаришигача бўлган муҳим тарихий воқеалар тўғрисида ҳикоя қилинади. «Бухоро тарихи»да ер-сув муносабатлари устида сўз юритилганда Наршахий қадимги ердорларни «деҳқон», яъни «қишлоқ доқими», меҳнаткаш зироатчиларни «кашовар», яъни «ер ҳайдовчи кўшчи», феодалларга қарам бўлиб қолган қишлоқ аҳолисини «кадовар» номи билан атайди. Китобда Урта Осиёда араб халифалиги ҳукмронлигининг ўрнатилиши, ислом динининг тарқалиши, оташпарастлик ва у билан боғлиқ маданий ҳаётнинг инқирози ҳамда халифаликнинг босқинчилик зулмига, ислом динига қарши Мовароуннахр аҳолиси олиб борган узлуксиз озодлик кураши борасида қизиқарли маълумотлар келтирилади.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, Наршахий ҳам, асар таржимони ва муҳаррирлари ҳам Урта Осиёда мусулмончилик қарор топган даврда яшаб ижод этганлар. Шу сабабли улар асарда ислом мафкурасини ҳимоя қилиб, халифаликка ва дини исломга қарши кўтарилган халқ кўзғолонларини қоралаб, кўзғолон бошлиқларини «айёр», «босқинчи», «ўғри», «оғзига тупроқ», «алайки лаънат» («худонинг лаънатига учрасин») деган иборалар билан тилга олади.

Наршахий китобида халифаликка қарши кўтарилган жуда шиддатли кўзғолонлар оқибатида Урта Осиёнинг халифаликдан ажралиб чиқishi, бу ўлкада сомонийлар давлатининг барпо бўлиши ва бу давлатнинг ички ва ташқи муносабатларига оид кўпдан-кўп маълумотлар келтирилади. Китобда Бухоронинг иқтисодий ва маданий ҳаётига, айниқса, товар ва пул муносабатларига оид маълумотлар бор. VII—X асрларда Бухорода ҳунармандчилик ниҳоятда ривожланган бўлиб, ҳар бир қишлоқ ўз маҳсулоти билан шўхрат топган. Масалан,

Зандана қишлоғида тўқиладиган ипак ва ип матолар «занданийчи» номи билан бутун Шарққа машҳур бўлган. Бухоро шаҳрининг ўзида «Байт утироз» тўқимачилик корхонаси бўлиб, унинг тўқима маҳсулотлари Форс, Кермон, Ҳиндистон, Ироқ, Шом, Миср ва Рум каби ўлкаларга олиб кетилган. Бухоро савдогарлари ниҳоятда бой табақа бўлиб, Наршахий уларни «кашкашон» номи билан тилга олади. Шаҳар аҳли ўртасида кашкашонларнинг мавқеи ва салмоғи катта бўлганидан Бухорога «Мадинат ут-тужор», яъни «Савдогарлар шаҳри» деб сифат берилган.

Мазкур китобда Бухоро воҳасини обод этган анҳорлар ва улар бўйлаб қад кўтарган қишлоқлар, боғ-роғлар, работ ва кўшлар тўғрисида маълумотлар бор. Бутун воҳа VII—XII асрларда Кармана, Шопурком, Ҳарқонат ул-Улё, Харқонруд, Овхитфар, Сомжон, Байконруд Фаровизи Улё, Коми Даймун, Арвон, Кайфур, Руди Зар каби сўғориш тармоқлари орқали сув билан таъминланган. Биргина Пойканд шаҳри атрофида мингдан ортиқ работ бўлган.

Бухоро воҳасини ташқи душмандан мудофаа этиш мақсадида унинг барча деҳқончилик туманлари бир неча юз километрларга чўзилган мудофаа девори билан ўраб олинган. «Бухоро тарихи»да келтирилган маълумотларга қараганда, бу девор 782—831 йиллар мобайнида қуриб битказилган. Уз даврининг бу улкан мудофаа иншооти «Канпирак» номи билан машҳур бўлиб, унинг қолдиқлари воҳанинг шимолик-ғарбий худудидаги даштда ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Китобда Бухоро шаҳрининг тарихий топографияси тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар бор. Урта асрларда Бухоро аркининг «Дари Регистон» ва «Дари Ғуриён» номи икки дарвозаси бўлган. Унинг ичида, асарда ёзилишича, «подшоҳлар, амирлар ва аскар бошлиқларининг турар жойлари, зиндон, подшоҳлик девонлари ва подшоҳлар турадиган қаср қадимдан шу ерда бўлган». 850 йилда Бухоро шаҳри девор билан ўраб олинган. Унинг етти дарвозаси бўлган. Бухоро ўша замонларда Нумижкат, Бумискат, Фохира, Мадинат ус-суфрия (яъни Мис шаҳар) номи билан ҳам аталган.

Шундай қилиб, Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китоби биргина Бухоро тарихини эмас, балки бутун Урта Осиё тарихини ўрганишда нодир асардир. Бундан роса ўн ярим аср муқаддам ёзилган бу китобнинг 1966 йилда чоп этилган ўзбекча наشري бор-йўғи уч минг донча чоп этилган. Утмишга қизиқишининг кучайиб бораётгани тарихий меросини синчиклаб ўрганиш ва ундан ҳаётий сабоқлар чиқариши тақозо этади. Шуларни ҳисобга олиб, маънавий меросимизнинг энг нодир намуналаридан бири бўлган Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобини кўпроқ нусхада қайта нашр этиш аини муддаодир.

Эйноманинг январь сониде таниқли адабиётшунос Наим Каримовнинг «Ўзбек адабиётининг жаллодлари» сарлаваси остидаги мақоласи эълон қилингандан буён муштарийлардан келган мактублар ва қўнғироқларнинг кети узилмай қолди. Аксар муштарийлар мақоланинг давоми ўз вақтида эълон қилинмаётганидан ташвишда эканликларини баён этмоқдалар. Мақола муаллифи шу вақтга қадар тағишли идораларнинг таъмир сандиқларида сақлан-

ётган ҳужжатларни урганмаётгани сабабли унинг давомини зудлик билан баён ва таҳририятга топшириш имконига эга бўлмади. Қолаверса, бу юмуш узоқ вақт талаб этишини ҳурматли муштарийлар ҳам тушунади, деб ўйлаймиз. «Ўзбек зибилларининг жаллодлари» мавзундаги мақолалар ҳам шу турик давоми. ДХК ходимлари муаллифга илгари махфий бўлган ҳужжатлар билан танишишда бундан кейин ҳам ёрдам берадилар, деб умид билдирамиз.

1930 йил июлининг 20-куни. Осида ўзбек ёзи. «Самарқанд — Тошкент» поезди сўнги манзилга етиб келганида, энди тонг ёришиб, олди одамлар хизмат жойларига шайланмоқда эдилар. Носир Саидов сафардош дўстлари билан ҳайрлашиб, Тошкентда яшайтган акаларини зиёрат қилмоқчи ва оқшом билан Андижонга — ўз оиласи бағрига қайтмоқчи эди. Шунинг учун ҳам у қанчалик шошилмасин, Шайхантоҳурга етиб келгунча бир оз фурсат ўтди. Акаси Обиднинг уйига етиб келганида, Ҳилолаҳон эрининг ишга кетганини айтди. Фақат кундуз соат 3—4 лардагина ака-ука бир-бирлари билан кўришиш имконига эга бўлдилар. Шу орада акасининг дўсти Тошпўлат Сулаймонов меҳмон бўлиб келди, сўнг қўшиниси Асадулла Ҳўжаев ака-укани қўярда қўймай, уйига таклиф этди. Хуллас, Носир Саидов ўша кун поездга чиқолмай қолди.

Эртаси эса Самарқанддан келган ҳамроҳлари Хайруллаҳон Алавийнинг поччаси Файзулла Ҳўжаев уйига, меҳмондорчиликка чақирди. Алавий ўз ҳамроҳлари Ҳосил

май, касални тиббий текширувдан ўтказаман, деб туриб олди. Биринчи текширув бирор натижа бермади. Иккинчи текширувда эса Обид Саидовнинг заҳарланганлигини тасдиқловчи баъзи бир белгилар топилди. Самарқанддан келган барча меҳмонлар ўша кунгек қамоққа олинди.

Биринчи навбатда шубҳа уйғотган шахс Носир Саидов эди. Шунинг учун ҳам терговчилар, уни кўпроқ исканжага олдилар. Тергов натижасида Носир Саидов, Хайруллаҳон Алавий ва Ҳосил Восиллийдан иборат гуруҳ Файзулла Ҳўжаевнинг уйида Обид Саидовнинг лағмонига маргимуш солиш йўли билан уни заҳарлаганлари «аниқланди». Яна зугум давом этди: маҳбуслар Обид Саидовни заҳарлаш режаси Самарқандда, Маориф халқ комиссариатида, Боту раҳбарлиги остида тузилганини бўйинларига олдилар. Шундан кейин комиссариатнинг Боту ва Рамзий бошчилигидаги катта бир гуруҳи қамоққа олинди. Машъум «Наркомпрос иши» шу тарзда вужудга келди.

Хўш, Обид Саидов ким эди! Наҳотки,

Бу киши ўша пайтда Тошкентнинг Эски шаҳаридаги таълим-тарбия билим юртида ўқув бўлимининг мудури эди. Аммо у, акаси Мансур Саидовнинг айтишига қўра, инқилобнинг дастлабки йилларида «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси бўлган; шу ташкилотнинг топшириғи билан тахминан 1922—1923 йилларда ёхуд 1924 йилда Раҳмонқул қўрбоши бошчилигидаги босмачилар тўдаси ҳаракат қилган жойларга борган ва бирмунча фурсат босмачилар орасида бўлган. Унинг бу хатти-ҳаракатидан хабардор бўлган Мансур Саидов укаси қайтгач, тақдирдан хавотирланиб, унинг Бош Сийёсий Бошқарма (ГПУ)га бориб, бор гапни айтиб беришини талаб қилган. Обид дастлаб бу ишнинг ўзи учун хавфли эканлигини пайқаб, БСБ га боришга юраги дов бермаган. Сўнг акасининг дўқ-пўписаси билан чекистлар ҳузурига бориб, тава-тазарру қилган ва «Миллий иттиҳод» ташкилотининг тузилиши, мақсад ва вазифалари ҳамда аъзолари тўғрисида мукаммал маълумот берган. Уша кунларда бутун Ўзбекистонни лар-



Восиллий ва Носир Саидов билан бирга унинг акаси Обид Саидовни ҳам меҳмонга олиб борди. Уй бекаси ширин лағмон тайёрлаган экан, меҳмонлар маза қилиб ейишди. Аммо ака-ука уйга қайтганларида, Обид Саидовнинг тоби қочиб қолди. Сўнг ўша туни соат 3 да касалхонада жон берди. Укасининг тўсатдан вафот этгани Мансур Саидовни шубҳага солди. У ёру биродарлари ва қўни-қўшинларининг гапига кир-

(Боши 1-сонда)

бугун ҳеч ким танимайдиган бир кимсани — яна бошқа шаҳарда истиқомат қилган одамни гўмдон этиш учун Самарқандда таниқли маориф ходимларидан иборат жиноятчилар гуруҳи тузилган бўлса!.. Бундай саволлар ўша пайтда ҳам кўпчиликини ўйлантирган бўлиши табиий. Лекин рўй берган воқеа расмий ахборотда худди шу тарзда талқин этилгани учун халқнинг унга ишонмасликига асоси йўқ эди.

Хўш, Обид Саидовнинг ўзи ким бўлган ва уни ўлдирish кимга керак эди!

зага келтирган суд жараёни тайёрланмоқда эди. Ўзбекистон Олий Судининг раиси Саъдулла Қосимов бошчилигидаги бир гуруҳ ҳуқуқ посбонлари ўз амалларидан ғаразли ниятда фойдаланиш, давлат апаратини аксиликчиловчи унсурлар билан тўлдириб юбориш ва Совет ҳукуматини ағдаришга уринишда айбланиб, ҳибсга олинган эдилар. 1930 йилнинг 25 мартда бошланган суд 21 июнга қадар давом этган. Суд жараёнининг сўнги кунларида БСБ топшириғи билан Обид Саидов ҳам

гувоҳ сифатида сўзга чиқиб, жумҳуриятда «Миллий иттиҳод» деб аталган аксилинқилобий ташилотнинг мавжудлиги ва у ўз олдига Совет ҳукуматини ағдариб, буржуа давлатини барпо этиш вазифасини қўйганлигини айтган. У гарчанд Боту номини тилга олмаган бўлса-да, «Ўзбекистонда «Миллий иттиҳод»дан бўлак махфий ташилотлар ҳам бор», деб Маориф халқ комиссариати силсиласида хизмат қилган куёви Қаюмхўжа Алиевнинг «қилмишлари»ни фош қилиб кетган.

Хуллас, Обид Саидов мазкур суд жараёнида Ўзбекистондаги «миллатчилик» ва «аксилинқилобчилик» майлларини кескин фош этган. Кейинчалик эса БСБ учун ўзи билган ва таниган «аксилинқилобчилар» тўғрисида маълумотлар тўплаган.

Ана шундай одамнинг тўсатдан вафот этиши ҳар кимни ҳам турли шубҳаларга олиб келади, албатта. Аммо ўша пайтда бир эмас, икки эмас, ўнлаб одамлар шубҳа остига олинган. Ва бу одамларнинг ҳаммаси БСБ ертўлларида ўзларини Обид Саидовнинг ўлимида айбдор эканликларини бўйинларига олганлар. Фақат у одамларнинг бир қисми ўзининг суиқасдга бевосита дахлдор эканлигини эътироф этган бўлса, бошқалари комиссариат қошидаги аксилинқилобий ташилотга аъзо бўлганлигини тан олди.

Носир Саидов ўша йили 15 июлда бўлиб ўтган сўроқда бу ҳақда маълумот бериб, шундай деган: «1929 йилнинг ёзида, Самарқандда, Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссариатининг ўринбосари Боту мени ўз уйига таклиф қилди. Мен ўша кезларда МХКнинг Бош ижтимоий тарбия бўлими (Главсоцвос)да мудир сифатида хизмат қилар эдим. Ботунинг уйига келсам, у ёлғиз экан. Ўзбекистондаги аҳвол ва миллий кадрларни сақлаш зарурлиги мавзусидаги узоқ давом этган суҳбатдан кейин у менга бундай деди: «Биз ҳозир... «Миллий иттиҳод»дан бошқа, янги қўмитани ташкил этиш олдига турибмиз. Бу қўмита ўз олдига аниқ вазифаларни қўяди. Мунаваар қори сингари кишиларнинг бутун фаолияти мамлакатимизга доғ туширди. Биз Мунаваар қори билан алоқамизни узиб, ишини янгиладан бошлашимиз лозим».

Тахминан бир ҳафтадан кейин мен Боту билан иккинчи марта учрашдим. Учрашув бу сафар менинг уйимда бўлди... У менга ош дамлаб туришни буюрди. Ошдан кейин эса мен ундан сўрадим: «Айтинг-чи, Боту, мени жалб этмоқчи бўлган ташилотингизда яна кимлар бўлади!»... Мен хирилик қилаверганимдан кейин Боту ташилотга жалб этишни мўлжаллаган кишиларнинг исм-шарифларини айтди... У қуйидагиларни тилга олган эди:

1. Юсуф Алиев.
2. Парпихўжа.
3. Абдулла Алавий.
4. Назирқулов.
5. Маъруф Расулий.
6. Наим Саидий.
7. Абдусалом Ниёзий.
8. Собир Қодиров.
9. Боис Қориев.
10. Назрулла Иноятов.
11. Фитрат.
12. Чўлпон.
13. Элбек.

Бу рўйхатдаги кишилар орасида Рамзий ҳам бўлган...

Мен бу ташилотнинг қай тарзда узилик шаклланиганидан хабардор эмасман, аммо шунга аминманки, Боту акамни ўлдирди ҳақидаги топшириқни шу ташилотнинг номидан берган».

Маориф комиссариати қошида аксилинқилобий ташилотнинг мавжудлиги ҳақидаги бу сўзларни сўроқ пайтида Ҳосил Восилов, Хайруллахон Алавий, Олтой, Собир Қодиров, Ботир Ғуломовлар ҳам тасдиқлаб, бу ташилот ва унинг фаолияти тўғрисида янги маълумотлар берган. Жумладан, 6 август куни берган кўрсатмасида Боис Қориев (Олтой) ташилотнинг Совет ҳукуматида келтирган зарарларини ўн тўққиз моддада баён этиб, сўнг бундай хулоса чиқарган: «Шундай қилиб, Маориф Халқ комиссариатидаги ишмизда биз партия ва ҳукуматнинг барча қарорларини онгли равишда ва қасддан бузиб келдик. Шу нарса характерлики, Носир Саидов менга ижтимоий тарбия бўлимини топшира туриб, ёстиқдек келадиган партиявий ва бошқа қарорларни кўрсатди-да, деди: «Мана, кўрдингми, келди дегунча шу ерга тикиб қўяверсан...» Олтой бу сўзларини 6 август куни бўлган сўроқ пайтида айтган.

Агар тергов Тошкент ва Москвада икки ярим йил мобайнида давом этгани ва маҳбуслар «сотмаган» бирор зиёли қолмаганини назарга олсак, 1930 йил Ўзбекистон учун ва бутун ўзбек халқи учун 37-йилнинг бош репетицияси бўлганини англаш қийин бўлмас керак.

Бугун бу тергов материалларини ўқир экансиз, айниқса Маориф халқ комиссариатининг ўринбосари, таниқли шоир Боту (Маҳмуд Ҳодиев) берган гувоҳликлардан тезда сочингиз тик бўлиб, инсон зотининг шунчалик паст кетиши мумкин эканлигидан беихтиёр ёқангизни ушлаб қоласиз. Боту дастлабки сўроқларнинг биридеяқ комиссариат қошидаги аксилинқилобий ташилот аъзоларининг 92 кишидан иборат рўйхатини берган. Бу рўйхатдаги кишилар орасида ўша пайтдаги ўзбек зиёлиларининг барча гуллари бўлган. У навбатдаги ҳар бир сўроқда шундай маълумотлар беришда давом этгани, гўё барча ўзбек зиёлилари фақат аксилинқилобий миллатчи унсурлар бўлган-у уларнинг асосий мақсади ва иши Совет ҳукуматини ағдариб ташлашга қаратилган экан, дейиш мумкиндек.

Боту, жумладан, 1930 йил 28 август куни бўлиб ўтган сўроқда бундай маълумотларни берган: «Бизнинг аксилинқилобий ташилотимизга раҳбарлик қилувчи марказ УзКП(б) МҚнинг таниқли аъзолари, IV партикурултойда урилган эски аксилинқилобий ташилотларнинг раҳбарларидан ташкил топган эди. Чунончи:

1. Акмал Икромов, УзКП(б) Марказий Қўмитасининг котиби, таниқли тошкентлик руҳоний — домудла Икромхоннинг ўғли, таниқли савдогар-аксилинқилобчилардан бўлмиш Шераҳмадбоевларнинг қариндоши. «Изчи тўда» деган ёшларнинг ярим ҳарбий, аксилинқилобий ташилотининг ташаббускорларидан бири. 20—22-йилларда Фарғона водийсида босмачилик ҳаракатини ташкил этган пантуркистлар махфий аксилинқилобий ташилотининг фаол аъзоси...»

Боту комиссариат қошидаги аксилинқилобий ташилотга раҳбарлик қилувчи марказнинг Абдуллажон Каримов, Абдулхай Тожиев, Маннон Рамз сингари олти нафар аъзосининг номларини бирма-бир айтиб, уларга ҳам шундай муфассал таъриф ва тавсиф берган. Сўнг яна маълумот беришда давом этиб шундай деган:

«Аксилинқилобий ташилотнинг асосий ўзаги мана шулар. Улар атрофида турли гуруҳ ва айрим шахслар бирлашган бўлиб, бу гуруҳ ва шахслар қарийб ҳар бир совет идораси ва ҳар бир партия ташилотига ўрнашган. Бу гуруҳлар ораси-

даги энг асосийлари: 1) Маориф халқ комиссардаги менинг гуруҳим 2) Олий Суддаги Қосимовнинг гуруҳи; 3) Марказий Икромия Қўмитасидаги Воис Раҳимий гуруҳи».

Ботунинг гувоҳлик беришига кўра, бундай аксилинқилобий гуруҳлар марказдаги барча давлат ва партия идораларидагина мавжуд бўлмай, барча округларда ҳам томир ёйган. Лекин у жойлардаги бундай гуруҳ ва шахсларни яқиндан билмагани учун бу сафар фақат Маориф комиссариатидаги ўзи бошчилик қилган гуруҳ аъзолари С. Қодиров, Б. Қориев, Р. Шокирбеков, Л. Алавий, У. Салимий, М. Воҳидов ва бошқаларни тилга олган ва бу гуруҳнинг ўзи ҳамда Рамзий орқали марказ билан алоқада ишлаганини айтган. Хуллас, Боту ўз сўроқномаларида шундай манзара яратганки, гўё ҳар бир ўзбек зиёлисининг юрагида Совет ҳукуматининг ашаддий ва муросасиз душмани яшаган, дейсиз. Натжидада Боту сингари, Рамзий ва Олтойлар сингари гўё фақат аксилинқилобчилар уя қуриб олган Маориф халқ комиссариатида ўз олдига Совет давлатини ағдариб ташлаб, буржуа жумҳуриятини барпо этиш режасини қўйган аксилинқилобий ташилотнинг мавжудлиги исботланган. Бошқа барча маҳбуслар ҳам шу хулосани тасдиқлаганлар.

Хуллас, 1933 йил 31 март кунинда якунланган суд қарорига кўра, Маҳмуд Боту, Носир Саидов, Маннон Рамзий, Собир Қодиров, Боис Қориев, Ҳосил Восилов, Хайруллахон Алавий, Қаюмхўжа Алиев, Қамчинбек Абдуллаев ўлим жазосига ҳукм этилган ва шу суд мажлисининг ўзидаёқ бу жазо 10 йиллик қамоқ муддати билан алмаштирилган; Лутфулла Алавий — 10 йилга, Махсуд Воҳидов, Саидахмад Назиров, Усмон Салимов, Раҳим Шокирбеков ва Ботир Ғуломов — 5 йилга, Фатҳиддин Алимов эса 3 йилга қамоқ ёки сургунга ҳукм этилган. Бу қамалган маорифчиларнинг аксар қисми гарчанд муддатидан олдин озод қилинган бўлса-да, 1937 йилда, баъзилари эса 40-йилларда ҳам қайта-қайта териб олиниб, охири отиб ташланди ё қамоқ муддати ўтаган жойларда бир умрга қолиб кетди.

Машъум «Наркомпрос иши» ана шундай натижа билан якунланди.

Хўш, Ўзбекистон Маориф халқ комиссариатида чиндан ҳам аксилинқилобий ташилот бўлгани! Боту ҳам, бошқа маҳбуслар ҳам ўзларига қўйилган айбларни қийоқ остида бўйинларига олган эмасмикан! Обид Саидов, чиндан ҳам, шу ташилот томонидан захарланиб ўлдирилганми!.. Бугун бу саволларга жавоб бериш вақти етиб келган.

Совет Иттифоқи Коммунистлар партиясининг XX съезидан кейин қатағонлик йилларида бегуноҳ қурбон бўлганларини оқлаш масаласи кун тартибига қўйилганда, Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссариатида биринчилардан бўлиб «Наркомпрос иши» қайта ўрганилди. Аммо, афсуски, бу масала билан шуғулланган шахслар юқоридаги саволларнинг ҳаммасига ҳам жавоб бермаганлар. Масалани ўрганишга жалб этилган баъзи бир келса чекистларда эса ҳамон эскича қарашлар ружу қилиб турарди.

50-йилларда бадий ижод билан шуғулланган собиқ чекистлардан бири — А. В Станишевский (Азиз Ниалло) 1958 йилда берган ёзма маълумотномасида қосимовчилар устидан бўлиб ўтган суд жараёнини эслаб, бундай ёзган: «...Миллатчилар саросимага тушиб қолдилар. Натжидада бош айбловчи гувоҳ Обид Саидов маргимуш билан захарлаб ўлдирилди. [Дарво-

қе, унинг заҳарлаб ўлдирилмаганлиги тўғрисида ҳозир ўралашиб қолган гаплар тўғри эмас.) Уликхонада жасадни ёриб кўриш пайтида Шарқий бўлим ходими Қосимхон Зокировчи Муҳамедов иштирок этган. Жасадни ёриб кўрган врач маргимуш марҳумнинг ошқозони деворчаларини заҳарлаб куйдириб юборганини унга кўрсатган.»

Аммо Обид Сандовнинг маргимуш билан заҳарлаб ўлдирилиши 1930 йилда ҳам, кейинчалик ҳам айрим мутахассисларда шубҳа уйғотган. Улар фикрига кўра, марҳумнинг ошқозони деворчаларидаги ўша излар маргимуш оқибатида ҳам, бошқа

амалпарастлик қилиб, дўқ-пўпсига эрк берган бўлишлари мумкин, лекин, такрор айтманки, менда аниқ фактлар йўқ.

Лекин 30-йиллар тегирмонидан омон-эсон чиқиб, 50-йилларга етиб келган маъбуслар бу масалада бутунлай бошқача маълумот берадилар.

Ботир Фуломов [1932 йил 23 февралда МБСБга ёзган аризасидан]:

«Терговчи Гепштейн биринчи сўроқда мендан «Сени нимага қамоққа олишди!»— деб сўради. Мен «Билмайман»,— деб жавоб бердим. У: «Наркомпросдаги ходимларнинг ташкилотидан хабаринг борми!» деб сўради. «Йўқ»,— деб жавоб бердим.

батан кичик бир ташкилот, баҳонада Сизнинг ишингиз ҳам анча енгиллашадим», деб мени бу ташкилотга аъзо бўлганимни тасдиқлаб олмоқчи бўлди... Ҳақиқатда эса бундай ташкилот йўқ эди.» Маъбуслар бу сўзларни айтганларида, кўрган кечирган азобларини ошкор қилмаслик ҳақида тилхат берганларини доимо ёдда тутар эди. Шунинг учун ҳам улар Москва, айниқса Тошкент қамоқхоналарида кўрган азоблари тўғрисида қимтиниб гапирган.

Энди сўзни собиқ чекистларнинг ўзидан эшитинг.

К. З. Муҳамедов [1958 йил 1 октябрда берган гувоҳномасидан]: «МБСБ да 1929—



физиологик ўзгаришлар натижасида ҳам содир бўлган бўлиши мумкин.

Марҳумнинг рафиқаси Ҳилола Сандованинг ўша вақтда берган маълумотига кўра, Обид Сандов укасининг ва самарқандлик меҳмонларнинг келишидан беш кун аввал, 15 июнда ҳам ўзини нохуш сезиб, қорни оғриётганини айтган. Шу куннинг ўзидаёқ у ичбуруғ касалига мубтало бўлиб, боши ҳам оғриганидан шикоят қилган. Аммо ўша атрофда истиқомат қилган хитой табиби келиб, унга доридармон ёзиб берганида, у дори ичмаган. Эртасига ўзини бир қадар дуруст ҳис қилган бўлса-да, доим оғзи қуриб, юрак атрофи безовта қилиб турган. Шунга қарамай, у ишга борган, ҳаттоки 17 июнда дўсти Тошпўлат Сулаймоновнинг уйида тунаб, биргалиқда ҳисобот ёзганлар. 18 июнда ҳам ичи күйиб, тинмай сув ичган... Хуллас, Носир Сандов келгунга ва Файзулла Хўжаевнинг уйида лағмон егунга қадар ҳам унда «заҳарланиш» белгилари бўлган. Хўш, шундай бўлгач, уни самарқандлик маорифчилар, чунончи, унинг туғишган укаси маргимуш бериб заҳарлаган, деган мишмишга ишониб мумкинми!

Бордию уни ҳеч ким заҳарламаган бўлса, нима учун Маориф халқ комиссариати ходимлари тергов пайтида йўқ айбларини бўйинга олганлар! Балки улар қийноқ остида ё бошқа муҳимроқ сабабга кўра шундай қилишга мажбур бўлгандирлар!

Кекса чекистлардан бири — А. П. Чепиго 1958 йил 24 сентябрда берган кўрсатмасида бундай сўзларни айтган: «Бутун масъулиятни зиммамга олиб шунини маълум қиламанки, 1929—30 йилларда ҳибсга олинганларни сўроқ қилиш пайтида жисмоний тазйиқ чоралари қўлланилмаган, шунинг учун ҳам ўша даврда берилган гувоҳликларга ишончсизлик билан қарашга менда ҳеч қандай асос йўқ». Аммо А. П. Чепиго бундай қатъий баёнот беришига қарамай, яна қуйидаги ҳолни эътироф этишга ҳам ўзида эҳтиёж сезган: «Яна шуниси борки, МБСБ [Махсус Бош Сиёсий Бошқарма]нинг баъзи бир ходимлари

Кечқурун иккинчи сўроққа мени уч киши судраб олиб чиқди. Сўкиб-сўкиб мени отиб ташлашларини айтишди. Сўкавериб чарчаганларидан кейин: «Сени отиб ташлаймиз, онанга хат ёз! Бундан кейин кўёш нурини ҳам, ёруғ дунёни ҳам, онангини ҳам кўрмайсан!» дейишди. Эртасига тагин сўроқ қилди. Терговчи: «Адабий кечалар ҳақида гапир!» деб туриб олди. Мен гапирдим... Терговчи ёзди, мен қўл қўйдим. Бошқа сўроқ бўлмади. Кейин у мени чақириб, ёзганларини ўқиб берди ва менга қўл қўйишни буюрди. Мен «Бу сўзларни айтмаганман, бошқа гапларни ёзиб-сиз», деганимда, у «Кеча қўл қўйгансан, энди тониш ярашмайди», деб сўқди ва мен имзо чекишга мажбур бўлдим.»

Маннон Рамзий [1937 йил 10 октябрда берган маълумотидан]:

«...Али [терговчи — Н. К.] мени сўроққа чақирса ҳам, ҳеч нарсани суриштирмай, бошқа қандайдир манбалардан олган фактларни қайдиномага ёзар, кейин менга қўл қўйишни таклиф этар эди.»

Бонс Қориев [Олтой] [1957 йил 17 июнда берган маълумотидан]:

«...Дастлабки кунданоқ мени камерада уч киши — Зибрак, Гепштейн ва Али сўроқ қила бошлашди. Улар аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилотига иштирок қилганимни эътироф этишимни талаб қилдилар... Билмадим, бир неча кундан кейин бўлса керак, яна келиб, мени кун бўйи қийнаб, сўнг кечаси сўроққа олиб чиқдилар. Мени шу даражага олиб борган эдиларки, ҳатто ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қолган эдим. Едимда йўқ, кейин маълум бўлишича, мен ярим беҳуш ҳолатимда аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига қатнашганим ҳақидаги аввалдан тайёрланган қайдиномага имзо чеккан эканман. Иккинчи кунги камерага келиб, «Сиз, чиндан ҳам, «Миллий иттиҳод»га эмас, балки «Ғайратчилар» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига мансуб экансиз. Бу ҳақда Хайрулла Алавий билан Ҳосил Восиловлар кўрсатма бердилар», дейишди. Терговчи: «Бу, «Миллий иттиҳод»га нис-

30 йиллардаги тергов олиб бориш шароитини тавсифлаб, шунини айтишим мумкинки, бу даврда маъбусларни сўроқ қилиш пайтида «конвейер усули» қўлланилар, яъни маъбуслар уч-тўрт сутка давомида ухлаш имконига эга бўлмай, тинимсиз равишда сўроқ қилинар эди. Баъзи бир оператив ходимлар қўлларига ҳам зўр берар эдилар, аммо маъбусларни калтаклаш ўша вақтда система сифатида расм бўлмаган. Маъбусларга нисбатан қўлларига эрк берган шахслар орасида мен Агидуллинни кўрсатишим мумкин. Мен унинг кимнидир калтаклаганини кўрган бўлмасам ҳам бунини унинг ўзидан эшитганман.»

А. В. Станишевский [ўша ёзма кўрсатмасидан]: «Боту иши билан иңқилобга қадар Келдишев фамилиясида юрган Агидуллин Муҳаммад бевосита шугулланган. Ўз касбига пухта тайёрланган [чунончи, чор армиясининг поручиги сифатида ҳарбий жиҳатдан ҳам] Агидуллин жуذا фаол киши эди. 1921 йилда Олмаотада бўлган қандайдир тўқнашувдан кейин у партия сафларидан четда қолган... Дарвоқе, Фурманов ўзининг «Исён» номли машҳур китобида Агидуллиннинг мушкул бир даврда қандай ижобий роль ўйнаганини тасвирлаган. Агидуллин кам гап, айни пайтда қаттиқ қўл киши эди; виждонига қарши қарийб иш тутмаган ва ҳар доим ўз эътиқодига кўра ҳаракат қиларди. Агидуллин ашаддий душманларига қандай муносабатда бўлган бўлса, миллатчиларга ҳам шундай муносабатда бўлган...» Бу сўзларни шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмас керак.

Аммо маъбусларга нисбатан Тошкентдаги муносабат Бутирька қамоқхонасидаги муносабатга нисбатан ҳолва бўлиб қолди. Терговчилар маъбуслардан керакли маълумотни ундириш ё ўзлари тайёрлаган сўроқ қайдиномаларига имзо қўйдириш учун ҳар қандай ярамас ишларга тайёр эди. Алдаш, қўрқитиш, қийнаш уларнинг синалган қуроллари бўлди. Саратон кунлариде Тошкентда ҳибсга олинган ва шу тўғайли енгил-елпи кийинган маъбуслар

ялангоч семон полда 18 суткалаб ётган. Натижада улар турли касалликларга чалинган. Хайруллахон Алавий эса ювишга берган ички кийимини пули йўқлиги сабабли бир ой давомида ололмай, семон полда ярим ялангоч ҳолда ўтиришга мажбур бўлган. Маҳбустларнинг Маориф халқ комиссариатидаги аксилнқилобий ташилотнинг мавжудлиги ҳақида гувоҳликлари ана шундай хўрлаш, алдаш ва қийнаш эвазига олинган.

Ўзининг бу дўзахдан омон чиқишига ишонмаган Қаюмхўжа Алиев қамоқхона касалхонасида туриб, қариндош-уруғларига бундай фарёд тўла сўзлар билан муражаат этди:

«Муҳтарам адам, синглим Азизахон, рафиқам Муаззамхон, қизим Ҳамидахон ва ўғлим Умидга

СЎНГИ СЎЗИМ

...Муҳтарам адам! Мен Сизга ўз фарзандларим Ҳамида ва Умидни топшираман. Сизнинг қалбингиз етим-есирларни яхши кўради, Сизнинг кўзларингиз ҳаммаша раҳм-шафқат билан тўла. Шунинг учун ҳам бу фарзандларни мендан кўра яхшироқ тарбиялаш учун бутун куч-қудратингизни бағишлайсиз, деб умид қиламан.

Ҳурматли синглим Азизахон! Биз иккимиз ота-онасиз қолиб, муҳтарам адамининг қанотлари остида катта бўлдик ва ота-онамининг йўқлигини сезмадик. Сен хафа бўлма, қайғурма ва йиғлама. Мен сени жуда-жуда кўргим келади, лекин на илож. Сенга узоқ умр, бахт-соодат ва фарзандлар иқболини кўришни тилайман.

Азиз қизгинам Ҳамидахон ва ўғлим Умид! Кўзимнинг нури, ҳаётим сурури азиз фарзандларим! Мен Сизни кўришни, ўзим тарбиялаб ўстиришни истаган эдим, аммо бунинг иложи бўлмади. Мен сизларни муҳтарам адам ва Муаззамхонга топшираман... Мен сизларга тиббий маълумот беришни улардан илтимос қилдим. Сизлар мендан қолган барча нарсани онангиздан оласизлар.

Ҳаммангизни ўпиб, Алиев».

Бу қон билан ёзилган сўзларни орадан неча йил ўтган бўлса ҳам ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Афсуски, бу хат гарчанд рус тилида ёзилган бўлса ҳам, ўз вақтида Қ. Алиевнинг уйига юборилмай, унинг шахсий ишига тикилган.

1957—1958 йилларда «Наркомпрос иши» қайта ўрганиб чиқилгач, мутасадди ҳайъат бундай адолатли хулосага келган: «...Аммо эйкр этилган шахслар [Ходиев, Саидов, Қодиров, Қориев, Алавий, Салимий ва Ғулломов]нинг гувоҳликлари Наркомпросда советларга қарши «Миллий истиклол» ташилотининг филиали бўлганлигининг объектив исботи бўла олмайди.»

Демак, Обид Саидовнинг заҳарлаб ўлдирлиши ҳам, Боту бошчилигидаги Маориф халқ комиссариати масъул ходимларининг аксилнқилобчиликда айбланиши ҳам бошдан-оёқ ўйдирма экан. Аммо бу ўйдирма туфайли қанчадан-қанча одамлар умри ҳазон бўлди.

Энди бир савол туғилади. Ҳар ҳолда Тошкентда кечган тергов пайтида маҳбустларга нисбатан кейинроқ ўйлаб топилган қийноқ усуллари қўлланилмаган. Шундай бўлгандан кейин, наҳотки, ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам айбсиз эканликларини айта олувчи бирор мард топилмаган бўлса!! Энди шу мушкул масаладаги Ботунинг ролига келсак.

Бугун, орадан олтимиш йил ўтгандан кейин, аиниқса Ботунинг ўзи ҳаёт бўлмаган, кўп сирларни ўзи билан бирга олиб кетган бир шароитда бу борада бирор ҳақ гапни айтиш гоят мушкулдир. Аммо шунга қарамай, унинг рафиқаси Валентина Петровна Васильеванинг 1957 йил 30 майда, қайта тергов пайтида берган кўрсатмаларида эътиборга сазовор фикрлар бор.

Ниҳоят, яна бир масала. Совет жаҳияти тарихида рўй берган адолатсизликларнинг асосий сабабчиси—Сталин пойдеворини қурган сиёсий тузумдир. Чекистлар узоқ йиллар мобайнида ана шу тузумнинг содиқ посбони бўлиб келдилар. Аммо шу билан биргаликда 30-йилларда 20 минг нафар тажрибали ҳамкасбларидан жудо бўлган чекистлар ушбу тузумнинг дастлабки қурбонлари ҳам эди. Уларга ҳам, бутун совет халқига ҳам катта талафот ва офатлар келтирган сиёсий тузум халқнинг парокандалиги, ижтимоий онгининг пастлиги, маданий қолоқлиги, ички низолар ва келишмовчиликлар иқлимида яшаганлигидан фойдаланди.

...Кўрсатма мавзуга бироз ойдинлик киритган кўринса ҳам, аслида бизни янада зулмат қаърига етаклаб бормоқда. Агар Боту рафиқасининг сўзлари ҳақиқатга яқин бўлса, у ҳолда Акмал Икромовга Узбе-

кстондаги «миллатчилик»ни фош этишининг нима нафи бор! Маориф халқ комиссариатидаги эски ўзбек зиёлиларининг оёғига болта уриш билан у нимага эришмоқчи бўлган! Умуман, В. П. Васильеванинг бу сўзларига ишонши керакмикин!

Мендаги ички овоз «йўқ!» деб жавоб бермоқда. Лекин яна шуниси ҳам борки, ҳар ҳолда бошқа маҳбустларга нисбатан бироз имтиёзли шароитда бўлган Боту нима учун хибсага олинган дастлабки кунидан бошлаб терговчилар сўраса-сўрамаса Ўзбекистондаги аксилнқилобий ҳаракатга оид даста-даста гувоҳликлар ва ҳатто «рисола» деб аташ мумкин бўлган маълумотномаларни ёзиб берган! Назоратчилар унинг қайси хизматлари эвазига қамоқхонада «Сўнги видео» (рус тилида) деган дoston, «Тоғ қизи» деган қисса ва «Ҳаёт тўлқинларида» деган ромон ёзишига имконият яратиб берганлар! У нимага асосланиб, рафиқасига 10 йиллик қамоқ жазосини тўла ўтамай туриб озод бўлажагини айтган!..

Маълумки, 1929 йилнинг 23—29 апрель кунларида бўлиб ўтган ВКП(б)нинг 16-конференцияси (Ярославский маърузаси юзасидан «ВКП(б) аъзолари ва номзодларини тозалаш ҳамда текшириш тўғрисида» қарор қабул қилган. В. П. Васильеванинг айтишига кўра, Акмал Икромов 1929 йил мартда Москвадан қайтиб келгач, яқин кишилари даврасида сўнги сафардан олган таассуротлари билан ўртоқлашган. В. П. Васильеванинг сўзларига қисман таянган ҳолда тахмин қилиш мумкинки, Акмал Икромов Москвада Сталин билан учрашганида, партиянинг 16-конференциясига, ҳусусан унинг тозалаш тўғрисидаги масаласига тайёргарлик кўраётган «халқлар доҳийси» у билан шу мавзуда ҳам суҳбатлашган. Хуллас, Москвада Сталин ва унинг маслакдошлари томонидан режалаштирилган тозалаш кампаниясининг Ўзбекистондаги «қалдирғочи» сифатида «Наркомпрос иши» ташикл этилган.

МУАЛЛИФДАН. Ушбу мақолалар туркумининг пайдо бўлишида яқиндан ёрдам берган ва архив материалларига йўл очган Ўзбекистон Давлат Хавфсизлик Қўмитасининг Жамоатчилик билан алоқа марказига миннатдорчилик билдираман.

(Давоми келгуси сонда)

ҚАЛБАКИ ТАНГА ГУВОҲ

Олтин Урда ўзининг тангаларини зарб қилганлиги тарихчиларга аллақачондан бери маълум. Лекин ҳеч ким уни тайёрлаш технологиясини текшириб чиқмаган. Олтин Урдадаги танга зарб қилиш ишидан гувоҳлик берувчи ҳеч қандай материал ҳам, тасвир ҳам сақланмаган. Совет олимлари бу тангалар симдан зарб қилинган деб тахмин қилдилар. Кутилма-

ганда археологларнинг Тошкент яқинидан топган ўрта асрдаги қалбаки танга ясовчи кишининг устахонаси бу илмий фаразни тасдиқлади. «Ҳақиқий» тангани тайёрлаш учун у Олтин Урдадаги танга зарб қилиш технологиясидан фойдаланган. Устахонадан топилган асбоблар — болга омбир, сим ясайдиган асбоб, металл қирқиш учун қайчилар бу ерда танга симдан ясалганлигидан гувоҳлик беради. Махсус станок ёрдамида сим тайёрланган, кейин цилиндр шаклида кесилиб ясыланган, қиздирилган ва ҳосил бўлган темир парчасига керакли тасвир зарб қилинган.

СУМКАГА ЖО БЎЛАДИ

Франциянинг Лангедок-Руссийоне шаҳридаги Архитектура мактабининг талабаларидан бири ногиронларга мўлжалланган оғирлиги уч килограммли йиғма курси ихтиро қилди. Уни диаметри 60 ва қалинлиги 12 сантиметрли гардишсимон сумкага жойлаштириш мумкин. Унинг конструкцияси таркибида занглайдиган материал йўқ. Шунинг учун бу курсида ҳатто сувга тушиб чўмилиш ҳам мумкин. Ҳозир ихтирочи бу курсини ишлаб чиқаришни хоҳловчи корхонани қидирмоқда.

НУРЛАНИШДАН САҚЛАЙДИ

Совет мутахассислари АЭС даги баъзи ишлар пайтида кийиш учун махсус кийим яратдилар. У дезактивлаштирилган материалдан тайёрланган бўлиб, бир неча мартаба фойдаланиш мумкин. Костюм 300° ҳароратга бардош бераолади ва альфа —, бета—нурларидан тўла ҳимоя қилади. У Калининдаги АЭС да синовдан ўтказилди ва ижобий баҳо берилди. Бу кийим станциядаги асбоб-ускуналарни ремонт қилиш ишлари билан шуғулланадиган кишилар учун нурга қарши ишончли ҳимоядир.

«Фан ва турмуш»нинг 1990 йилги 12-сонинда берилган «Сирли ҳодисалар: «ФТ-91» номли мақолада жуда кўплаб ва бир-биридан қизиқарли режалар баён қилинган ва шу мавзулардан қайсиниси тўғрисида батафсилроқ маълумот олишни истайсиз, деб сўралган эди. Мавзуларнинг бари қизиқарли бўлса қайси бировнинг танлайлик ахир!

Лекин мени Москванинг ер ости йўлларини пайдо бўлган баҳайбат каламушлар қизиқтириб қолди. Улар қаердан келган, катталиги қандай! Уларга қарши чиндан ҳам автоматлар ишлатилмаптими! Шундай батафсил маълумот берсангиз.

Муборак АБДУРАҲМОНОВА,

Марғилон шаҳри, Навоий кўчаси, 146-уй.

Экологиянинг бу хил жумбоқлари турли ёшдаги, турли касбдаги кишиларни қизиқтириш табиий. Москвада пайдо бўлган баҳайбат каламушлар билан жанг ҳақида муфассал ҳикоя қилишимиз сўралган ўнлаб мактублар олаётимиз. Бу улкан йиртқичлар мутация оқибатида пайдо бўлган. Ушбу ҳодиса табиатга лоқайд муносабатда бўлиш қандай экологик фоживаларга олиб боришни кўрсатувчи оғоҳлантиришдир. Кўплаб муштарийларимизнинг илтимосларига биноан шундай фаройиб ҳодиса тўғрисидаги мақола «Время» ахборот-тижорат хабарномасининг 1990 йилги 6-сонидан таржима қилиб бераётимиз.



Алексей КУЗНЕЦОВ

Мени пастга бирга олиб тушишга рози бўлиб Роман Скворцов таваккал қилаётганини тушуниб турардим. Ун саккиз кишилик отрядда етти киши Афғонистонда хизмат қилган десантчилар, бошқалар эса, Романи ҳам қўшиб ҳисоблаганда, — денгиз пилдалари. Ҳаммаси собиқ, албатта. Хуллас, бунақанги даврдан аждаҳо ҳам қутулиб қолмайди.

Отряд фавқулодда шароитларда хизмат қилиш учун тузилган. Мен эса Москванинг ер ости йўлларини сирли махлуқлардан тозалашга бел боғлаган бу кишилар билан бир кечагина бирга бўлишни орзу қилардим.

Бу махлуқлар ниҳоятда баҳайбат — узунлиги бир метрча, баландлиги 70 сантиметрга борадиган малла ва кулранг каламушлардир. Москвада шундай каламушлар пайдо бўлгани ҳақидаги дастлабки хабарлар 1989 йилга тегишли: ўшанда бу йиртқичлар газ тармоғига хизмат кўрсатувчи монтерларга даф қилишганди. Одатдагидек бу ҳикояларга ҳеч ким ишонмади. Бироқ янги-янги далил-исботлар борган сайин кўпайиб кетаверди. Баҳайбат каламушлар ахлатхоналарда изғиб юрадиган бўлишди, гўшт комбинатларига ёппасига ҳужум қила бошлашди. Энг қаҳрли итлар ҳам улардан ўлгудай қўрқар, йиртқичларга заҳар ҳам кор қилмасди.

Эски Моссовет курашни ана шу сурбет йиртқичлар туғилиб яшайдиган жойларга, яъни канализация коллекторлари, ярим вайрона ер ости йўллари, метро туннели (машинистлар поезд чироғида кўзлари ёниб, ёли ҳурпайиб турган баҳайбат каламушлар ҳақида кўп марта хабар беришганди), телефон қудуқларига кўчирилмас экан, уларни йўқотишдан умид йўқ, деган қарорга келди.

Олдинга анча машаққатлардан кейин ва катта хавф-хатар остида учта махлуқни тутишга муваффақ бўлинди. Оғирлиги 25—30 килограмм келадиган, бошдан-оёқ ёвузликка лиммо-лим бўлган темирдай пайларни кўриш қўрқинчли эди. Йиртқичлар янги-янги заҳарларга ҳам ажабтовур мослаша олар, йўғонлиги бир сантиметр келадиган ханжар тишлари қафаснинг пўлат симларини бемалол

қирқиб ташлар, шароитга мослашиш ва ақллиликда эса улар итлару одамсимон маймунларни ҳам йўлда қолдириб кетишарди.

Баҳайбат каламушлар оддий каламушлардан қарийб ҳеч нимаси билан фарқланмайди. Улар — оддий каламушларга юқори даражадаги радиация, кимёвий моддалар ва электроҳанрабо майдонларнинг ялли таъсири натижасида вужудга келган мутация оқибатидир.

Ҳозир аҳвол ниҳоятда хатарли. Баҳайбат каламушлар Москва бўйлаб тарқалиб кетишига бир амаллаб монелик қилиб турилган бўлса ҳам, шаҳарнинг ер ости қаватларини улар тўлиқ эгаллашган. Бу махлуқлар телефон кабелларини, шу жумладан, ҳукумат алоқаси кабелларини узиб ташлаяпти, метрода сигнализацияни ишдан чиқараяпти, улар туфайли ас-сенизатор ва газчилар коллекторларга тушишга қўрқишаяпти.

...Скворцов йўл-йўриқ берапти: — Иккала қулоғинга қуйиб ол. Каламушни кўрдингми — тошдек қот турган ерингда. Шунда бир амаллаб қутулиб қолишиг мумкин. Худо кўрсатмасин, каламушга орқангни ўғирдингми — ажалинг етгани шу. Тушундингми!

Бош ирғайман. — Қурол бермайман қўлингга, саросимада ҳаммамизни отиб қўйишиг мумкин. Манави найзани ол. Каламушнинг ё кўзларига ур, ёки жағига...

— Умуман олганда, — дейди биз кийинаётганимизда қўриқчиларимдан бири Виктор Колосов, — Москвадек шаҳри азим учун атиги 18 кишилик отрядимиз нима деган гап ахир! Каламушлар билан курашга ҳозирнинг ўзидаёқ 150—200 жангчини ташлаш керак. Агар ҳозир шундай қилинмаса, бир йилдан кейин бутун бошли полк керак бўлади...

Москва метрополитени қувват шинасидаги кучланишдан эндигина узилган. Платформа охиридаги тор металл эшикдан туннель ичига тушамиз. Ҳар кунги, энг оддий жанг бу. Навбатчи гуруҳ ҳар кун ер ости йўлларининг муайян қисмини ўтиб, учраган каламушларни қириб ва ўтган галдан

ЕХУД МОСКВАДАГИ БАҲАЙБАТ КАЛАМУШЛАР БИЛАН ЖАНГ

кейин пайдо бўлган уяларни ёндириб чиқади.

...Қуролим бор-йўғи найзадан иборатлиги учун гуруҳ марказида бораяпман. Бошқаларнинг ҳар бирида десантчилар учун мўлжалланган замонавий автомат. Патронлар ҳам оддий эмас, зотан, баҳайбат каламушларни фақат портловчи ўқларгина ўлдира олади. Гуруҳ қуроллари орасида яна асабни фалажловчи газ баллони, шунингдек, огнемёт ҳам бор.

Ер остидаги сукунатни ногаҳон автоматнинг тариллаган овози бузади. Павлюченко девордаги камгакдан тишларини иржайтирганча унга ташланган каламушни тинчитган эди. Камбар йўлакларда бир қатор бўлиб тизилиб юриш ўта хатарли: зеро, рўпарадан бўладиган ҳужумни тикилинч жойда битта, зўр келса иккита одам қайтара олади. Лекин бу ҳали ҳужум эмас, деб тушунтиради Виктор ўгирилиб. Бор-йўғи битта каламушнинг ҳамласи, холос.

Йўлаклар чорраҳасига чиқиб, чапга буриламиз. Совуқ кучаяди. Йўл энди пастга қараб кетди. Оёқ остида сув шалоплайди. Деворлару шифтда томчилар ялтирайди. Панжара билан тўсилган камгаклар, ярим вайрона равоқлар эътиборимни тортади... Бунақа жойда ёлғиз юришдан ўзинг асра, худо...

Қудуқ тубига ўхшаш кенгроқ ерга чиқдик. Худди буйруқ берилгандек бешта одам олдимда, бештаси орақамда занжирдек тизилиб, йўлакни тўсиб олди (Роман мени нега ўртага қўйганини шунда тушундим). Шу аснода ўнга автоматнинг ҳаммаси бараварига тариллай кетди.

Тасира-тусур ўқлар шувласида ва кўкрак чироқларининг ўйнаётган нурларида кўришга улгуриб қолганларим нақ қиёмат қойимнинг ўзгинаси. Бўшлиқдан, зулмат қаъридан тишлари иржайган, қонга тўла кўзлари ёвузликдан ёнаётган махлуқлар ўқдек отилиб чиқаяпти. Қаердадир ён томонда қудуқ ичига чақмоқ қулаб тушгандек бўлди: огнемёт ҳам ишга тушганини сезиб қоламан.

Жанг сурони қанчалик ногаҳон бошланган бўлса, яна кутилмаганда тўхтайтиди. Тишлари иржайган ўн тўртта каламуш ажали етган жойда чўзилиб ётибди. Колосов кулади:

— Кам кўринаятими! Каламушни ҳатто бизнинг портловчи ўқ билан ўлдириш ҳам бағоят мушкул... Анчагинаси ярадор бўлиб судралиб кетган. Ҳали бир айланиб келсанг кўрасан:

бирортасининг ўлиги қолмайди — шериклари топ-тоза қилиб ғажиб ташлашади!.. Бу махлуқлар қочиб кетишди деб ўйлаётсанми! Қочади-я қочади улар! Атрофимизда улар, минглаб йиртқиқлар — ҳар бир қадамимизни кузатиб туришибди.

Яна илгарилаймиз. Жаҳаннам ҳам бундан мудҳишроқ бўлмаса керак. Шредернинг айтишича, пистирмага дуч келган эканмиз. Тўсатдан ҳужум қилиб ҳам бизни енга олмаслигига кўзи етган каламушлар чекинишган, холос. Хуллас, Павлюченко қўналгани эълон қилганида, очиги, биринчи бўлиб мен шилқ этиб тушдим. Металл термосларда қаҳва пайдо бўлди. Бу ерда ейиш мумкин эмас: қўл ё кийимга илашиб қолган каламуш гўштининг бирон зарраси тасодифан ютиб юборилса ҳам заҳарланиб ўлиш мумкин.

...Яна кутилмаган қўналға. Деворда оқ бўёқ ёхуд бўрда доира ичига чизилган ҳоч тасвири кўринади. Қисқача кенгашув ва маъносини мен илғаёлмай қолган фикр алмашувдан кейин гуруҳ кўзга унча ташланмайдиган лаҳмга қараб бурилди. Тупроқ ичида ўйилган бу лаҳм йўл эмас, балки уяга ўхшаш тор, пастак ва нам бир жой. Елкам даражасида тупроқ қимирлаганини кўз қирим билан пайқаб қоламан. Бу нимаси бўлдийкин, деб сўрашга оғиз жуфтлагандим ҳамки орқамда келаётган Шредер шу заҳотиёқ мени деворга қапиштириб ташлади. Яна автоматлар тариллайди, гильзалар юзга урилади, рўпарамда эса ер жонланиб, ўз-ўзидан ҳаракат қилади. Нақ тумшугимнинг тагида — икки қаричча масофада титлиб кетган тупроқ орасидан тишларини иржайттириб турган каламушни пайқашга улгуриб қоламан.

Автоматлар каламушларга тегайтегай деб тариллайди. Бир лаҳза сукунат чўқади ва девор бўйлаб киприкларимизни куйдирганча нажотбахш олов оқими отилади. Куйган жун ва гўшт ҳиди димоқни ёргудек даражада қўланса. Яна автоматлар тариллайди, яна — сукунат. Бу ҳужумни ҳам даф қилолдиг-ов.

Орқага тисланганча катта йўлакка чиқамиз. Хайрият — ҳаммамиз соғомонмиз.

Халоскорим Шредернинг тушунтиришича, урғочи каламушлар тўққани ва болаларини эмизгани тўпланадиган инкубаторни топган эканмиз. Бу омад, дейди у, аллақандай 30 лаҳза ичида қириб ташланган каламушларга бошқа вақт бир ҳафта кетарди.



САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Орада ярим соатча ўтиб, белги-ланган масофада саргузаштларга дуч келмасдан жаҳаннамга йўлимиз бошланган хонага етиб бордик ва яроғ-аслаҳадан бўшадик.

Лекин инкубатор воқеаси хаёлимдан кетмасди сира.

— Уни ким топди ўзи! — деб сўрайман Колосовдан.

— Нимани!

— Инкубаторни-да! Ахир кимдир хоч тасвирини чизиб белги қўйибди-ку! Ким ўша!

— Билмайман. Буни умуман ҳеч ким билмайди.

Колосов хоҳламайгина тушунтириб берди. Хоч тасвири қаердан пайдо бўлиб қолиши номаълум. Ўз-ўзидан пайдо бўлмаслиги аниқ, албатта. Нафақат хоч, балки учбурчак, квадрат, тўлқинсимон чизиқлар ҳам пайдо бўлиб туради. Бўёқ намунасини ҳам олиб кўрдик. Ер остида тикилиб ётган оддий бўр ёки оҳак. Бу белгиларни ким ва нима учун қўйиб юрибди ўзи! Шунисини аниқлай олдики, биз кўрган доира ичидаги хоч белгиси яқин ўртада каламушларнинг катта тўдаси борлигидан хабар беради. Лекин бу огоҳлантириш ким учун мўлжалланган ахир! Отряд бундай белгилардан тез-тез фойдаланиб, каламушлар тўпланган жойларни ҳеч адашмасдан топа олади.

— Москваининг ер ости йўллари ҳақида ҳамма нарса биламиз десак кулгили бўларди, — дейди менга Колосов. — У ерда жамики тешик-туйнукларни яхши биладиган кимдир яшайди. Лекин у билан учрашиш бирон марта ҳам насиб қилгани йўқ бизга. Бу тушунарли ўз-ўзидан: бизнинг келаётганимиз бир қақиримдан эшитилиб, кўриниб туради, бу мавжудот эса зулмат ичида ёруғликда биз кўргандан ҳам яхшироқ кўра олади. Аммо биз ҳатто унинг изини ҳам кўра олганимиз йўқ шу пайтгача. Тўғри, ер янгигина кавланган жойларга дуч келган пайтларимиз бўлган...

Отряд аъзолари дам олиш учун уй-уйига тарқалади. Кечқурун эса яна жаҳаннамга тушиш мақсадида шу ерда тўпланишади.

Ким билади, бу тунда уларни нима кутиб турганиникин!



ИСО ПАЙҒАМБАР КАФАНИ

«Фан ва турмуш» кўлдан қўймай ўқийдиган ойнома. Айниқса табиатдаги сирли ҳодисаларга оид мақолалар дунёқарашимиз кенгайишида катта ёрдам берапти. Замонавий илм-фан бу ҳодисаларга қандай қараётганини ойноманинг ҳар бир сониди ёритиб борсангиз.

Мақсуда АКБАРАЛИЕВА,

Қирғизистон жумҳурияти, Жалолобод шаҳри, «Птицеград» микротумани, 3-уй, 1-хонадон.

Наманган шаҳридан Собитхон Низомов (манзилгоҳимни ёзманг дебдилар) «Азиз-авлиёлар, пайғамбарлар ҳақида ёзсангизлар. Масалан, Муҳаммад пайғамбар тарихда яшаб ўтгани маълум. Лекин Исо пайғамбар-чи? У ҳам тарихий шахсни ёки афсонавийми? Дарвоқе, шу хил муаммоларга замонавий илм-фан қандай қараяпти?» деган нома йўллабди. Бу хил мактублар жуда кўп. Муҳтарам муштарийларимизнинг илтимосларини эътиборга олиб, қуйида Исо пайғамбарга оид сўнги илмий янгилликни диққатингизга ҳавола этаймиз.

Инжилдан маълумки, Исо пайғамбар чормихга тортилганидан сўнг танаси яхудиёлар таомилига кўра зиғир толасидан тўқилган матога ўралиб дафн этилган.

Кейинроқ, яна ўша Инжилдан аён бўлишича, бу матони Исонинг шоғирдлари мақбара-ғордан топиб олишган, унинг шундан сўнги тақдири эса номаълум эди.

Бироқ 1357 йили Исога кафан бўлган бу мато Франциядаги Турин ибодатхонасида эканлиги эълон қилинди, у ҳозир ҳам шу жойда сақланади.

Исо кафанининг асрлар мобайнидаги саргардонлиги тўғрисида кўплаб ривоятлар бор: уни гўё Константинополдаги, кейин Римдаги махфий жойларда яширишган экан.

Лекин бу ўринда биз ҳозирги вақтда олимлар Кафанини тадқиқ этиш бўйича олаётган қизиқарли натижалар ҳақидагина ҳикоя қилмоқчимиз, холос. Бу, илм-фандин билан туташуви, Исо ҳақиқатан яшаб ўтганига ва чормихга тортилгани тарихий ҳодиса эканига бир мисол тариқасида ҳам қизиқарлидир.

Кафанининг узунлиги 7 метр. Унда қатл этилган одамнинг юзидан ва танасидан қолган излар яққол кўриниб турибди. Бу излар фотопластинкадаги негатив тасвирга ўхшаб кетади.

Фототасвирлар бўйича мутахассислар эса матодаги тасвир... негативнинг айнан ўзи, деган хулосага келишди. Юз ва тананинг бутун қиёфаси мусаввир томонидан чизилмаган, бўёқда ҳам ишланмаган.

Матодаги бу негатив тасвир тушунтириб, изоҳлаб бўлмайдиган тарзда пайдо бўлган. Юз қиёфаси жуда яққол: пешонадаги тиканли чамбарак қолдирган жароҳат излари ҳам кўриниб турибди. Юз тузилиши ўта симметрик, баланд пешона, узун сочлар, йирик-йирик кўзлар, соқол-мўйлов аниқ кўринади.

Матодан парча қирқиб олиб ёкиш тўфайли радиоактив углерод таҳлили усулида у тўқилган даврини аниқлаш мумкин. Лекин Ватикан бунга рухсат бермади, ишонмаган одамларнинг шубҳасини тарқатиш учунгина муқаддас нарсанинг яхлитлигини бузишни истамади.

Бироқ олимлар Кафанини унинг яхлитлигини бузмай туриб ҳам тадқиқ этиш йўллари топишди.

Қуйида уларнинг тадқиқотларидан айрим қизиқарли натижаларни келтирамиз.

1. Матонинг қадимийлиги шак-шубҳасиз исботлаб берилди, шунингдек у фақатгина Яқин Шарқ ҳудудида ўсадиган ўсимликларнинг толасидан тайёрлангани аниқланди; мато қатламларидан эса фақат қадимги Исроил мамлакатида ўсган ўсимликларнинг уруғи топилди.

2. Дюк [АҚШ] дорилфунунида олиб берилган тадқиқотлар ўзига хос услуби билан ажралиб туради: доктор Вагнер Кафандаги юз қиёфаси билан 590 йил чизилган ва ҳозир Синай тоғи ёнидаги Авлиё Екатерина ибодатхонасида сақланаётган иконадаги Исо чехраси тасвиридаги нуқталарини ўзаро қиёслаб чиққанда, 45 нуқта бир-бирига айнан мос келди. Кафандаги юз қиёфаси билан 695 йил зарб қилинган Византия тангасидаги Исо чехраси тасвирини ҳам шу усулда тадқиқ этишганда эса 60 нуқта ўзаро мос келди. Илмий нуқтаи назардан бу ўхшашлик тасодифий бўлиши мумкин эмас.

Хулоса ўз-ўзидан келиб чиқади: қадимги иконани чизган одам ҳам, тангани зарб қилган одам ҳам Кафандаги Исо қиёфасини кўриш ва сурат учун ундан нусха олиш имконига эга бўлишган. Уша олиш замонларда бу тасвирларни чизган мусаввирлар, табиийки, Кафандаги тасвир ҳақиқий эканлигига заррача шубҳа қилишмаган.

3. Кафанда қолган изларни патолог-анатом олимлар ўрганиши ҳам ниҳоятда қизиқарли натижаларни берди. Уларнинг тадқиқлашига кўра, танасининг сурати Кафанда туриб қолган кишининг бўйи 1 метр 80

сантиметрга тенг, бу эса Исроил аҳолиси учун бағоят ноёб, чунки уларнинг ўртача бўйи бундан паст; энг муҳими бу одам — спастик параплегия номли наслий касаллиқнинг барча аломатларига эга: бўйи баланд, озгин, юзи чўзинчоқ, бармоқлари узун-узун, қулочи ғайри оддий равишда кенг. Бу дардга мубтало бўлганлар эса одатда шотомир кенгайиб ёрилишдан ўлишади.

Шу ўринда патолог-анатом олимларнинг хулосасидаги бу маълумотларни Исонинг чормихдаги ўлимига бевосита гувоҳ бўлган кишиларнинг маълумотлари билан қиёслаб кўрайлик.

Инжилдан маълумки, Рим аскарлари одатда қатл қилинувчининг ўлимини тезлаштириш учун унинг қўл-оёқларини синдиришарди, Исода эса бунга ҳожат қолмаган, у ниҳоятда тез ўлган экан; Рим аскарлари унинг юрагига найза санчганида жароҳатдан аввал қон, кейин эса... сув оққан экан.

Патолог-анатом олимлар бу ҳодисани жуда осонгина изоҳлаб беришарди: спастик параплегия дардига мубтало одам чормихга тортилганда шотомир кенгайишдан ёрилган ва юрак халтасига қон тўпланган; юрак уриши тўхтаганидан кейинги турғунлик ҳолати эса ўпка тубида сувсимон суюқлик тўпланишига олиб келган.

Ана шу сабабли ҳам чормихдаги Исонинг юрагига найза урилганда жароҳатдан Инжилдаги гувоҳлар аниқ тасвирлашганидек «қон ва сув» оққан.

Кафанда юракка найза санчилган жой ва жароҳат ўрни аниқ-таниқ кўриниб турибди.

Шундай қилиб, 2000 йил муқаддам Қуддуси шарифда Рим аскарлари қатл этган Исо номли одам тарихий шахс бўлганини илм-фан яна бир бор исботлаб берди. Бу одам кейинчалик бутун дунёга маълум бўлган Исо пайғамбар эди.

«Сирлар китоби»дан

Рустам ОБИД таржимаси.

Сўранг — жавоб берамиз

Ежемесячный научно-популярный журнал АН УзССР «Фан ва турмуш» [Наука и жизнь] № 6 [440] 1991 г.

Кўлөзма ва расмлар Саҳифаловчи Ҳалима УСМОН қизи қайтарилмайди. Бадий муҳаррир Ақром БАҲРОМОВ

Ойномамиз мақолаларидан фойдаланилганда «Фан ва турмуш»дан олинган» деб кўсатилиши шарт.

Унвонимиз: 700000, Тошкент, ГСП (П) Гоголь кўчаси, 70-уй. Телефон: 33-07-05.





Теришга 15.04.1991 йилда берилди. Босишга 15.05.1991 йилда рухсат этилди. Қоғоз 60×90¹/₈. Ботиқ босма қоғози. Шартли босма т. 4,0. Шартли рангли намуналар 10. Нашриёт-ҳисоб т. 5,0. Нусха 378021. Буюртма № 5247. Нашр № 597. Обуна нархи 60 т., Чакана нархи 80 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ГСП, 700083, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

© «Фан ва турмуш»

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОЛОГИК ХАРИТАСИ








СИЯРҚАК ВА ИУҚОЛИБ КЕТИШ АРАФАСИДАГИ ҲАЙВОНЛАР

-  — Халқаро, ССЖИ ва ЎзССЖ Қизил китобига киритилган ҳайвонларнинг яшаш жойлари
-  — ССЖИ ва ЎзССЖ Қизил китобига кирган ҳайвонлар
-  — ЎзССЖ Қизил китобига кирган ҳайвонлар
-  — Ўзбекистон ҳудудида кам тарқалган ҳайвонот турлари






ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ДАРАЖАСИ

-  — жиддий
-  — кескин
-  — ўртача
-  — қониқарли
-  — ўртача қониқарли




ЕР УСТИ СУВИНИНГ ИФЛОСЛАНИШ ДАРАЖАСИ


-  — ўта ифлосланган
-  — жуда ифлосланган
-  — ифлосланган
-  — ифлосланиш арафасида
-  — тоза
-  — ифлосланишни назорат қилувчи жойлар
-  — ишдан чиққан ерлар

ШАҲАРЛАР ҲАВОСИНИНГ ИФЛОСЛАНИШ ДАРАЖАСИ

-  — ўта хавфли (20,0 дан кўп)
-  — жуда хавфли (15,0—20)
-  — хавфли (10,0—15)
-  — хавфли бўлиш арафасида (5,0—10)
-  — хавфсиз (5,0 гача)

ЧЕГАРАЛАР

-  — экологик вазият даражаси
-  — давлат чегараси
-  — экологик чегараси



ВАҚТ КУТМАЙДИ!

Қодиров З



ФАН. ТУРМУШ

ISSN 0134-4560
индекс 75421

Обуна нархи 60 т.
Чакана нархи 80 т.